УССР Ин. Рос. мажмуи палата УССР

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 23 ОКТЯБР, № 43 (3199) ЖУМА

ОЛАМ АЙТАР: ҲЕЧ ҚАЧОН ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ!

Одил ЁҚУБОВ:

ЎЗБЕК ТИЛИМ—ЖОНУ ДИЛИМ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раиси, ҳукумат Тил комиссияси аъзоси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан суҳбат.

МУХБИР: — Шу кунларда она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг уч йиллигини халқимиз жуда катта қувонч, жуда катта нфтихор билан нишонлаяпти. Вилоятларда, туманларда, олий ўқув юртларида, мактабларда, маҳаллаларда бу қутлуғ она тили байрами — учрашувлар, қизиқ-қизиқ суҳбатлар бўляпти.

О. ЁҚУБОВ: — Мана, суҳбатимизга «Она тилим — жону дилим» деган ном қўйдик. Бу мен топган ном эмас. У айни кунларда Тошкент шаҳар, 220-рус-ўзбек ўрта мактаби ўқувчиларининг шу байрамга берган номи. Бу мактабдаги учрашув (мактаб директори З. Холиқулова, илмий мудир Г. Умарова) шундай мароқли ўтдики, жуда кўп учрашувларнинг гувоҳи бўлган мендек кекса одам ҳам она тилимизга нисбатан бундай чексиз ҳурмат, агар таъбир жоиз бўлса, садоқат ва меҳр-муҳаббатни кўрмаганман. Мени энг қувонтирган нарса шу бўлдики, бу учрашувда нафақат жажжи-жажжи, дилбар ўзбек қизчалари, балки шу мактабда таҳсил олаётган рус қизчалари, рус ўспиринлари ҳам мусаффо ўзбек тилида буюк шоирларимизнинг шеърларини ёддан ўқишди. Тилимиз ҳақида буюк боболаримиз Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратлар айтиб ўтган доно ва ҳикматли сўзларни ёддан айтишиб, йиғилган халқнинг гулдурос олқишларига сазовор бўлишди. Худди шундай мароқли учрашув 20 октябр куни Мирзо Улуғбек туманидаги дам олиш уйида ҳам бўлиб ўтди. Бу учрашувда Нодирабегим номидаги маҳалла аҳли (қўмита раиси Ф. Маҳмудов), санаторий ходимлари (бош врач Ҳ. Жалилов) ва дам олувчилар қатнашди. Бу учрашувга борар эканман, мени яна ўша савол: ҳар куни даволанувчилар билан — — даволанувчиларнинг кўпларини, табиий, маҳаллий аҳоли ташкил этади — мулоқотда бўлаётган рус забон врачлар ва ҳамширалар қайси тилда гаплашаётган экан, деган савол қизиқтирар эди. Суҳбат давомида шу нарса аён бўлдики, шифохона раҳбарияти дам олиш уйида ишлаётган врач ва ҳамширалар учун махсус тил ўрганиш гуруҳлари ташкил қилиб, уларга яхши шароитлар яратиб берибди, оқибатда рус забон врач ва ҳамширалларнинг аксар қисми бугун даволанувчи туб жой аҳоли билан ўзбек тилида гаплашадиган бўлишибди. Буни таъкидлаб айтишимнинг бир сабаби шундаки, қўмитамизга хусусан Тошкент, Самарқанд, Ангрен каби шаҳарлардан «Ўзбек тили жуда мураккаб тил, уни ўрганиш қийин, шунинг учун ўзбек тили билан бирга рус тилига ҳам давлат мақоми берилса, яхши бўлмасмикан?» деган хатлар бот-бот келиб туради. Ҳолбуки, она тилимизга меҳр билан ёндашиб, унинг келажаги ҳақида қайғураётган жуда кўп вилоятлар, туманлар, хусусан, вазирликлар тажрибаси шуни кўрсатадики, худди мен айтган мактаб ва санаторийдагидек бу муҳим аҳамиятга молик давлат иши яхши йўлга қўйилса, рус забон аҳоли ҳам ўзбек тилини ўз она тилидек ўрганиб олишлари мумкин экан. Афсуски, кўп масъул ходимларимиз, катта-кичик идора ва ташкилот раҳбарлари ўзлари ўзбек бўла туриб, бу ишга ҳануз лоқайд қарамоқдалар. Оқибатда, тил ҳақидаги Давлат қонунида яқин йиллар ичида ҳамма ёзишмалар, қарорлар, фармойишлар ўзбек тилида олиб борилиши лозим, деган модда бўла туриб, ҳануз унга риоя қилмаяптилар.

М.: — Бундан бир неча ой муқаддам матбуотда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясида бу иш қандай бораётганлиги ҳақида, тўғрироғи, у ерда қонунни бажариш борасида ҳеч қандай иш қилинмагани ҳақида маълумотлар берилган эди.

О. Ё.: — Ҳақиқатан, қўмитамиз ўтказган текширишларда бу йирик ташкилотда ўзбек тили ҳақидаги қонунга беписанд қараш ҳоллари ҳануз давом этаётгани аён бўлди. Ҳолбуки, ҳар бир мустақил давлатнинг том маънодаги эркинлиги, унинг тили ва маданияти қандай ривожланаётганлиги шу мамлакатнинг дарвозаси бўлмиш аэропорт ва темирйўл бекатларида яққол кўзга ташланиб туради. Биз шуни сира унутмаслигимиз керакки, бошқа мамлакатлардан келган ҳар бир меҳмон бу масалага, яъни аэропорт пешонасидаги ёзувлар, эълонлар, лавҳалар, аэропорт қаршисидаги ва ёнидаги майдонлардаги ёзувлар қайси тилдалиги билан қизиқади. Безаклар, суратлар, шиорлар, шу мамлакат халқининг миллий руҳини акс эттирадими, йўқми, катта эътибор беради. Сўнгги йилларда хориждан келаётган жуда кўп ватандошларимиз эса аэропорт хизматчилари билан, табиий ўз она тилларида гаплашгиси, бирор мураккаб масала туғилиб қолса, саволига ўз она тилида жавоб олгиси келади. Демоқчиманки, авиакомпания раҳбарияти бу ишларга жуда катта эътибор беришлари керак эди. Шунинг учун ҳам, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги давлат Тил комиссияси ва унинг раиси, Бош вазиримиз Абдулҳошим Муталов бу масалага жиддий эътибор қаратиб, йиллар давомида йўл қўйиб келинган нуқсон ва камчиликларни тезда бартараф этиш тўғрисида қатъий топшириқлар берган эди.

М.: — Одил ака, ҳозир аҳвол қандай?

О. Ё.: — Мен аҳвол ижобий томонга кескин ўзгарди, дея олмайман. Лекин авиакомпания раҳбарияти бу нуқсонларни тугатиш борасида бир қанча муҳим тадбирлар белгилади. Жумладан, маҳаллий қиз-йигитларимиздан стюардессалар тайёрлайдиган курс очиш, нафақат ўзбек ва рус тилларини, балки инглиз тилини ҳам ўргатиш, умуман маҳаллий кадрларга кўпроқ эътибор бериш каби бир қанча савобли ишларни амалга оширмоқда. Умуман, комиссия вокзал, метро, шаҳар транспорти, Алоқа вазирлигига қарашли идораларнинг раҳбарларига ўзбек тилига аҳамиятни кучайтиришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини топширди.

М.: — Биз тил ҳақидаги қонуннинг бажарилиши хусусида бир қанча яхши ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳимиз. Лекин сир эмаски, мустақиллигимиз йўлида қўлга киритган бу энг қувончли ютуғимиз, яъни ўзбек тилини кенг кўламда жорий этишдек муҳим давлат иши бир қадар суст кетмаяптими?

О. Ё.: — Албатта, мен ҳам сиз каби, барча зиёлиларимиз каби бу жараён тез суръатлар билан боришини истар эдим. Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, салкам 200 йил давом этган империя даврида, айниқса сўнгги 70 йилдаги тоталитаризм даврида муттасил камситиб келинган маданиятимиз, фанимиз, хусусан тилимизга нисбатан йўл қўйилган адолатсизликлар ва бунинг оқибатида вужудга келган оғир вазиятни бир-икки йил ичида ўнглаш мумкинми? Ўйлайманки, бу жуда қийин масала. Лекин мени қувонтирадиган нарса шуки, бутун халқимиз эътиборида турган муҳим қонун амалда ҳам рўёбга чиқаяптики, бу ҳақда мана, куни кеча матбуотда эълон қилинган Бош вазиримиз Абдулҳошим Муталовнинг «Ҳукумат қонун ижроси билан бевосита шуғулланмоқда» деган суҳбатида ҳам жуда яхши эътироф этиб ўтилган. Фурсатдан фойдаланиб, А. Муталов қайд этган гапларга қўшимча тарзда шуни айтмоқчи эдимки, она тилимиз ва унинг келажаги, бу — фақат ҳукумат комиссияси, ёки , айтайлик, фақат зиёлиларнинггина иши эмас, унга умумхалқ иши деб қарашимиз керак. Бу борада ҳар биримиз жон куйдириб, белни қаттиқ боғлаб хизмат қилганимиздагина орзу қилган ниятларга тезроқ эришамиз.

М.: — Одил ака, Тил ҳақидаги қонуннинг баъзи моддалари эскириб бораётгани кўриниб қолаяпти.

О. Ё.: — Бу масалада мен сизни қувонтиришим мумкин. Мана бир неча ойдирки, ҳозирги талабларга жавоб берадиган тил қонунининг янги таҳрири устида иш олиб бориляпти. Бош вазиримиз бу ҳақда ҳам ўз мақоласида тўхтаб ўтгани учун батафсил гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Фақат шуни айтишим мумкинки, янги таҳрирдаги бу қонун маданий ҳаётимизда қувончли воқеа бўлажак.

М.: — Тил равнақи атамалар, тўғрироғи, тилимизга чет тиллардан ноўрин кириб қолган сўзларнинг ўзбекча муқобилларини тўғри танлаш, яхши сўзлашгичлар, фан соҳалари бўйича мукаммал луғатлар яратиш каби қатор муҳим ва мураккаб ишлар билан боғлиқ. Сир эмаски, матбуот, радио ва телевиденида бу соҳада кўп чалкашликлар, турли атамаларни қўллаш каби ҳар хилликларга йўл қўйилди. Тилимиз, агар таъбир жоиз бўлса, ҳақиқий озодликка чиққан экан, ундан кейин ҳамма дарсликлар, барча ўқув қуроллари ўзбек тилида ёзилиши лозим. Лекин бу дарсликларни яратувчи муаллифлар қўл остида катта олимлар, ўз ишининг усталари бўлмиш йирик мутахассислар назаридан ўтган мукаммал луғатлар бўлмаса, атамалар соҳасида йўл қўйилган чалкашликлар дарсликларга ҳам ўтиб қолмасмикан?

О. Ё.: — Ҳақиқатан, бу жуда мураккаб масала. Ҳозир бу соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар устида қўмитамиз Тилшунослик институти ва давлат Тил комиссияси билан биргаликда бир қанча амалий ишлар олиб боряпти. Луғатлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Лекин бу мураккаб мавзу алоҳида бир суҳбатни тақозо этади. Келинг, бу гапларни байрамдан кейинга қолдирайлик.

Суҳбатни М. АБДУЛЛА ёзиб олди

СУРАТГА ЕЗУВ

Ҳар юртнинг, ҳар халқнинг ўз бойлиги бор. Арабларнинг нефть булоқлари, мўғулларнинг саҳроларн ва чорвалари, Русиянинг бепоёнўрмонлари, ўзбекларнинг пахтаси. Ҳар бир халқнинг худо берган хазиналари ўзига буюрсин, наслларнинг камолига, эл-давлатнинг қудратига хизмат қилсин. Лекин пахтадан ҳам қимматлироқ бир нарса бор. У ҳам бўлса, мана бу қизнинг хаёли ва иродаси. Шу қизнинг келажаги ва иқболи. Унинг иқболи ўз қўлида. Иқболини ўзи яратади. Ҳозир тонг уни деб отаётгандай. Қуёш уни деб чиқаётгандай. Сенга ҳамиша иқболинг ёр бўлсин, синглим!

Суратчи С. МАҲКАМ

ПАСПОРТ (ШАХСНОМА) МАТНИ ҲАҚИДА

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Мустақил давлатнинг мустақил кишисининг шахснома-си ҳам мустақил бўлиши шарт. Шахснома ва унинг эгасининг мустақиллиги унинг матнида маълум бўлади. Шахснома асосан чет учун керак бўлганлигидан бу масала жиддий аҳамиятга молик.

Агар янгидан тайёрланаётган шахсномада эски паспортдаги «СССР граждани» деган ибора ўрнида «Ўзбекистон Республикаси фуқаро-си» дейилса, зийрак ҳурфикр киши Ўзбекистон «Совет Социалистик»дан қутулибди, аммо «республика»ни «жумҳурият»га айлантиролмабди, дейди. «Фуқаро»ни кўрганда эса бу давлат фақирликни бўйнига олибди, дейиши мумкин.

Бунинг олдини олиш учун шахсномага «Ўзбекистон жумҳуриятининг раиййати» ёки «Ўзбекистон раиййати» деб ёзиш керак. Иккинчиси биринчисига нисбатан маъқулроқ. «Республика» сўзининг шахсноманинг аврўпача матнида берилишининг ўзи кифоя бўлиб, унинг ўзбекча матнга ҳам кўчирилиши тил истиқлолига зиддир. «Фуқаро» сўзи эса давлатнинг ҳамма шахсларига нисбатан эмас, ҳукм ижрочиларига нисбатан, уларни ҳукмдорларга қарама-қарши қўйилганда ишлатилади. Бинобарин, давлат арбоби «фуқаро» жумласига кирмайди. «Раиййат» сўзи эса бир давлатда яшаб тириклик қилувчи ҳамма шахсларга нисбатан қўлланади.

Шахсномада унинг эгасининг исмларининг тартиби ва шакли ҳам ўзбекники ўзбекча бўлиши керак. Ўзбекчада аввал ўзининг исми, сўнгра кунйаси, ундан кейин насаби аврўпача қўшимчаларсиз берилмоғи зарур. Масалан, **Абдуллоҳ Муҳаммад ўғли Карим** (ёки **Каримий**, ёки **Каримзода**) каби. «Кунйа» сўзининг маъноси русча «отчество» сўзига нисбатан кенгроқ, яъни ота билан чекланмай она ва болани ҳам ўз ичига олгани учун **Карима ўғли** (ёки **қизи**) тарзида ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳол бевафо оталарга нисбатан қўлланиши мумкин.

Шахсномада оддий сўзлашувда «мат», «мамат», «дамин» тарзида қисқартилиб айтиладиган отларнинг «Муҳаммад» ва «Муҳаммадамин» деган тўлиқ адабий шаклининг берилиши жамиятимизнинг илмий савиясини кўтариш учун аҳамияти улуғдир.

Алибек РУСТАМИЙ

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

АДИБ ТУҒИЛГАН ЮРТДА

Ш. Рашидов юбилейини ўтказиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтган жума куни Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари атоқли давлат арбоби ва адиб туғилган юртда унинг тўйига тайёргарлик қандай бораётгани билан танишдилар. Ш. Рашидов музейида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Тантана ўтадиган вилоят театри қайта таъмирдан чиқиш арафасида. Кўча ва йўллар, хиёбонларда ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимияти мажлислар залида ўтган комиссия йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков кириш сўзи билан очди. Юбилейга бағишланган тантаналар 5 ноябрда Тошкентда, 6 ноябрда Жиззахда бўлиб ўтади. Тошкент, Самарқанд ва Жиззахда Ш. Рашидовнинг ҳайкаллари ўрнатилмоқда.

Ш. Рашидов вафотидан сўнг унинг жасади қўйилган пойтахт марказидаги хиёбон қайта таъмирланиб, марказида Ш. Рашидов ҳайкали очилади ва бу хиёбон қутлуғ зиёратгоҳ бўлиб қолади.

Йиғилишда сўзга чиққан Жиззах вилояти ҳокими Эркин Турсунов, унинг биринчи ўринбосари Уктам Олимов, шаҳар ҳокими Аҳмат Соатов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири вазифасини бажарувчи Зафар Ҳакимов, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири, юбилейни ўтказиш комиссиясининг масъул котиби Шароф Убайдуллаев, матбуот Давлат комитети раиси Рустам Шоғуломов барча соҳаларда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳисобот бердилар. Йиғилишда сўзга чиққан юбилейни ўтказиш комиссиясининг аъзолари Бектош Раҳимов, Оқил Салимов, Жамол Камол ва бошқалар ҳам талай ташкилий масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Тўй тантаналари юқори даражада ўтиши, жумҳуриятимиз ташқарисидан кўплаб мартабали меҳмонлар ташриф буюриши кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда Ш. Рашидов жамғармасининг раиси этиб Исмоил Жўрабеков, унинг ўринбосари қилиб Шароф Убайдуллаев тасдиқланди.

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТЛАР

МУХЛИСЛАР ВАФОСИ

Жиззах вилояти далаларида бугун вазият ҳар қачонгидан жиддий. Қаёққа қараманг, умумий сафарбарлик. Далаларда пахта қийғос очилган. Аммо ёғин-сочинли куз ҳавоси ўзини билдириб турибди. Ўтган ҳафта охирида ёққан қор деҳқон кўнглига гулгула солиб ўтди. Ҳар лаҳза ғанимат бундай дамларда пахтакорлар руҳини кўтариш, маънавий жиҳатдан уларга кўмак бериш ижодкор зиёлиларни ҳам далага чорламоқда.

Ҳафталигимизнинг масъул котиби, шоир Саъдулла Ҳаким, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Турон чечаклари» ансамблининг бадиий раҳбари, хонанда Бахтиёр Холхўжаев Жиззах шаҳри, вилоятнинг қатор хўжаликларида бўлиб, пахтакорлар билан ижодий учрашувлар ўтказиб қайтдилар.

Учрашувларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг дала меҳнаткашлари маънавий ҳаётидаги ўрни, пахтакорлар турмушини газета саҳифаларига олиб чиқиш билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳам сўз юритилди.

Хўжалик раҳбарлари меҳнаткашларнинг газетага бўлган қизиқишларини инобатга олиб, уларни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га мукофот тариқасида обуна қилишга қарор қилганликлари маънавий бойликларимизга эътибор, ғамхўрлик сифатида эътироф этилди.

Вилоят гўшт-сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг туманларда 24 корхонаси бор. Бош директор Неъматулла Алимжоновнинг ишонтириб айтишича, янги йилда ҳар корхонадан 10 киши, жами 240 илғор ишчи хонадонига газета кириб боради.

Жиззах пахта тайёрлаш ва тозалаш саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Орзимат Ортиқматов эса ой охиригача 380 кишини обуна қилишга сўз берди.

Ульянов номидаги давлат хўжалиги Пахтакор туманидаги илғор хўжаликлардан бири. Хўжаликка қатор йиллардан бери саркорлик қилиб келаётган Шакарбой Исроилов газетамизнинг доимий мухлисларидан. Ҳар сонини бошдан охир ўқиб боради. Оддий деҳқонларнинг дардуташвишлари ҳафталик саҳифаларидан кенгроқ ўрин олишини истайди. Шу ниятда хўжалик илғорларидан 30 кишини бепул обуна қилдирди.

Дўстлик туманидаги Қосим Раҳимов номидаги давлат хўжалигида эса хўжалик директори Қулмирзо Қамбаровнинг мададига кўра 20 илғор теримчи газетага обуна бўлди.

Сирдарё вилоятидаги «Оқ олтин» туманига қарашли Усмон Юсупов номидаги давлат хўжалигида барча нашрлар обунаси учун 296 минг сўм ажратилди. Хўжалик раҳбари Пардабой Синдоров айтишича, дала меҳнаткашларининг 30 нафари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га бепул обуна бўлади.

Ҳафталигимиз муҳарририяти номидан ҳиммат-ли хўжалик раҳбарларига миннатдорчилик билдирамиз, ишонтириб айтамизки, газетамиз бундан буён ҳам халқимизнинг маънавий жиҳатдан баркамол бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатларида яқин дўст, ҳамкор ва кўмакчи бўлади.

Ҳар қандай даврда инсоннинг камолоти маданият ва маърифат билан белгиланади. Энг оғир ва мураккаб замонларда ҳам одамлар зиёга, илм ўрганишга, маънавиятини ҳар жиҳатдан бойитишга интилганлар. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан халқимизга чинакам маънавий озуқа бераётган яхши матбуот нашрларини асраб қолиш керак. Ана шундай оммабоп нашрлардан бири шубҳасиз, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги ҳисобланади. Бу газетани фақат зиёлилар эмас, балки бошқа кўпгина соҳаларнинг эгалари ҳам севиб ўқийдилар. Шуларни ҳисобга олиб навоийлик йўл қу-

НАВОИЙЛИКЛАР ҲИММАТИ

рувчиларнинг 50 нафарини ҳафталикка Кенгаш ҳисобидан бепул обуна қилдик.

Азимжон ИСТАМОВ,
Навоий вилояти йўллардан фойдаланишни мувофиқлаштириш кенгаши раиси

●

Хатирчи туманидаги Янгиробот матлубот жамияти бошқаруви ҳайъати илғор ходимларни рағбатлантириш мақсадида 30 кишига мукофот тарзида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига обуна қилди. Чунки бу газетада берилаётган мақолалар ва суҳбатлар, тарих ва миллат тақдирига оид ажойиб саҳифалар, назм ва насрнинг янги намуналари, санъатнинг бетакрор олами ҳар бир муштарийни 93-йил учун обуна бўлишга ундайди.

Салоҳиддин СОЛИЕВ,
Хатирчи тумани хўжалик моллари ва ёғоч маҳсулотларини сотиш корхонаси директори

БИЛДИРИШ

Шу йил 27 октябр соат 15.00 да Тошкентдаги Ўзбекистон Киночилар уйида Ўзбекистон Республикаси Фалсафа, Педагогика, Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятлари, Ўзбекистон Республикаси илм-маърифат, Кинематографчилар, Ёзувчилар, Рассомлар, Театр арбоблари, Меъморлар уюшмалари, Тошкент давлат дорулфунуни, Ўзбекистон ФА Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти «Шароф Рашидов — Ўзбекистонда илм-маърифат ва маданият ҳомийси» мавзуида хотира анжуманини ўтказади.

Йиғилишга барча қизиққан ўртоқлар таклиф этилади.

БОШ ҚОНУН—МУҚАДДАС

Эркин ВОҲИДОВ: — Кўпчиликнинг хабари борки, икки йил бурун Олий кенгашимизнинг ўн биринчи чақириқ иккинчи сессияси иш бошлаб, унда Ўзбекистон Конституциясини қабул қилиш комиссиясининг таркиби Президентимиз раҳбарлигида тасдиқланган эди. Шундан буён комиссия ва унинг ишчи гуруҳлари ишлаяпти. Бироқ, орадан ўтган икки йил давомида бизнинг ҳаётимизда кўп ўзгаришлар бўлди. Конституцияни тайёрлаш ишчи гуруҳлари ҳам шу орада жуда катта иш олиб борди. Америка, Канада, Европа ва шарқ мамлакатлари Конституциялари ўрганилди.

Илгари, маълумки, ўзбек тили давлат мақомини олмагани боис, қонунларимиз рус тилида тайёрланиб, сўнг ўзбек тилига таржима қилинарди. Шундан сўнг бу таржима ҳужжат тусини оларди. Энди эса Давлат тили ҳақидаги қонунимиз ишлаб турибди. Ана-шу қонун берадиган ҳуқуқлардан ҳам фойдалана билишимиз керак. Аслида, бизнинг қонун ёзиш тарихимизнинг ўзи жуда узоқ. Уша Темур тузукларида, кейинги хонликлар даврида ишлаган қонунларимиз, ўзимизнинг шаръий қонунларимизни олиб кўрайлик. Ахир уларнинг ўзига хос ёзилиш услублари, ўз тили бор. Демоқчиманки, унутилиб кетган бўлса-да, қонун ёзишда муайян тажрибаларимиз бор эди. Эндиликда яратилаётган Конституциямиз мустақиллик шароитидаги биринчи катта тажрибамиз бўлади. У мустақил жумҳуриятимизнинг биринчи катта тузуги бўлади. Шу сабабли бу тажриба жудаям пухта бўлиши керак.

Ҳар сафар Олий Кенгашимизда қонунлар қабул қилинаётганда турли фикрлар, мулоҳазалар ҳам ўртага ташланади. Баъзан ҳозирги вазиятни ҳисобга олиб қабул қилиб қўя қолайлик, деган гаплар ҳам айтилади. Биз, энг муҳими, мана бу лойиҳа ҳолидаги Конституциямизга ҳам шундай муносабатда бўлмаслигимиз керак. Ҳар қандай қонун каби асосий қонунимиз ҳозирги вазият учун эмас, келгуси авлодлар учун ҳам яратилажагини унутмаслигимиз керак. Унда келажагимиз акс этиб туриши керак. Конституция бизнинг нечоғлик олдинни кўра билишимизни ҳам ифодалай олиши лозим. Муҳокама бошлангандан бери айтилаётган, газеталар саҳифаларида чиқаётган фикрларни кузата бориб, мен шундай хулосага келяпманки, ҳақиқатан ҳам, халқимиз орасида ақлга, фикрга бой одамлар ниҳоятда кўп экан. Айниқса, мустақиллик шароитида билдирилаётган фикрлар илгариги референдумлар чоғида биз дуч келадиган партиявий йўналиш, юқоридан белгилаб берилган ғоявий йўналишлардан мутлақо ажралиб турувчи мустақил фикрлар эканлиги билан қувонтиради.

Конституция лойиҳаси билан танишиб, матбуот ҳақида цензуранинг йўқлиги, сўз эркинлигининг таъкидланганини кўриб оммавий ахборот воситаларимиз учун шунинг ўзи етарли, деб ўйлаб юрган эдим. Кеча лойиҳа муносабати билан бир фикрни эшитдимки, унда оммавий ахборот воситаларига тазйиқ қилиниши мумкин эмас, буни кафолатлайдиган банд зарур дейилди. Барчага шу гап маъқул бўлди. Ҳақиқатан ҳам, цензура бўлмаслигини кафолатлайдиган яна бир фикр керак экан.

Энди мен мана шу тайёргарлик жараёнининг ичида бўлганман. Эҳтимол, шу боис камчиликлар кўпам кўринавермаслиги мумкин. Албатта, айрим фикрий ғализликларни ҳисобга олмаганда Конституция лойиҳасида демократия сари қўйилган қадамлар бизни қувонтириши керак. Шу ўринда мен айтадиган бир гап шуки, лойиҳада оммавий ахборот воситалари ҳақида фикр юритилиб, «хавфсизлик нуқтаи назаридан» чегараланади деган жой бор. Албатта, ўша жойда хавфсизлик даражасини белгилайдиган бир изоҳ зарурга ўхшаб турибди. Бўлмаса ҳокимият томонидан бу эркинликлар истаган пайтда тўхтатиб қўйилиши мумкин, деган гап чиқиб қолади. Буни аниқлаштиришимиз керак. Намойишлар, митинглар эркин бўлгани билан бунинг хавфсизлиги ҳам таъминланмоғи лозим. Бу нарса бутун олам тажрибасида бор. Конституция ёзилаётганида эса мана шу мезонлар ниҳоятда аниқ қилиб айтилиши керак.

Ҳали биз муҳокама жараёнида кўп фикрлар оламиз. Эҳтимол, сессияда ҳам биринчи Конституциямиз кўп муҳокама бўлар, ҳар ҳолда бир ўқишда қабул қилинишига кўзим етмайди. Ҳали яна такроран ишланар. Бундай масъул дамларда, назаримда, шошмасдан пухта иш кўрмоғимиз лозим.

Озод ШАРАФИДДИНОВ: — Эркинжон Конституциямизнинг яратилиши тарихини айтиб ўтдилар. Албатта, мана шундай узоқ тайёргарлик давомида яратилган бош Қонунимиз мукаммал бўлиши ҳам керак. Модомики, ҳуқуқий давлат яратиш сари бораётган эканмиз, бу давлатнинг вужудга келишини таъминлайдиган биринчи омил ҳам, бу — Конституция, Асосий қонун, Асосий дастуримиздир. Шу дастур қанча мукаммал бўлса, қанча яхши бўлса, жамиятнинг ривожланишига ҳам шунчалик ижобий таъсир кўрсатади. Ҳақиқий ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш нуқтаи назаридан ҳам бу жуда кўп эркинликлар берадиган, жуда кўп ижобий жиҳатларга эга бўлган Конституциямиздир. Уни яратиш йўлида анча катта меҳнат қилингани кўриниб турибди. Эркинжоннинг фикрини маъқуллаб айтмоқчиманки, Конституция энг мукаммал қонун тарзида яратилади. Конституциямиз шундай бўлмоғини орзу қиламанки, уни истаган одам истаган вақтда ўзгартиравермасин. Ҳадеб ўзгартиш киритиб ўз қўйига солавермасин, ўз манфаатига хизмат қилдирмайдиган бўлсин. Ҳақиқий Конституция ривожланган давлатларда деярли ўзгармайди. Масалан, Америка Қўшма Штатларининг Конституцияси яратилганига 200 йил бўлган. Бироқ у жуда кам ўзгарган, бирон марта бундай кенг даражада ўртага қўйилиб, муҳокама қилинмаган. Бизники ҳам шунақа бўлиши керак. Ҳақиқий Конституция, назаримда, Қуръони каримга ўхшаган муқаддас китоб бўлиши керак; Қуръони карим ўн уч аср мобайнида қанчадан-қанча жамиятларнинг яшашига асос берди. Чунки у ҳар бир тоифа одамларининг ҳар бир миллатнинг манфаатларини ўзида ифодалаган эди. Натижада қанчадан-қанча халқлар, элатлар, юртлар шу муқаддас китоб асосида яшаб келди ва ўзининг ҳаётини изга солиб ривожланди, тараққий қилди ва яшашда давом этяпти. Шу сабабли лойиҳага «Конституцияга киритиладиган ҳар қандай ўзгариш халқ муҳокамасидан ўтмасдан туриб киритилмайди», деган бир нихчам иборани ҳам киритиш керак.

Иккинчи мени бироз ўйлатаётган масала Конституциямизда бизнинг янги жамиятимизга берилган таъриф масаласи. Бу таърифда биз қандай жамият қурамиз, қандай ҳаётий тарзларда яшаймиз деган саволларга жавоб олишимиз керак. Айтилганки, бу жамият бозор иқтисодиётига асосланган жамият бўлади, деб ва бундан кейинги кўп ўринларда мана шу бозор иқтисодиётига асосланган жамиятни вужудга келтирадиган омиллар тилга олинган. Лекин мени ўйлатган ҳам, ҳаддан ташқари ҳайрон қолдирган жойи ҳам шу бўлдики, Конституциянинг бошдан охиригача бирор жойда шу бозор иқтисодиётига асосланган жамиятнинг асоси бўлмиш мулкларнинг хилма-хиллиги ва хусусий мулкчилик ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бозор жамиятимиз асоси бўлса, хусусий мулк гарчи ҳукмрон бўлмаса ҳам, тенг ҳуқуқли бир мулк формаси сифатида жамиятимизда яшаши керак, барча ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Шу сабабли лойиҳанинг бирон бир ўрнида хусусий мулк тўғрисида гап бўлиши лозим эди. Баъзи жойларда ер тўғрисида гап кетади. Бошқа мулклар, давлат мулки ва ҳоказолар бўлиши кераклиги, умумхалқ мулки бўлиши кераклиги ҳақида айтилади. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ер масаласи қандай ҳал қилинади, бу ноаниқ. Ахир, қандай қилиб бозор иқтисодиёти шароитида ер хусусий мулк бўлмаслиги мумкин? Хўш, ердан хусусий мулк сифатида қандай фойдаланиш керак. Бу нарса қонунда акс этиши лозим. Бошқа нуқталарда ҳам бозор иқтисодиётига доир жиҳатлар эътиборга олинмаган. Масалан, мактабларни олиб кўрайлик. Лойиҳада умумий таълим ҳақида гап кетади. Иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлар деган бўлимда «шахс мулки», «эгалик қилиш мумкин» деган гаплар бор. Лекин бу ўринларда ҳам хусусий мулк деган гап йўқ. Айтайлик, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда хусусий мактаблар бўлмайдими? Менимча, бўлиши керак. Бунга ҳам йўл қўйиш керак. Уларнинг ҳам ҳуқуқини таъминлаш керак. Уни Конституцияда акс эттирайлик.

Ҳозир инсон ҳуқуқлари деган гапни ҳамма билади. Ҳельсинки шартномасига асосланган Конституциямизда ҳам бунга таянилгани кўриниб турибди. Шундай бўлса-да, Конституциямизнинг бирон нуқтасида инсон ҳуқуқлари, инсоннинг озодлиги, эрки энг муқаддас нарса эканлиги таъкидланишини истардим. Лойиҳада эса инсон шахсининг дахлсизлиги у ер-бу ерда йўл-йўлакай айтилган, холос. Ҳолбуки, бирон жойда жамиятимизнинг энг диққат марказида турган масала инсон эрки, шахс эрки, унинг дахлсизлиги, деб таъкидланиши керак.

Шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари деган масалада лойиҳада зиддиятли ва ноаниқроқ ўринлар бор. Масалан, шахснинг ҳар хил ҳуқуқлари айтилган, эркин фикрлаш ҳуқуқи бор, дейилган. Сўз эркинлиги айтилган Айни пайтда унинг чегараланган нуқталари ҳам бор. Шу ўринда мавҳумлик кўриниб турибди. Мана, 28-модда. «Ҳар ким фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир», дейилган. Шу ўринда савол туғилади. Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот нима? Қандай ахборот Конституциявий тузумга қарши тузилган бўлади? Масалан, мен ҳаётдаги бирор камчилик, нуқсонни танқид қилиб: бензин жуда тақчил, бу қандай жамият бўлди, бензин қидириб сарсоним чиқди, шуям жамиятми деган бир гапни айтаман. Хўш, бу жамиятга қарши қаратилган гапми? Агар жамиятга қарши қаратилган бўлса, шу гапни айтишим билан, унинг қайси бир нуқтасидан норозилигимни ифода қилиш билан, мен шу жамиятни ағдариб ташлашга чақирган бўлиб қоламанми? Ахир, бунинг чегарасини аниқлаш керак. Акс ҳолда, истаган бир танқидий мулоҳаза, истаган бир камчилик ҳақида айтилган ёки бирор мансабдор одам ҳақида, бирор идора ҳақида айтилган истаган танқидий гапни тузумга қарши қаратилган, деб қулоғидан тортиб келиш мумкин. Ва шу асосда бундай гапни айтган одамни жазога ҳам тортиш мумкин. Шунинг учун ҳам, «тузумга қарши қаратилган» деган мавҳумроқ жумлани албатта аниқлаштириш лозим. Токи, битта-яримта одам ҳаётимиздаги бironта камчиликни танқид қилиб қоладиган бўлса, дарҳол бу одамга, тузумни кўролмайди, душман, фитначи деган сиёсий ёрлиқлар ёпиштирилмайдиган бўлсин. Камчиликлар ҳақида ҳам эркин фикр юритиш имконига эга бўлайлик.

55-моддада жамоат бирлашмаларининг ва давлат ташкилотларининг ҳуқуқлари айтилади. Бунда жамоат ташкилотлари, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди, деган гап бор. Бу гапни ҳам аниқлаштириш керак. Албатта, бирор оддий одам ёки биз — Адиблар иттифоқининг аъзолари, бирор ҳокимлик олдига бориб, сиз ундай қилманг, бундай қилинг деган гапни айтиб, унинг томоғидан олмаслигимиз керак. Бунга йўл қўйилмайди. Лекин айтайлик, бironта ҳокимнинг ишини танқид қилиш лозим бўлса, унинг хатоси, кўпол ишлари, порахўрлик ва адолатсизликка йўл қўйгани ва ҳоказо нуқсонлари учун нега энди жамоат ташкилотлари, Адиблар, Ёзувчилар уюшмаси танқид қилмаслиги керак. Хўш, шундай мазмунда танқид қилсак, бу у ёки бу раҳбарнинг ишига аралашиш бўладими? Борди-ю, бундай танқидни аралашиш деб ҳисоблайдиган бўлсак ва у Конституцияга шу таҳлитда киргизиладиган бўлса, ҳар қандай давлат ташкилоти ҳар қандай танқиддан буткул муҳофаза этилган бўлади. Бironта бир танқидий фикр билдиришнинг иложи бўлмай қолади. Менимча, бу тўғри эмасдир.

Мен оммавий ахборот воситалари ҳақида айтилган фикрларга қўшимча қилиб, уларнинг эркин эканлиги алоҳида таъкидланишини истардим. Матбуотнинг мустақиллик кафолати аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Бундай дейишимнинг боиси, ўзимизни ҳар қанча демократик жамият, бизда демократия ҳукмрон деб гапирмайлик, афсуски, матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларимиз, айримларидан қатъий назар, ҳозиргача қарамликдан чиқиб кетган эмас. Ҳозиргача юқори идораларнинг оғзига қараб турилади. Масалан, бугун «Известия» газетасида Хасбулатовнинг қариндошини ҳукумат хавфсизлиги билан шуғулланадиган идора қандай қилиб ҳимоя қилганлиги, такси ҳайдовчисига тўппонча ўқталиб турганида қўлга тушгандан сўнг ҳам қутултириб юборилганини ўқидим. Буни газета жуда қаттиқ танқид қилиб ёзган. Агар шунга ўхшаш воқеа бизда рўй берса, газеталаримиз уни ёзиб чиқишга ҳадди сиғмаган бўлур эди. Бизнинг ахборот воситаларимизда ҳали ҳам мустақиллик етишмайди. Ҳолбуки, демократик давлат чин маънода, ҳақиқий ошкораликка асосланган бўлиши керак. Мансабдор одамлар фаолияти, иши ҳақидаги гапларни бош Қонунга киритиш керакми йўқми билмадим-у, ҳар қалай биздаги йирик мансабдор шахсларнинг даромад манбаларини халққа маълум қилиб туриш лозимлиги тўғрисида бирор жумла киритилса ёмон бўлмасди. Маданийлашган давлатларда бу нарса қабул қилинган. Масалан, Америкада ҳукумат аъзолари ва бошқа парламент аъзолари ўз даромадлари ҳақида биринчи бор талаб қўйилгандек тўла маълумот берадилар. Бизда ҳам шундай бўлиши керак. Баъзан ҳайрон қоласан: айрим одамлар нимаанинг ҳисобига шунчалик катта даромад олаётганига ақлим етмайди!..

Ошкоралик ҳақида шуни ҳам таъкидламоқчиманки, Олий кенгашимизнинг мажлислари ҳам ошкора тарзда олиб борилиб, албатта телевидение орқали кўрсатилиши шарт. Олий кенгашнинг харажатлари, бюжети, ундан фойдаланиш режаларининг қандай бажарилиши, қанча маблағ нимага сарф бўлгани ҳақида ҳам аниқ ҳисобот бериб борилиши керак. Қонунга биноан шундай талаб қўйилиб, бундай ҳисоботлар Олий Кенгашга берилса, у албатта халққа ҳисобот берилгандай бўлади. Президент сайлови ҳақида гапирилганда, албатта алтернатива, муқобиллик асосида сайлаш масаласи киритилиши лозим. Сайлаш деганда камида иккитадан битта одамни танлаш деган маъно чиқади. Шунинг ўзи сайловнинг алтернатива асосида бўлишини тақозо этади. Иккинчидан, бош қонунда президентга берилган ҳуқуқлар, вазифалар жуда кўпайиб кетгандай, у бир одам жисмонан бажариши, устидан чиқишига оғирлик қиладигандай туюлади. Ҳар ҳолда, бир одам ҳаммасининг уддасидан чиқишига кўзим етмайди. Баъзи масалаларни Олий кенгаш ҳал этса ҳам бўлаверади. Масалан, ҳукм қилинган фуқароларни албатта Президент афв этиши шарт эмасдир. Буни Олий кенгаш қилса ҳам бўлади. Лекин ўлим жазосига ҳукм қилинганларни афв этишни Президентга қолдириш керак. Бошқа баъзи ўринларда ҳам оддий одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситадиган жиҳатлар бор. Масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳақида гап кетганда, ҳокимларнинг қарор ва фармойишлари, ўзига берилган ваколатлар доирасида, жами мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий, деган гап бор. Хўш, айтайлик, бирор туманда қўшма корхона бор, у ўз уставига эга, солиқларни тўлайди, мустақил равишда маҳсулот ишлаб чиқаради, ўзини молиявий жиҳатдан тўла таъминлайди. Хўш, нима учун бу ташкилот ҳокимнинг қарорини бажариши керак? Агар бозор иқтисоди муносабатлари бўладиган бўлса, ўша мустақил корхона ўз манфаатларидан келиб чиқиб иш юрита олмайдими?! У ёмон ишласа зарар қилади, синади, яхши ишласа, ривожланади. Бинобарин, у бировга қарам бўлмаслиги керак. Умуман, биз иқтисодиётимизни қарамликдан чиқариш ҳақида гапиряпмиз-ку! Биз қураётган жамият ҳам шундай бўлиши керакки, у иқтисодий қонунлар асосидагина ривожлансин. Агар ҳокимлик фармойишлари ҳаммасига мажбурий бўладиган бўлса, бу тағин эски тос, эски ҳаммом, деган гап-да!

Мен яна бир жиҳатни таъкидлашни истайман: Конституция лойиҳасида ҳам, бошқа қонунларимизда ҳам кўп яхши фикрлар, режалар тўғрисида гаплар мавжуд. Лекин уни бажарганлик ёки бажармаганлик учун масъулият деган таъкидни ҳеч бир жойда учратмадим. Айниқса, у ёки бу раҳбар, ҳокимнинг масъулиятини олиб кўрайлик. Масалан, бирор туманнинг ҳокими Конституцияга зид иш тутса, масъулиятсизликка, порахўрликка йўл қўйса, унинг мажбурияти қанақа бўлади? Ёки бўлмаса, Адлия идоралари бирор одамни қамоққа олди, айбномалар қўйди, дейлик. Одам бир ой, бир йил, беш йил ёки саккиз йил қамоқда ўтирганидан кейин маълум бўладики, у гуноҳсиз экан. Хатолик билан шунча йил жазо тортибди. Саккиз йилни-ку, қўя турайлик. Бегуноҳдан-бегуноҳ бир ой қамоқда ўтиришни тасаввур қилинг. Хўш, бунинг учун ким жавоб беради? Бу борада ҳато иш тутган адлия идораларининг масъулияти, жавобгарлиги бўладими, йўқми?! Ҳозирча бизга маълуми шуки, хатога йўл қўйган ҳуқуқий идора ходими нари борса, ҳайфсан олади ёки ишдан бўшатилади. Бегуноҳ жазоланган одам ўша муддат учун иш ҳақи ҳам олди, дейлик. Лекин бу етарлими? Аввало, ўша иш ҳақи бегуноҳни ноҳақ қамаган одамдан ундирилиши керак. Ҳеч бўлмаса, унинг бир қисми. Ноҳақ қамаган одамга бериладиган жазо ҳам аниқ, пухта ва иккинчи бор бундай хато қилмаслик ҳақида ўйлаб кўришга мажбур этадиган даражада бўлиши лозим. Ҳуқуқий давлат қурмоқчи бўлсак, бу жиҳатлардан кўз юма олмаймиз.

Конституция лойиҳасида бу жиҳатдан мукаммаллаштирилиши лозим бўлган ўринлар жуда кўп. Албатта, бу ерда Эркинжон айтганидай, ўни асос сифатида қабул қилиш мумкиндир, лекин Олий кенгашимизда у албатта моддама-модда муҳокама этилиб, қабул қилиниши зарур. Уни шунчаки қўл кўтариб қўя қолиш билан кучга киритиб юбормайлик.

Эркин ВОҲИДОВ: — Озод ака, ҳақ гапни айтдингиз. Ўша бегуноҳ ҳукм қилинганлар озмунча эмас. Ахир, уларни суд қилган, ҳукм қотига имзо чеккан одамлар бор. Бироқ жавоб берадиган одам йўқ. Ҳокимиятнинг масъулияти тўғрисида ҳам Конституциямизда албатта гап бўлиши керак!

Уткир ҲОШИМОВ: — Лойиҳани ўқиганда, менда қолган таассурот шу бўлдики, ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг Конституциялари, амалдаги қонунчилик тажрибалари синчиклаб ўрганилган. Иккинчи жиҳатдан эса, демократик жамиятнинг асосларини, чиндан ҳам, сингдириш устида кўпчилик бош қотиргани сезилиб турибди. Ҳақиқатан ҳам, катта иш қилинган. Бу катта ишда қатнашган жамики ўртоқларга миннатдорчилик билдириш керак. Шу билан бирга лойиҳада мухтарам домламиз Озод Шарафиддинов эътибор берган бир нуқта менга ҳам қаттиқ таъсир қилган эди. Биз қарийб бир ярим аср давомида ва айниқса сўнгги етмиш уч йил мобайнида зулм системасида, қўрқув салтанатида яшадик. Шунга чек қўйилмагунча, Ўзбекистон чинакам маънода демократик республика бўлишига шубҳа қиламан. Тасаввур қилинг: қамоққа тушган қайси одам яхши бўлиб чиқади? Шу пайтгача бегуноҳ қамалганларнинг нечтаси қисқа муддатда чиқариб юборилди? Сталин замонидан қолган зулм сиёсати «ўзбек иши»гача давом этди. Менинг олдимга ҳар куни ўнлаб, йигирмалаб «ўзбеклар иши» қурбонлари, уларнинг оилалари, бола-чақалари келишар эди. Мен эса уларни ҳимоя қилишга ҳақсиз ва иложсиз эдим. Чунки замона зўрлари эртага мени ҳам «сен кимни ҳимоя қиляпсан?», деб бошимга қилич кўтаришини ўйлашга мажбур эдим.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да «Менга нима» деган чиқиш қилган эдим. Кўплаб ҳаяжонли хатлар келди. Бўкадан келган бир мактуб эса мени айниқса «ҳаяжонга» солди. Хат муаллифи сўзма-сўз шундай дебди: «Домла, биз мазза қилиб ўқийдиган китобларни ёзавермайсизми? Нима қиласиз халқим, халқим, деб майдонга тушиб. Шу билан халққа яхши кўринмоқчимисиз? Одамлар бусиз ҳам сизни яхши кўради. Лекин эртага бошингизга кулфат тушса, ҳеч ким сизни ҳимоя қилмайди».

Мана шунақа гаплар. Зулм системаси одамларни халқ эмас, дўстим Абдулла Ориф ёзганидек, оломонга айлантирган. Биз эса халқ бўлишимиз керак.

Энди, ҳамма қатори мени ҳам ташвишга солган бир масала бор. Бу маънавий бойлик яратаётганларнинг ижтимоий ҳимояси масаласи. Ҳозир ҳаммага яхши маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан энг кам ҳимояланган табақа зиёлилар бўлиб қолди. Айниқса, ижодий зиёлилар. Конституцияда бу ғоят жиддий масалани қандайдир тарзда акс эттириш зарур. Жумҳуриятнинг қонунчилиги маънавий бойлик яратувчиларни ижтимоий жиҳатдан ўз ҳимоясига олади, деган банд бўлиши керак.

Озод ШАРАФИДДИНОВ: — Муҳокамада кўп яхши бамаъни гаплар, фикрлар, танқидий мулоҳазалар ҳам айтилаяпти. Бироқ афсуски, аввалги муҳокамалар тажрибасидан маълум — одатда, муҳокамалар шунчаки номига, расман ўтарди. Фикрлар айтиларди-ю, оҳирида қонун аввалги ҳолича қабул қилиб кетилаверарди. Қўрқаманки, инобатга олмаслик, ишқилиб, яна такрорланмасмикин?

Эркин ВОҲИДОВ: — Ҳу сафар бундай бўлмайди. Махсус комиссия матбуотдаги чиқишларни синчиклаб ўрганиб, айтилаётган фикрларни бир жойга йиғиб боряпти.

Неъмат АМИНОВ; — Бир пайтлар аввалги СССР Конституциясини бахтимиз қомуси, ҳаётимиз офтоби деб улуғлардик. Унинг ўзи ҳам тез-тез ўзгарарди. Аллоҳга шукрки, биз ўз мустақил давлатимизнинг ҳақиқий Конституциясини яратяпмиз, унинг лойиҳасини кўпчилик муҳокама қилаяпмиз. Албатта, бу Конституция уч-тўрт йиллик бўлмаслиги керак. Минг йиллар синовдан ўтган ўша шаръий қонунлар, машҳур Қуръони шарифдек муқаддас китобга айланиши керак. Бу муқаддас китоб ҳар хил камчиликлардан холи бўлмоғи лозим. Шу сабабли бу ерда айтиб ўтилганидек, уни тез қабул қилишга кўпам шошилмаслик керак. Атрофлича муҳокама қилайлик. Ҳозир эълон қилинган лойиҳа матнини имкон борича ёзувчилар, ижодкорлар яна бир кўздан кечириб чиқсалар. Чунки лойиҳада услубий ғализликлар жуда кўп. Ҳатто Давлат қоидаларига ҳам амал қилинмаган жойлар бор. Мувозий, инвестиция, денонсация, ратификация деган сўзлар бор. Майли, булар керакдир. Лекин уни оддий одамлар қандай тушунади. Аввалги СССР Конституцияларидан айнан кўчирилган жойлар ҳам учрайди. Масалан, III бобнинг 15-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади». Бу нима дегани? Ўзи мустақил республика бўлгандан кейин яна ким тан олиши керак. Халқимиз тан олади-да. Мустақил бўлмасимиздан олдин СССР тан олсин десак, тўғри бўларди. II бобнинг 7-моддасида «...ҳокимиятнинг янги мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади...» дейилган. «Мувозий» дегани нима экан? Худудми, муқобилми? Олий мажлис тўғрисида ҳам айтилаётган мулоҳазаларда жон бор. Бошқа жойларда миллий мажлис деган гаплар бор. Аслида Олий кенгаш деганимизнинг ўзи яхши эди. Агар мажлис дейдиган бўлсак, уни тўғридан тўғри Миллий мажлис деб қўя қолганимиз мақсадга мувофиқ. Россия Федерациясида ҳам миллий палата деган сўзлар бор. Улар иккиланмасдан ишлатаяпти, биз эса «миллий» деган сўздан ҳали ҳам қўрқамиз чоғи.

VII бобнинг 30-моддаси охирида «...Ҳеч бир диний ташкилотнинг давлатдан бирон имтиёз олиши ва сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиши мумкин эмас», деган жумла бор. Ҳолбуки, XIII бобнинг 58-моддасида ҳам «Давлат диний бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди», деган бошқа бир жумла ишлатилган. Шунинг ўзи етмайдими? VII бобнинг 30-моддасидаги юқоридаги айтилган ўрин бутунлай олиб қўйилса ҳам бўлади. Бундан ташқари, эҳтимол диний ташкилотлар давлатдан ёрдам олишига ҳам зарурат туғилиб қолар. Буни чегараламаслик керак. Ахир улар ҳам фуқаро-ку.

Президентни сайлаш ҳақидаги 89-моддага қўшилган ҳолда мен шуни айтмоқчиманки, унга «Ўзбек миллатига мансуб» деган қўшимча изоҳ ҳам киритилиши керак.

93-моддада Президент фармонлари бутун республика ҳудудида бажарилиши мажбурий, деган мазмун бор. Шундоқ ҳам фармон, қарор бўлгандан кейин, яна у Президент томонидан чиқарилган бўлса, албатта, бажариш учун мажбурий-да. Мантиқ шуни тақозо қилади. 75-модданинг давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига доир 4-бандида «Ўзбекистон республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш...» деган жумла бор. Ҳозир Ўрта Осиё республикаларида, хусусан Тожикистонда можаролар бўлиб турган бир пайтда буни Конституцияда кўрсатиш шартмикан? Гап Қорақалпоғистон ҳақида кетаётган бўлса, уни Қорақалпоғистонга тааллуқли қисмида бериш мумкин-ку.

АДИБЛАР ИТТИФОҚИДА МУҲОКАМА

Бугун Ўзбекистоннинг барча меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, илмий ва ижодий муассасаларда, кенг жамоатчилик ўртасида мустақил мамлакатимизнинг илк давлат тузуги — Ўзбекистон республикаси Конституциясининг лойиҳаси қизғин муҳокамадан ўтмоқда. Ҳар бир фуқаронинг тақдирига, бахти ва келажагига дахлдор бўлган бу ишга халқимизнинг энг қутлуғ ва масъулиятли вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон республикаси Адиблар иттифоқида таниқли ёзувчилар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам шу муҳим масала — Конституция муҳокамасига бағишланди. Уни Адиблар иттифоқининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов бошлаб берди.

Қисқаси, лойиҳани яратишга кўп меҳнат сарфланганига қарамай, уни катта тайёргарлик билан, айтилаётган фикрларни чуқур ўрганиб, умумлаштириб иш пухта бўлгандан сўнггина қабул қилиш лозим.

Мирза КЕНЖАБЕК: — Шу пайтгача Конституция деган сўзнинг ёнига доим «Асосий қонун» деган жумла ёзиб келинган эди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ўз рукнини «Бош қонун...», деб юритмоқда. Менимча, шу мақсадга мувофиққа ўхшайди, бундан буён Конституциямизни Бош қонун десак яхши бўлади. Ҳали лойиҳада таҳрир қилинадиган жойлар кўплиги устозларимиз томонидан тўғри таъкидланди. Биз ҳозирга қадар мустамлака сиёсатининг қонунлари билан яшаб келяпмиз. Янги даврда қабул қилган қонунларимиз ҳам қандайдир қўрқаписа қабул қилинганга ўхшайди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги мана шу бош қонун билан кафолатланар экан, бошқа қонунларимизни ҳам қайта кўриб чиқиш зарурати бор.

Менимча, Конституция лойиҳасини яратган муаллифларни ҳам халқимиз ҳозирдан билиши керак. Уларнинг номи эълон қилинсин, хўш, айтилаётган фикр ва таклифларни ким кўриб чиқади? Агар лойиҳани яратган муаллифлар кўриб чиқса, шу иш адолатдан бўладими ёки бошқа жамоатчилик таҳрир ҳайъатини тузиш керакми? Шу ҳам аниқланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида биронта қонун ёки бошқа муҳим бир ҳуқуқий ҳужжат инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган қоидаларига зид бўлиши мумкин эмас, деган жумла ҳам акс этиши керак. Адабиёт газетамизда И. Ғафур айтган илмий ва ижодкорлик фаолияти эркиндир, деган қўшимча киритиш таклифи бу ерда Уткир ака айтиб ўтган ижодкорнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, маънавий бойлик яратувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тўғрисидаги фикрларга мос келади. Бу жиҳатлар ҳам лойиҳада, албатта, акс этиши керак. Мабодо, айтилаётган фикрларни ўрганадиган, инобатга оладиган жамоатчилик ҳайъати тузилса, бу ҳайъат қайси таклифларни кўриб чиққани ҳақида матбуотда бизни хабардор қилиб турса яна ҳам яхши бўларди. Олий Кенгашнинг муҳокамасига қандай таҳрирлар киритилаётганини ҳам олдиндан билсак... Яна қасамёд матнида «қасамёд этаман»нинг ўрнига «ваъда бераман» дейилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Неъмат АМИНОВ: — Шунинг ўрнига ишонтираман, дейиш мақсадга мувофиқдир. Ваъда ҳам қасам.

Озод ШАРАФИДДИНОВ: — У ҳолда Қуръонга қасам ичиш қандай бўлади? Бу ҳам Конституцияга бир ритуал сифатида киритиладими? Ёки у бошқа бирор бир ҳужжатда акс этадими?

Мирза КЕНЖАБЕК: — Буни Ўзбекистон Президенти тўғрисидаги қонунда кўрсатиб ўтиш мумкин.

Саъдулла АҲМАД: — Лойиҳанинг кўп жойларида раҳбарларнинг сайланиш эмас, тайинланишига урғу берилган.

Озод ШАРАФИДДИНОВ: — Ахир ҳамма мамлакатларда сайлаш ҳуқуқи жорий қилинган. Айтайлик. судьялар, ҳокимлар ва ҳоказо. Агар Улар жиноят қилса, қонун йўли билан жазоланади. Биз ҳам шу йўлдан боришимиз керак. Албатта, аввалгидек номига сайлов ўтказиш орқали эмас, чинакам демократик сайловлар билан сайлаб олайлик уларни ҳам.

Саъдулла АҲМАД: — Дарҳақиқат, Ўзбекистон давлатининг Бош қонуни муқаддас бўлмоғи даркор. Бу ерда тил, тил ва яна тил кўпроқ таъкидланмоқда. Энг яқини Аҳмад Яссавийдан бошланган ойдай очиқ ифода-лафзимиз, ҳазрат Навоийдан бошланган киройи бой тафаккур тарзимиз бор. Бош қонун — Давлат тили мақомини олган ўзбек тилимизнинг кўзгуси бўлиши керак. Унда ҳар бир сўз етмиш икки томиримизни ларзага келтириб, бизга йўл кўрсатиб, юлдуздек ярақлаб турсин. Сўз муқаддаслиги унинг амали билан. Совет давлати бош қонунида ҳам эркинликлар чексиз ваъда қилинган эди. Амалда, қуруқ сўзни кўзга суриб, қамал ҳолатида яшадикки, охир-оқибатда моғорлаган бу юксак тоқ бинони босиб тушди!..

Энг муҳими, Конституцияда башариятнинг онаси — ТАБИАТ махсус қонун билан қойимлаштирилмаган. (Ҳолбуки, унда она-бола муносабатлари акс этган. Муҳаббат ва оила-давлат асоси. Бизнинг давомчимиз бўлган болалар—ўйинқароқлик маҳсули бўлишлари мумкин эмас! Бунда кундай равшан темир Қонун керак!). Шундай қилиб, бош қонунда «Жамият ва шахс» бўлимидан олдин келадиган «Табиат ва шахс» бўлими йўқ. Инсоният учинчи жаҳон урушини ўз бошидан соқит қилди, ҳисоби. Аммо тириклигимиз манбаи бўлган табиат жар ёқасида... Ватанни муқаддас деймиз ва унга аскар қўйиб қўриқлаймиз: тупроқни муқаддас деймизу, кимё билан заҳарлаймиз, ҳавони, сувни муқаддас деймиз, аммо сув устига заводлар, ҳожатхоналар қуриб, беармон булғаймиз

Олам айтар: ҳеч қачон она тилим ўрнайди!

МАЪНАВИЯТ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН, гарчанд, кечикиб бўлсада, мураккаб ижтимоий-сиёсий даврда қабул қилинди. Айтиш мумкинки, бу қонун туфайли томирларимизда совий бошлаган қон яна исиди, умидсизлик дунёси унутилиб, ёрқин йўллар кўрина бошлади. Бунинг ўзига яраша боиси бор бўлганлиги миллатимизнинг деярли барча табақаларига маълум. «Қизил империя»нинг руслаштириш сиёсати, рус забонига кенг имконият бериши, шубҳасиз, чекка ўлкалар, жумҳуриятлардаги халқларнинг руҳи бўлган она тилларини чеклаб қўйган эди. Рус тили фан, сиёсат, маданият тили даражасига сунъий равишда кўтарилиб, она тили хонаки тил бўлиб қолди. Бу ҳақда кўп гапирилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек тилининг нуфузи анча пасайиб кетган эди. Бунинг асосий сабаби то қонун қабул этилган кунгача ҳукм сурган сиёсий вазият бўлган бўлса, иккинчи томондан, бунга бугунги кунда ўтган даврни қоралаш билан ўзини юпатиб юрган барча зиёлилар ҳамда сиёсатни қурол қилиб олган маҳаллий ҳукмдорлар ҳам сабабчидир. Чунки деярли барча мажлисларимизни, оммавий тадбирларимизни рус тилида олиб бордик, рус тилида чиройли нутқ сўзлай олмайдиган маҳаллий ходимларимизни раҳбарлик ишларига кўтармадик, ҳаттоки ўзбек тили, адабиёти, маданияти, тарихи, мусиқаси ҳақидаги илмий ишларни, диссертацияларни рус тилида ёзишга ҳеч қаршилик кўрсатмадик. Ҳатто шундай ишлар қонун қабул қилингандан сўнг ҳам давом этди. Чунки илмий даража ва унвонларни собиқ марказ тасдиқлаганлиги учун ҳам ихтиёр-беихтиёр рус тилида ижод қилиш, ижод қилишгина эмас, унинг зарурий ҳужжату мунозараларини шу тилда амалга оширишга кўндик. Албатта, бундай шароитда ўзбек тили ҳақидаги қонунни чинакамига амалга ошириб бўлмас, яъни қонун номигагина қонун бўлиб қолиши аниқ эди. Энг ачинарлиси шундаки, ўзбек тили ва адабиёти мутахассисларининг ўз илмини ўзбек тилида ҳар томонлама ривожлантириш имкониятлари чегаралانган экан, Ўзбекистондаги бошқа фан мутахассисларининг ўзбек тилида ижод қилиши ҳақида ҳеч қандай юксак талабларни қўйиб бўлмаслиги яна барчага аён бўлиб қолар эди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, «Ўзбекистон Давлат тили ҳақида» қонуни қандай шароитда ва қандай камчиликлари билан қабул этилганидан қатъи назар, улкан воқеа бўлиб қолади. Ўта мураккаб ва нозик вазиятда қабул қилинганининг ўзи жасорат билан баравар эди. Тўғри, қонун СССР давлати ҳукмрон бўлган даврда яратилди ва кўп жиҳатлари билан СССР сиёсатига мойиллиги сезилади, лекин буни қонуннинг камчилиги деб қарамаслик ҳам керак. Чунки ҳар бир давр ҳар қандай қонунга ўз таъсирини ўтказиши аниқ.

ЭНДИ ДАВР ЎЗГАРДИ. МУСТАҚИЛЛИК ҚУЕШИ жумҳуриятимиз устида порлади. Эндиликда Давлат тили ҳақидаги қонун ҳам мазмун, ҳам тарқибий жиҳатлардан мустақил қонун сифатида мукаммал бўлиши лозим. Шу маънода ҳозир бу қонунни қайта кўриб чиқиш керак деган таклиф ва талабларга тўла қўшиламан. Шу билан биргаликда, қайта ишланган қонунда истиқлол билан боғлиқ бўлган барча сиёсий-маданий масалалар қамраб олиниши шарт, деб биламан.

Мустақил давлатнинг мустақил давлат тили қонуни бўлиши учун унинг амалга ошишини таъминловчи йўриқномаси ҳам бўлиши керак. Бундай йўриқнома мавжуд, лекин у ҳам янги социал-иқтисодий шароитга мослаштирилиши давр талаби бўлиб қолди. Энг муҳими, қонунни ижро этишда ҳар қандай мавсумийликка йўл қўйиш ярамайди. Шундай усулларга ҳам йўл қўйдик. Жумладан, қонун қабул қилингач, деярли барча ташкилотларда европалик ўртоқларга ўзбек тилини ўргатиш бўйича жуда кўп курслар ташкил этилди, радио, телевиденияда ўзбек тили дарслари кўпайтирилди. Хуллас, ўзбек тилини билмайдиган кишиларга уни ўрганиш шарт қилиб қўйилди, лекин орадан ярим йил ўтмаёқ бундай ҳаракатлар сув қуйгандек тинчиди-қолди. Ваҳима сўнди. Бу ҳаракатга сиёсий тус берувчилар ҳам бўлди. Лекин аслида қонунни синчиклаб ўрганадиган бўлсак, Ўзбекистонда яшовчи ҳар қандай ғайримиллатнинг ўзбек тилини ўрганишга муҳтож эмаслиги таъминланган эди. Чунки Давлат тили қонунида ваҳима кучли бўлгани ҳолда, ўзбек тилининг чинакам нуфузи етарли қилиб қўйилмаган эди. Фактларга мурожаат этайлик. Қонуннинг 1-моддасида «Ўзбекистон ҳудудида рус тилини СССР халқларининг миллатлараро муомала тили сифатида ривожлантириш ва ундан эркин фойдаланиш таъминланади», — дейилган. Бу каби таъкид ва қайдлар қонуннинг 7-, 8-, 9-, 10-, 11- ва бошқа моддаларида ифода топганки, бундай қайдлар ўзбек тилининг давлат тили эканлигини юзаки қилиб кўяди.

ТЎҒРИ, ҚОНУННИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИНИ ижро этиш учун маълум муддатлар берилган. Бу муддатлар асосан муассаса, корхона ва давлат идораларига берилган бўлиб, Ўзбекистонда яшовчи қариндош бўлмаган миллатлар учун бевосита тегишли қилиб қўйилган махсус моддалар йўқ. Хуллас, қонунда, гарчанд, ўзбек тили давлат тили сифатида таъкидланса-да, аслида рус тили ҳам давлат тили билан баравар ҳуқуққа эга эканлиги қонунлаштирилган. Шунинг учун ҳам мана, қонун қабул этилганига уч йил тўлишига қарамасдан давлат тили жумҳуриятимизда яшовчи ғайримиллат вакилларининг ҳамда рус тилида таълим олган миллатдошларимизнинг эҳтиёжга айланган тили сифатида ҳали шаклланганги йўқ. Бунинг боиси қонунда рус тилида иш юритишга жуда катта имкониятлар яратилганлиги бўлса, иккинчи томондан, давлат ва ҳокимият тепасида ўтирган шахсларнинг ўзбек тилидан кўра рус тилида иш юритишлари осон бўлганлигидандир. Ҳамон асосий ҳужжатлар матни рус тилида яратилиб, ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Менингча, ҳеч бир мустақил давлатда (Швейцария, Люксембург ва Белгияни ҳисобга олмаганда) давлат тилидан бошқа тилларда билим олиш, ҳақ-ҳуқуқларини талаб этиш, турли эълону шиорларни ёзишга рухсат этилмаган. Мисол учун, узоққа бориб ўтирмасдан Туркия давлатини олайлик. Бу ерда туркладан бошқа курдлар, арманилар, ўзбеклар, туркманлар, араблар, греклар ва шу кабилар яшашларидан қатъи назар, турк тили барчаси учун умумий алоқа воситаси сифатида хизмат қилади.

Лекин бу масалани чет тилини ўрганиш масаласи билан аралаштирмаслик керак. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат чет тилларидан бирини, айниқса, инглиз тилини ўрганмас экан, дунё маданияти, фани тараққиётидан ортда қолади. Бу эса пировард-натижада мамлакатнинг қолоқлигига олиб келади. Бироқ бу иш ўз она тилини инкор этиш йўли билан амалга оширилмаслиги керак.

Қонун ўта халқчиллиги билан ажралиб туради. Айниқса, унда Ўзбекистон жумҳуриятида яшовчи қариндош халқлар, элатлар манфаатлари тўла ҳимоя қилинган, яъни уларга ўз она тилларида иш юритиш, билим олиш, маданий марказлар тузишга катта имкониятлар берилган. Лекин ҳар қандай қонунининг халқчиллиги давлат тилини сиқиб қўймаслиги, аксинча, унинг эҳтиёж тили даражасига кўтарилишини таъминлаши зарур. 1989 йилда қабул қилинган қонунда эса асосан бир мақсад кўзда тутилган, у ҳам бўлса, давлат, ҳокимият назаридан қола бошлаган, қўлланиш доираси жуда торайиб кетган ўзбек тилининг мавқеини кўтариш эди. Бу вазифа қонунда тўла-тўкис амалга оширилган. Бу билан давлат тилининг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланган деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, яъни давлат тили муайян давлат доирасида, айтиш жоиз бўлса, якка ҳокимлик қилиши ҳам зарур. Қонунда эса масаланинг бу томони таъкидланмагани ҳам ўша давр учун бир жиҳатдан тўғри бўлган. Албатта, бир қонун билан турли социал-иқтисодий шароитдаги ҳар қандай масалани ҳам ҳал этиб бўлмайди.

ҚОНУН — ТЎЛА МАЪНОДА ИЖОБИЙ ҲОДИСА. Унда қатъиятлик билан тузилган моддалар анчагина. Айниқса, 16-модданинг аҳамияти буюкдир. Бу модда туфайли 1000 йиллик адабиёт, тарихий ва маданий меросимизни дадиллик билан ўрганишга киришиш имкониятига эга бўлдик.

Айтиш мумкинки, бу қонуни қабул қилиш билан дастлабки режа (программа-минимум) бажарилди. Эндиликда бу қонун Ўзбекистон истиқлоли мазмунига мосланиши ҳамда Олий Кенгашда янги ўзгартишлар билан қабул этилиши керак. Менинг назаримда, қонун қайта ишланганда қуйидаги ўринларга аҳамият берилиши зарур:

1. Қонун Ўзбекистон истиқлолининг ҳуқуқий хусусиятларига мослаштирилиши билан баробар бош масалани кўндаланг қилиб қўйиши лозим, яъни ўзбек тили давлат тили сифатида ҳукмрон ўрин эгаллаши қонунлаштирилиши керак. Шу муносабат билан амалдаги қонунда доим такрорланадиган «давлат тилида ва шу билан бирга рус тилида» деб ўритилган ўринларга чек қўйилиши мумкин. Бошқача айтганда, ўзбек тилининг давлат тили сифатида ҳаётий эҳтиёжга айланиши махсус моддалар билан мустаҳкамланиши ҳар жиҳатдан зарур.

2. Қонунда бозор иқтисоди шароити ҳам ҳисобга олиниши керак. Шу муносабат билан ўзбек тилини билмайдиган фуқароларга бепул тил ўргатишни қай даражада қонунда акс эттириш масаласини қайта кўриб чиқиш вақти келди. Менингча, ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини (шу билан биргаликда, ўзбек адабиётини) ўрганиш кучайтирилиши лозим. Шу маънода жорий қонундаги 15-моддани асосан маъқуллаган ҳолда унга айрим ўзгартириш киритилиши жоиз бўлади, яъни ўзбек бўлмаган маҳаллий аҳолига ўзбек тили дарсини, хоҳишларга биноан, факултатив фан сифатида киритиш маъқул. Чунки ўзбек бўлмаган маҳаллий аҳоли ўзбек тилини азалдан яхши билади ва уларга бу масалада махсус маблағ сарфлаш шарт эмас. Шу билан биргаликда, қонунда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир миллатнинг ўз она тилида ўрта маълумот олишлари ҳуқуқини таъминланган ҳолда, ўрта махсус ва олий ўқув юртида фақат ўзбек тилида ўқишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу масала муайян даражада миллий ғурурга тегиши мумкин, шу туфайли бундай таълимга ўтишни маълум муддат билан белгилаш лозим бўлади. Бу, бир томондан, ўзбек тилининг давлат тили сифатида мустаҳкамланишини таъминласа, иккинчи томондан, педагог ходимлар тайёрлаш масаласида бошқа жумҳуриятларнинг раҳбарларини ўзаро келишишига мажбур қилади. Ана шунда қонундаги 17-модда фақат Ўзбекистон эмас, балки қардош жумҳуриятлар учун ҳам умумий тус олган бўлар эди. Ўзбекистон ҳукумати ўз ҳудудида яшаётган барча миллатларга тил сиёсати ва олий билим олишларида барча демократик талаблар доирасида муносабатда бўлмоқда. Афсуски, бундай халқчиллик принциплари бошқа айрим жумҳуриятларда бузилмоқда.

3. Ҳар бир қонунни кучга киритиш ва амалга ошириш осонликча бўлмайди. Жумладан, мазкур қонунни амалга оширишда ҳам сусткашлик мавжуд. Қайта ишланган қонунда ва унинг йўриқномаларида уни амалга оширишдаги бундай сусткашликнинг олдини олувчи махсус моддалар ва этиши шарт. Акс ҳолда, ҳозирги аҳволдан қутулиш мумкин эмас. Агар давлат тили қонунини онгли равишда амалга татбиқ қиладиган ташкилот сифатида олий ўқув юртларини оладиган бўлсак, бу ерда ҳам ишнинг кетишини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Тўғри, бу борада педагогика институтлари, дорулфунунларнинг инсонпарварлик факултетларида муайян ютуқлар йўқ эмас, лекин техника олий ўқув юртларида, шу жумладан, техника ўрта махсус билим юртларида ғишт қолипидан кўчган эмас.

Маълумки, техника, медицина олий ўқув юртларида ўқиш номигагина ўзбек тилида олиб борилмоқда. Бундан кўз юммаслик керак. Бу каби масканларда тўла маънода таълимни ўзбек тилида олиб боришга жумҳуриятимиз тайёр эмас, бунинг боиси, кечагина ҳаммага рус тилида дарс ўтиш, дарслик ва қўлланмаларни рус тилида яратиш учун зўрлик сиёсати амалга оширилган эди, бугун уни 180 градусга ўзгартира олмаймиз. Бу — катта муаммо. Ундан чиқиб олиш учун вақт керак, лекин вақт кутиб турмайди. Эндиликда бу муаммони ҳал қилиш учун зудлик билан бажарадиган ишларни белгилаб олиш зарур бўлади. Шу муносабат билан барча олий ўқув юртларида ўзбек тилидаги таълимга ялпи ўтиш масаласини қўйиш керак, яъни барча ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, лекция матнларини ўзбек тилида яратишга куч ташлаш лозим.

4. Қонунда давлат тили маданиятига амал қилишни таъминлаш ўз аксини топиши зарур. Жорий қонунда бу масалага эътибор қаратадиган модда мавжуд. 29-моддада: «Давлат тили расмий амал қиладиган соҳаларда ўзбек адабий тилининг мавжуд илмий қонун-қоидаларига тўла риоя этилади», — дейилган. Бу модда бойитилиши ва тўлдирилиши керак. Айниқса, нутқ маданиятини ривожлантиришга диққатни жалб қилиш лозим. Шу муносабат билан барча олий ўқув юртларида (ўрта махсус билим юртларида) ихтисосликлари билан боғлаб ўтиладиган «Ўқитувчи нутқи маданияти», «Шифокор нутқи маданияти», «Муҳандис нутқи маданияти» каби курслар ишлаб чиқилиши, унда ўзбек тилининг имло ва тиниш белгилари қоидалари, муомалада, фанда қўлланадиган сўз ва ибораларни танлаш, ғурли иш қоғозлари услублари масалалари қамраб олиниши жоиздир.

5. Қонунда сунъий равишда ўзбек тилининг илмий-техник атамаларини «яратиш» устидан назорат ўрнатиш масаласига ҳам ишора қиладиган қайдлар бўлиши ўринлидир.

Кейинги 2-3 йил ичида матбуот саҳифаларида янги терминлар яратишга шу даражада киришиб кетилдики, баъзан ўзбек тилини таниш қийин бўлиб қолди. Очиқдан-очиқ рус тили орқали кириб келган байналмилал сўз ва терминларга қарши кураш бошланиб кетди. Улар зўрлик билан асосан арабча, қисман форсча-тожикча муқобиллари билан алмаштирилди. Бундай ишларнинг давлат тилини ривожлантириш, унинг имкониятларини кенгайтириш шиори остида қилинаётганлиги кўпчиликнинг ғашини келтирмоқда. Тўғри, ўзбек тилининг ўз илмий-техник атамалари бўлиши керак. Модомики, азалдан ўзбек тилида қўлланиб келинган атамалар «қизил империя»нинг тазйиқи остида русча байналмилал сўзлар билан алмаштирилган бўлса, уларни қайта муомалага олиб кириш албатта керак. Лекин тушунча, фан билан бирга кириб келган бўлса, русча-байналмилал термин сақлаб қолингани маъқул, шунда ҳам ўзбек тилининг талаффуз хусусиятларига мувофиқ келмаса, уларнинг янги муқобил таржималарини яратиш мумкин бўлади. Бироқ 100 фоиз таржимашуносликка бериб кетиш фан учун фақат зарар келтиради, холос. Ҳатто, **атама** сўзини **термин** сўзи ўрнида қўллаш ҳам илмий жиҳатдан тўғри келмайди. Бундан шундай хулоса қилиш керакки, давлат тилида сўз танлаш масаласи билан шуғулланувчи, уни назорат қилувчи қандайдир бир уюшма ёки ташкилот бўлиши керак. Эҳтимол, бу вазифани «Терминология қўмитаси» ўз зиммасига олар.

6. Қайта ишланган қонунда бошқа чет тилларини ўрганиш камситилмагани ҳолда, инглиз тили асосий чет тили сифатида ўрганилиши қатъий қилиб қўйилгани маъқул. Ўзбекистон чет мамлакатлар билан, айниқса, иқтисодий-техникавий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар билан муносабатлар ўрнатмоқда. Бу мамлакатларнинг аксариятида инглиз тили асосий давлат тили ёки иккинчи муомала воситаси ҳисобланади. Ҳатто Яқин Шарқ давлатларида ҳам инглиз тилининг нуфузи баланд. Демак, бутун дунё инглиз тилини билади. Шу туфайли бошланғич ва ўрта, ўрта махсус, олий ўқув юртларида бу тилнинг ўқитилишига катта эътибор берилиши, лозим топилса, давлат имтиҳони топширилиши ўринли бўлар эди. Ўрта мактабда бу тилни рус тилини анча қисқартириш ҳисобига 2-синфдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

7. Қонунда давлат тили иш кўрадиган ёзув тизими ҳақида ҳам махсус қайд бўлиши лозим. Ҳозир жумҳуриятимиз қайтадан лотин ёзувига ўтишга тайёргарлик кўрмоқда, демак, эртами-кечми, бу ёзувга ўтилади. Агар асосий чет тили сифатида инглиз тили танланадиган бўлса, лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви кўп жиҳатлардан инглиз алифбоси хусусиятларига мосланган маъқул. Бу ёзув ўрганишни тезлаштиришга хизмат қилган ва ўзбек имлосидаги турли чалкашликларнинг олдини олган бўларди. Айтмоқчиманки, 30-йиллардаги қолип билан иш кўрмаслик керак. Шунда ҳам Кирилл алифбоси яроқсиз алифбо сифатида муомаладан чиқарилаётганлиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай ёзувни муайян тилга мослаштириш мумкин. Кирилл ёзуви ўзбек халқига 50 йилдан ортиқроқ яхши хизмат қилди. Буни тан олмаслик мумкин эмас.

ХУЛОСА ҚИЛИБ ШУНИ АЙТИШ МУМКИНКИ, Давлат тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бориши билан боғлиқ масалалар қайта ишлаб чиқилган қонунда ҳар томонлама ўз аксини топиши керак.

Самихон АШИРБОЕВ,
филология фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти эски ўзбек тили ва ёзуви кафедрасининг профессори

Вилоят АБДУРАҲМОНОВА пойтахтнинг Юнусобод туманидаги Ғ. Абдуллаев номидаги 271-ўрта мактабда она тили ва адабиётидан дарс беради. СУРАТДА: машғулот пайти.

МАҲРУМЛИК ТУГАДИ

ИСТИҚЛОЛ ВА ТОПОНИМИЯ

ИЛМИЙ ТИЛДА ТОПОНИМ деб аталадиган жой номи баъзан ҳар қандай ёзма ёдгорликлардан ҳам аҳамиятлироқдир, уни бебаҳо тарих ёмбиси деса ҳам бўлади (топонимия топонимлар мажмуидир). Ўзингиз ўйлаб кўринг — шимолий ярим шарнинг музлик босмаган илиқ ўлкаларида бундан 40 минг йилдан кўпроқ муқаддам ҳам кишилар яшашган, бир-бирлари билан мулоқот қилишган, қандайдир тилларда гаплашишган, демак, нарсаларга, теварак-атрофдаги жойларга ном беришган, кишиларни бир-бирларидан фарқлаш учун исм қўйишган. Ёзув эса кейинроқ пайдо бўлган.

Олимлар ўқиб тушуна оладиган ва бундан 1,5—3 минг йил олдин битилган юнон, хоразм, сўғд ёзувларида ҳозирги Ўзбекистоннинг бир қанча жой номлари учрайди. Демак, **Хоразм, Сўғд, Окс (Ўкуз), Самарқанд (Мароканда), Чоч, Фарғона, Ахсикат, Иштихон** каби тарихий номлар ана шу хатларга тушмасдан олдин ҳам мавжуд бўлган.

Амударёнинг қадимий турки номи **Ўкуз**. Буюк аллома Маҳмуд Кошғарий сўзларига қараганда аждодларимиз ҳар қандай азим дарёни ўкуз дейишган. Масалан, Сирдарёнинг қадимий туркча номи **Инжу Ўкуз** — «Марварид дарёси» бўлган. Араблар Амударёни **Жайҳун** деб аташган — Жайҳун ҳам **«Буюк дарё»** демакдир.

Бундан 2,5 минг йил муқаддам юнон олимлари Амударёнинг ўнг томонларини **Трансоксания**, яъни «Окс дарёсининг нариги томони» деб атаганлар. Бу ном таржимага ўхшайди — дарёнинг қадимий туркча номи Ўкуз бўлса, **Ўкуз орти**, яъни «Дарёнинг нариги томони» деган тушунча ҳам бўлган, албатта (Хоразм тупроғидан туриб қараганда). Араблар ҳам уни **Мовароуннаҳр** деб таржима қилиб олишган. Бу ҳудуд форсча-тожикча Варазруд дейилган-ку!

Буюк Рудакий бундай деб ёзган эдилар:

Гар билмасанг
паҳлавий тил
Мовароуннаҳр аслида
Варазруд, бил.

Бу дарё қадимда форс тилида фақат Рўд (дарё) деб аталган (масалан, «Шоҳнома»да). Бу мисолларни келтиришдан мурод шуки, агар тегилмаса, сўнгги асрда кўрганимиздай сиёсатга мослаб ўзгартирилавермаса, жой номлари халқлар оша, тиллар оша, асрлар оша яшайверади.

Яна бир мисол. XVIII асрда Емелян Пугачев бошчилигида рус казаклари подшо ҳокимиятига қарши бош кўтармаганида эди, ҳозирги Урал дарёсининг қадимий туркча номи бизгача етиб келган бўлур эди. Академик В. В. Бартолд таъбири билан айтганда, энг қадимий туркча сўз, энг дастлабки туркча ном император Екатерина II фармони билан бекор қилинди, ҳолбуки бу дарё антик давр муаллифлари (масалан, Птолемей) асарларида Даикс, яъни Ейиқ (Яйиқ) шаклида тилга олинган (юнонларнинг Ейиқ дейишга тили келмас эди).

Турон, Туркистон муқаддас номлардир. Ҳар иккаласи ҳам ота-боболаримизнинг, аждодларимизнинг, барча туркларнинг азалий ватани, турклар макони, она юрти. Она юртнинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас, дейдилар. Туркистон номи VII асрдан буён жаҳон тарихи саҳифаларидан, олиму фузалолар, шоиру ёзувчилар битикларидан, энди бўлса, хорижий туркистонликлар оғзидан тушмай келаётир (Туроннинг бундан ҳам кекса эканлигига аминмиз). Асл ватан ва унинг номи мўътабар ва мангудир. Олло таолонинг абадий инъомидир.

Лекин совет олимлари, сиёсатдонлари бу тушунчани хотирамиздан ўчирмоқчи бўлдилар. «Турон», «Туркистон» ўрнига «Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистон» каби узундан-узоқ ибора ишлатиб келиндик.

Ота маконнинг ўзи ҳам, номи ҳам ҳаммамиз учун азиз ва муборакдир. 1991 йил ҳайит ойида Мадина шаҳрида салкам 100 ёшларида вафот этган ва туркистонлик муҳожирларга раҳнамолик қилган, Туркистоннинг буюк адиби унвонига сазовор бўлган, асли Фарғонанинг гўзал Чимёнида туғилган аллома Сайид Маҳмуд Тарозий хориждаги барча туркистонликлар тили ҳақида бундай деб ёзган эдилар:

Жаҳон хандон ва лекин
хаста Туркистон
паришондир,
Вафосиз меҳри йўқ
авлодидин Тангрига
нолондир,
Кўзидин ёши жорий,
бу дуолар бирга
гирёндир
Ўзунг озод қил,
Парвардигорим,
сенга осондир.
Қолур токай аснри
фирқан илҳод,
Туркистон,
Илоҳий қил лутфингдин
ўлсун шод Туркистон.

Туркистоннинг фирқан илҳод — худобехабар коммунистик партия асиридан озод бўлганини кўриш, афсуски, Сайид Маҳмуд Тарозийга насиб бўлмади.

Истибдод сиёсатининг энг муҳим ҳаракатларидан бири халқни тарихидан хотирасидан, энг қадимий хотира бўлмиш жой номларидан, тили ва динидан маҳрум қилиш эди. Хотирали, ўтмишли кишиларнинг эътиқоди кучли бўлади. Шунинг учун ҳам СССРда зиёлилар, олимлар қатағон қилинди, шаҳар-қишлоқларнинг қадимий номлари, партия ва давлат арбобларининг исм-шарифлари билан, ҳар хил «қизил» шиорлар билан алмаштирилди. Ҳар қандай нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлади. Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги мустамлака тизими 60—70-йилларга келиб парчаланиб кетди. Лекин совет империясидаги миллий республикаларнинг халқлари ҳамон коммунистик зулм остида инграр эди. Шукурлар бўлсинки, эзилган халқлар ўз мустақил давлатларини тузадилар.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ШАРТ - ШАРОИТИ, шакл-шамойили бўлади. Ҳар қандай давлат ўз мустақиллигини амалга ошириш ва сақлаб қолиш учун дастлабки қадамларнинг бири сифатида ўз миллий топонимиясини яъни ер-сувларнинг, шаҳар-қишлоқларнинг миллий, азалий номларини қарор топтириш, ўзгарганларини қайтадан тиклашга бел боғлайди. Азалий номларни тиклаш, жой номларини тартибга солиш, уларни муқим бир шаклга келтириш муаммолари айрим давлатларнинггина эмас, балки халқаро илмий ташкилотларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Чунончи, Номшунослик фанлари халқаро комитети (ИКОС), Халқаро фонетика ассоциацияси (ИРА), Халқаро гидрография ташкилоти, Фуқаролар авиацияси халқаро ташкилоти, Халқаро почта иттифоқи, Халқаро электр алоқа иттифоқи, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва бошқа маҳкамалар бундан манфаатдордир.

Жуғрофий номларни тартибга солиш муаммоларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда. 1960 йилдан буён БМТ ташаббуси билан жой номларини тартибга солишга бағишланган учта халқаро анжуман бўлиб ўтди. Уларда юзлаб маърузалар, ахборотлар тингланди, кўплаб муаммолар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Ана шундай муаммолардан биз учун ҳам тегишлилари ҳақида икки оғиз сўз айтиш мумкин. Анжуманларда узоқ йиллар мустамлака бўлиб турган ва яқиндагина мустақил тараққиёт йўлига кирган бир қанча мамлакатлар ва минтақаларда жуғрофий иншоотларнинг номлари мустамлакачилар ҳамда метрополиядан келган топографлар томонидан белгиланганлиги, бунда маҳаллий халқ орасида маълум ва машҳур бўлган номлар кўпгина ҳолларда инобатга олинмаганлиги ёки Европа тилларидан бирига (бизда эса рус тилига) мослаб ўзгартирилганлиги, оқибатда маҳаллий халқ учун ёт бўлган жуғрофий номларнинг хариталардан, қомус-луғатлар ва бошқа нашрлардан кенг ўрин олганлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Ана шунинг учун ҳам бир қанча давлатларнинг, катта шаҳарлар ва бошқа йирик иншоотларнинг азалий номлари қайта тикланди (Бангладеш, Шри-Ланка, Киншаса ва бошқалар). Собиқ СССРда эса Молдова, Бошқортостан, Санкт-Петербург, Бишкек, Ашгабат каби тарихий номлар қайтадан тикланди. Яқинда Президентимиз фармони билан жумҳуриятимиз ва Тошкент шаҳридаги бир қанча туманларнинг асл номлари тикланганлиги ҳам қувончли ҳол.

Илмий анжуманларда ҳар қандай жуғрофий номни стандартлаш учун маҳаллий, миллий шаклни асос қилиб олиш зарурлиги қайд этилди. БМТнинг 1972 йилда бўлиб ўтган 2-конференцияси барча мамлакатларни кенг истеъмолда бўлган ва анъана шаклини олган номларни аста-секин тузатишга чақириқи эди. Экзонимларга, бошқача айтганда, жуғрофий иншоотларнинг бошқа тилларда нотўғри анъана шаклига кирган номланишига салб юриши (жанг) эълон қилинган эди. Демак, Голодная степь, Тянь-Шань кабилар рус тилида Мирзачульская степь, гори Тангритаг шаклида алмаштирилиши, Фергана, Зерафшан, Актепе, Туркестан каби номлар русчада ва бошқа тилларда маҳаллий шаклига яқинлаштирилиши лозим. Инглизлар, немислар, французлар ўзбекча номларни русча шаклига қараб ёзадилар. Энди биз учун русча транскрипция эмас, балки туркча, инглизча транскрипция асос бўлмоғи керак.

Шуниси қизиқки, совет даврида шаҳар-қишлоқларнинг рўйхатлари олдин рус тилида тайёрланган, кейин эса ўзбекчага таржима қилинган. Шунинг учун русчаси ҳам, ўзбекчаси ҳам ғиж-ғиж хатоларга тўла. Қизилсув **Козельци**, Қоракамар **Черные Комари**, деб ёзилган ҳоллар кам эмас. Жой номларимизнинг русча ва ўзбекча ёзилишидаги чалкашликларга мустақил давлат бефарқ қарай олмайди.

Республиканинг жой номларини босқичма-босқич тартибга солиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак деб ҳисоблаймиз (бунда шошқалоқликка, кампанияга йўл қўйиб бўлмайди):

1. Барча қишлоқ ва шаҳарларимизнинг номларини қайта кўрик (инвентаризация)дан ўтказиш, ҳар бир номнинг биринчи навбатда маҳаллий, ўзбекча шаклининг нақадар тўғри эканлигини текшириш — масалан, Шўрчи эмас — **Шўрча**, Сувюлдуз эмас, **Сулдуз**, Бешёғоч эмас, **Бешоғоч**, Яллама эмас, **Ялама ёки Жалама**, Моргузар эмас, **Молгузар**, Хумданак эмас, **Хумдонак** шаклида тўғрилаб ёзиш;

2. Совет даврида қўйилган номларни аниқлаш, уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариш, улардан қоладиганларини ва ўзгартириладиганларини аниқлаш, бунда бизнинг тилимизга, эътиқодимизга тўғри келмайдиганларини ўзгартиришга алоҳида эътибор бериш:

3. Биринчи галда йирик аҳоли яшаш жойларининг номи номақбулларини қайта номлаб, имкон борича уларнинг азалий номларини тиклаш;

4. Барча колхоз ва совхозларни ўзлари жойлашган ҳудуддаги қишлоқ ёки шаҳарлар, дарё-сойлар ёки бошқа табиий атамалар билан қайта номлаш;

5. Газета-журналлар, хусусан, вилоятлар ва районлардаги газеталарнинг номларини кундалик ҳаётга мос келадиган сўзлар билан алмаштириш, бунда «Ҳақиқат» деган сийқаси чиққан таржима сўзни имкони борича камайтириш;

6. Бўстон, Гулистон, Деҳқонобод, Зарбдор, Меҳнатобод, Охунбобоев, Пахтакор, Янгиобод, Ўзбекистон каби номларнинг қайта-қайта такрорланишига барҳам бериш;

7. Қишлоқ совети термини ўрнига бошқа сўз масалан, даҳа терминини қабул қилиш, посёлка термини ўрнига кент ёки қасаба сўзини қабул қилиш керак деб ҳисоблаймиз.

Зарафшон водийсида, масалан, Самарқанд, Жиззах вилоятларида то 50-йилларгача сельсоветни даҳа дейишар эди; ҳар қандай шаҳар, жумладан Тошкент қишлоқлар ўрнида пайдо бўлган; Тошкент даҳалари ҳам қишлоқларга ўхшаган бир неча маҳаллани ўз ичига олган.

Посёлка ўрнига бемалол кент сўзини ишлатса бўлади. Маҳмуд Қошғарий «Девон»ида кент «шаҳар» ёки «қишлоқ», ўзбек тилининг изоҳли луғатида, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида ҳам кент сўзи «посёлка» маъносида келади. 30-йилларгача кент сўзи кенг истеъмолда бўлган ва шаҳардан кичик, қишлоқдан катта аҳоли турар жойини англатган.

Қасаба сўзи ҳам қадимдан «шаҳарча», «посёлка» маъносида ишлатилган (масалан, Навоий, Бобур асарларида).

Яна бир фикр. Ўзбекистон Олий Кенгаши қишлоқларнинг номларини ўзгартиришни ҳар бир вилоят ҳокимиятига топширди. Эҳтимол, бу яхшидир. Лекин барча вилоятлардаги номлаш ишлари бир марказдан тартибга солиб, назорат қилиб турилмаса, бош-бошдоқлик рўй беришн, бир хил «чиройлик» номларнинг, атоқли от вазифасини ўтай олмайдиган чала топонимларнинг урчиб кетиши турган гап.

БУ ҚАДАР КЎП ЖОЙ НОМЛАРИНИ тартибга солиш маълум вақт ва муайян миқдорда маблағ талаб этади, албатта. Қўрққанга қўш кўринади, дейишади. Энг муҳими, қатъият билан иш кўриш керак. Россиядаги йирик шаҳарларнинг номларини тиклаш тажрибаси олдинги ҳисоб-китобларга нисбатан камроқ маблағ сарф бўлганини кўрсатди. Истиқлол йўлини танлаган давлат жуғрофий номларнинг миллий шаклда бўлиши учун кетадиган харажатлардан чўчимаслиги керак. Бунинг учун шанбаликлар, телемарафонлар, хайрия тадбирлари ўтказиш ҳам ғоят қўл келади.

А. МУҲАММАДЖОНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси
С. ҚОРАЕВ,
Ўзбекистон маданият жамғармаси Топонимия кенгашининг ранси

Муҳаммад ЮСУФ

Кўзмунчоқ

ОҚ ТУЛПОР

Маъруф акага

Оқ тулпорим бор эди,
Беклар унга зор эди.
От демасман, у менга
Ҳам дўсту ҳам ёр эди.

Ёлин ўпсам, тиз чўкиб
Тиззамда сув ичарди.
Чуҳ десам, ер чангитиб,
Осмонларга учарди...

Ҳовлимизга бир оқшом
Қариндошлар тўлишди.
Тўй баҳона отимдан
Айирмоқчи бўлишди.

Отам: йигитсан ўғлим,
Уйланмасанг ор, деди.
Қиз ярашар қучоққа,
Отга нима бор, деди...

Отхонадан бошланди
Чимилдиққа йўлакча.
Кечир ёрим, не қилай,
Отга меҳрим бўлакча!

Қолдим икки ўт аро —
Гўшангада дилдорим.
Келин келган кечадан
Аразлади тулпорим.

Борми биздек ошиқлар,
Баҳоримда куз йиғлар.
Қизни қучсам — от йиғлар,
Отни қучсам — қиз йиғлар!

Бир бор ўпсам хотинни,
Уч бор ўпдим отимни.
Жоним ёниб яшарман
Кимга айтай додимни!..

Ёрдан кечдим отни деб,
Элга бўлдим эрмаклар.
Қайдан билсин от қадрин,
От минмаган эркаклар!

АЙТ...

Гулдай умринг кулдай тўзиб
кетмоқда,
Кимни кутиб ёшинг қирқдан ўтмоқда,
Ёлғизмисан энди сен бу чорбоғда,
Энди йўқлаб келмасми у алдаган?..

Ўт ҳам ўсар бир-бирига суйкалиб,
Сен на ёрсан, сен на тулсан, эй ғариб,
Ҳеч бўлмаса кўнгил учун ахтариб,
Бир бор келса бўлмасми у алдаган?..

Гулим очил, айт ўзимга дардингни,
Гулфурушлар қайдан билсин
қадрингни,
Ёмғирман деб юзинг силаб,
баргингни
Тўкиб кетган дўлмасми у алдаган?..

Не мунчоқ у, тенги йўғу тизимсиз,
Не олчоқ у, руҳи жонсиз жисмсиз,
Йиллар билан ич-ичингга исмсиз
Чўкиб кетган кўлмасми у алдаган?..

Гулдай умринг кулдай тўзиб кетмоқда,
Кимга муштоқ ёшинг қирқдан ўтмоқда,
Елкангдаги етти қатор сиртмоқда
Осилибгина ўлмасми у алдаган?..

Юзларингни кўргандайман қайдадир,
Қўл ушлашиб юргандайман қайдадир,
Неки қилсанг, ахир, бир кун қайтадир,
Айт, мабодо менмасми у алдаган?!..

БОЙ ҚИЗИ

Бой бувамнинг оши бор,
Оши тўла тоши бор.
Бой қизининг биз ғариб
Қул билан на иши бор...

Қиёматда қулга юз
Ўгирмайди бой қизи,
Усма ўпган қошидан
Уптирмайди бой қизи.

Уптирса ҳам ўпмасман,
Ўпсам қадрим йиғлайди.
Бойга сиринг бой берма,
Бойда вафо бўлмайди!..

Бой қизини узатдим,
Бойваччасин кузатдим.
Кетаман деб у айтди,
Кетавер деб мен айтдим.
Зорим бору зўрим йўқ,
Кетса майли, ёр кетсин.
Камбағални камбағал
Суйганига не етсин!

ТОПВОЛДИ

Ўзим ёзган шеър ҳам ўзиминикимас —
Минг бир муҳаррир бор уйимда.
Сизга кўрсатолмам ўз боламни ҳам
Ўзим кийинтирган кийимда.

Хотиним қизларни ёзмайсан, дейди.
Отам подшоларни. Мени авайлар.
Илҳом йиллаб эшик қоқмайди гоҳи,
Юрак вой-войлар...

Гулхан бўлиб кетди қанча шеърларим,
Муҳаббат ҳақида эди ҳаммаси.
Азиз биродарлар, билиб қўйинглар,
Шоирга хўжайин ҳатто, аммаси!

Мен ҳам дуруст шоир бўлармидим,
балки,
Энг гўзал байтларим йиртилмаганда.
Ушбу шеъримни ҳам тамаки излаб,
Токчадан топволдим кутилмаганда.

Топдиму отини Топволди қўйдим,
Юзларидан ўпдим ярим кечада.
Қулоғига шивирлаб: Мен уйдан
тўйдим,
Сен бор, ўйнаб келгин, дедим кўчада!..

БИНАФША

Сен ё сув бўйига чўккан гулойим,
Сени ё кўклардан тўкмиш худойим,
Булбулнинг патидай баргинг мулойим,
Бинафша, бинафша, хоксор бинафша...

Бинафшасиз боғлар атри-атирми,
Ғариб даштмасми у қирми-адирми,
Сенсиз кўнгилларга кўклам татирми,
Сенсиз — кўрксиз келин баҳор,
бинафша.

Гул йўқ сендан гўзал гулзорлар аро,
Илк юзин кўрсатган оқ қорлар аро,
Юртимдаги мовий минорлар аро
Сен баридан баланд минор, бинафша.

Содиқсан ҳар баҳор унган жойингга,
Юзим сурайинми зулфи ёйингга,
Лабим босойинми чўкиб, пойингга,
Сендан улуғ тағин ким бор, бинафша?

Қора совуқларга чидаб, мунғайиб,
Йўллар ёқасида мўмин жилмайиб,
Бирга ўсгандаймиз бирга улғайиб,
Муҳаммадга дарддош, дилдор
бинафша.

Янги ном

Илаш Тўйчи — Ленинобод Давлат педагогика институтини (ҳозирги Хўжанд дорулмуаллимини) тугатган. Қиска-кўз мактаб-интернатида ишлайди.

Шеърлари Тожикистон жумҳуриятининг қатта-кичик рўзномаларида эълон қилинган.

Илаш ТЎЙЧИ

ДЎСТ ЁДИ

Чорбоғ тоғларида тентийди бир ғам,
Эритиб юборар юрак тошини.
Бунга Баҳор келар — кўзларида нам,
Бундан Баҳор кетар эгиб бошини.

Ушал сой оқади тўлиб, шарқироқ,
Ёдинг ёнгинамда кўринар баъзан.
Сенинг дийдорингга тўймадим, бироқ,
Дўстим, қайлардасан, қаерлардасан?..

...Ёвшанга ёнбошлаб мудраган тунда
Чорбоғ тоғларида кезар бир армон.
У — тошларга кўчган саргардон
руҳдай
Дўстимнинг жисмини ёриб чиққан
жон...

ОДАМ

Саҳарда бўзлаган тунларнинг
Юракни ўртаган зорисан.
Сен билан қувнагим келади,
Бироқ, Сен қайғунинг ёрисан.

Баҳор ҳам жилмаяр оҳиста,
Қутулиб замҳарир доридан.
Сен билан йиғлагим келади,
Бироқ, Сен қувончнинг ёрисан.

Бу замин — мунофиқ. Сен ростгўй
Фалакнинг ёмғиру қорисан,
Заминга ботади юрагим,
Бироқ, Сен Осмоннинг ёрисан.

Билмайман, Сен кимсан, нимасан,
Биламан, дунёнинг борисан.
Хокингга кўз ёшим ийланар,
Бироқ, Сен тупроқнинг ёрисан.

Энг сўнгги лаҳзада топгайман,
Бедаво дардимга давосан.
Мен Сенга жонимни бергайман.
Ахир, Сен ҳавосан, ҳавосан...

МУҚАДДАС

НОН

Супра очдим, тиладим:
бер тўзимнинг тошини,
бу оламда душман ҳам
ичсин суйган ошини.
Гўё тинглар таажжуб
кўтарганча қошини,
тошлар уриб ёролмас
чалкашликнинг бошини.
Тутқун супра ёйилиб,
кўкдан нима тилайди,
фурсат ити борингни
тиним билмай талайди.
Тап-тап этар элагим,
карвон ўтар элагим,
нечун ахир соғинар
биларзикли билагим.
Борди-келди элакдан
унлар унсиз қуйилар,
топилмасинг ёнингда
тургандайин туюлар.
Ростлаб туриш,[1]
намакни
оппоқ сутга ун солиб,
қорийвер ҳаёт деган
билағондан билволиб.
Юмшоққинам,
хамирим,
пишармисан,
муштлайман,
жигаримга тўлволган
кўзёшларни
киштлайман.
Юпанолмай юраркан
алаҳлашга андармон
ошар хамир, ясашга
енгича берар фармон.
Ҳеч битмайди бу
онлар,
онлар кимга керакдир,
супрадаги зувала
қони қочган юракдир.
Айланади зувалаб
кенгаяди жувадан,
оқ қилинган ўйларим
қайтар қорли увадан.
Кўз очади чекичдан
нон шаклида доира.
оловсиз тандир худди
танг кечмишга доир-а...
Олов ёқдим, чўғ
босдим,
— Тандир, ёниб не
топдинг?
— Олов тилим суғуриб
чўғлар узра кул
ёпдинг.
Тандир, қара, осмон
ўхшар сирлар ютганга,
кўзим, бунча энтикма
осмонда қуш ўтганга.
Ер бўламан шу лаҳза
ғалат билиб ўзимни
сув ураман нонларга
кўриб ҳайрон қизимни:
«Қизим, олча гулидай
нон пиширар ҳарорат».
ислари... Оҳ,
менгзашлар
қалбингни қилар
ғорат.
Бу караминг, бу
корлар...
Уй ёндирар бешафқат
пушт ташламас
бағримда
Куяр ноним-муҳаббат.

[1]туриш — хамиртуриш.

●

Мамлакат опага

Ҳовли — унсиз мезбон,
кесилган забон,
лашкари чор ёқда ҳокимдир ҳайрон
шафтоли қизариб эзилар ҳамон.
Хина баргларининг ораларидан
киноя жилмаяр, ловуллар армон
ис тарар азобга қасдма-қасд райҳон.
Заргар ток ясаган олтин узумлар
ордона тебранар — шалвираган қўл
анор ёрилмаган дардини димлар.
Ёнғоқ пўчоғида тахир ҳавотир
ариқда сув надир чулдираб ётир
ўртаниб оқади ўйланмаган ўй.
Тилсимин йўқотган очилдастурхон
совиб қолган ҳафсала — таом
куттира, куттира келмагач меҳмон.

Тўлаган ТУХТАЕВ

МУҲАББАТ ҚЎШИҒИ

Кўп ҳам менга кўнгил берма, деб
муҳаббат,
Мендан ўзин олисларга олиб қочди.
Бир бахтли кун ногаҳонда тугаб
тоқат,
Соғинчимга севинч билан бағрин
очди.
Қайси ошиқ насиҳатдан олган сабоқ,
Нечун мен ҳам юрагимни ўтга
солмай.
Нечун мен ҳам изингдаги битта
қувноқ —
Чақмоқ каби кўксинг узра ёниб
қолмай.
Бахтиёрман кечалари суҳбат қуриб,
Лаҳза ўтмай яна баттар соғинганман.
Бу дунёда не ғаройиб сирлар туриб,
Ёлғиз сенинг дийдорингга
сиғинганман.
Бахтиёрман, муҳаббатнинг
йўлларида —
Гоҳида шоҳ, гоҳида бир гадо бўлдим,
Хор бўлмадим ишқ билмаган
кўнгилларга,
Кимга банда, кимга мен ҳам худо
бўлдим.

●

Бехос хўрсинаман, сен эса атай —
Тескари қарайсан сезмаган бўлиб.
Кўзларим елкангни куйдирар
ўтдай —
Елкаларинг бирдан тушар бўлиниб.
Юринг, кетдик, дейсан, йўл бўйи
шошмай —
Сўзлайсан ҳаётнинг эрмакларини.
Мен-чи, юзингдаги бир томчи
ёшдай —
Эслайман ишқнинг рост эртакларини.
Хайр энди, мен кетдим... Недандир
чўчиб —
Қўлимни тутасан. Кечиринг, узр...
Уйингда чироқ ҳам бир ёнар ўчиб,
Деразадан кимдир бизни кузатар.
Ортимга қайрилмай кетаман илдам,
Ортимга қайрилсам ёмон бўлади.
Сен менга сўзлаган афсоналаринг —
Биз севган эртак ҳам энди ўлади.

УЧ АВЛОД. Ёзувчи Шукур Холмирзаев, шоирлар Султон Акбарий ва Муҳаммад Юсуф. С. МАҲКАМОВ олган сурат.

СУФИ ОЛЛОЁР ТАВАЛЛУДИНИНГ 375 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Сўфи Оллоёр

Тоғай МУРОД

«ОЙДИНДА ЮРГАН ОДАМЛАР» ҚИССАСИДАН ОЛИБ ТАШЛАНГАН БОБЛАР

Сўфи Оллоёр қабри қабатида тоғчорбоғ бор. Мен 1980 йил қишини ана шу юртим тоғчорбоғида қишладим. Узун қиш Сўфи Оллоёр бобо билан қабатма-қабат ётиб, «Ойдинда юрган одамлар» номли қисса битдим.

Ушанда асар уч йил чиқмай ётди. Тўртинчи йили пати юлинмиш товуқ мисол чоп этилди.

Ушбулар учун ёлғон ижодкорлар айтмиш «Фалон-фалон шахслар айбдор» эмас эди. Уша замон айбдор эди, ўша тузум айбдор эди.

Ўтган ўтди, кетган кетди. Ўтганлар кетидан тош отиб юриш — йигитнинг иши эмас. Айниқса, ижодкор касби эмас.

Худо кечамизни бермадими, марҳамат — эртамизни берди. «Ойдинда юрган одамлар»дан юлиб-юлиб ташланмиш бобларни ўқиш вақти келди.

МУАЛЛИФ

ОЛАМДА ОЙМОМО УЧУН БОР-ЙЎҒИ битта савол бўлди. Савол бергувчи одамда биров бўлди.

Савол тил билан эмас, боқиш билан айтилди:

«Энди нима қиламиз, момоси?»

Саволга жавоб бергувчи-да биров — ўзи бўлди.

— Сўфи Оллоёр бовани зиёрат қилиб келайлик. Ким билади, ўша киши оғриндиларми... — деди.

Қоплон отланди. Кетига аёлини миндирди. Олдига чори қўй ўнгарди. Вахшимор йўл олди.

Сўфи Оллоёр зиёратгоҳи бодомзор боғот қўйнида бўлди.

Қоплон Оллоёр мозори пойида қўй сўйиб қон чиқарди.

●

МОЗОРДАГИ ОЛЛОЁР ОТЛИ бу зот ким бўлди?

Оллоёр асли Самарқанддан бўлди. Каттақўрғоннинг Минглар қишлоғидан бўлди.

XVII—XVIII асрларда яшаб ўтди. Шайхлар мактабида ҳамда Бухородаги Жўйбор шайхлари даргоҳида таълим олди. Ғазаллар битди. «Мурод ул-орифин» «Туҳфат ул-толибин», «Маслак ул-муттақин», «Сабот ул-ожизин», «Мусанниф алайҳи раҳмонни васиятлари» дея аталмиш назмий девонлар тузди.

Олтмиш ёшида уч нафар содиқ халфалари билан Самарқандни тарк этди. Боражак манзилини айтмади. Кечаси билан зим-зиё йўқ бўлди.

Оллоёр нима учун киндик қони томмиш юрти, бола-бақрасини ташлаб кетди? Нима учун боражак манзилини айтмади?

●

СЎФИ ОЛЛОЁР «САБОТ УЛ-ОЖИЗИН» назмий девонида шундай битди:

Эй биродар, мани яхши демангглар зиҳор,
Зоҳирим ёўфинамодир, ботиним кину ниқор.
Аннинг учун тоғу тошу, чўлни қилдим
ихтиёр;
Шумлиғим, расволиғим тегди вилоят
халқиға.
Бу сабабдин муҳтамид бўлдим
ғарнблар бўмиға,
Қайси ҳолда ўлганимни билмасун
ҳешу табор...

Ўзи, Оллоёр ким эди? Авлиё эдими? Табиб эдими? Эшон эдими?

Оллоёр бек эди!

Оллоёр қирқта хотин олди!

Оллоёр бож йиғувчилар маҳкамасида хизмат қилди. Фуқарога зулм қилди.

Оллоёр қамчисидан қон томди!

●

ЭМИШКИ, ОЛЛОЁР ОТДА ШАҲАР АЙЛАНДИ. Юрди-юрди, бир кўприкдан ўтди.

Бундай қараса, кўприк ости сув қип-қизил қон бўлди.

Оллоёр ҳайрондан-ҳайрон бўлди. Халфаларидан қон боисини сўради.

— Билинглар, ўзи нима гап, — деди.

Халфалари кўприк остига тушиб қаради.

Аён бўлди: кўприк остида бир аёл ўтирарди... Аёл Оллоёрни олисдан кўрди. Қўрқди! Кўприк остига қараб қочди. Кўприк остида яшириниб ўтирди.

Аёл бўйида бўлди! Боши узра ўтмиш Оллоёр оти дупур-дупуридан... дупур-дупуридан қалт-қалт қалтиради... бола ташлаб қўйди!

Сув ана шундан қип-қизил қон бўлди!

Халфалари бор воқеани Оллоёрга айтиб берди.

Оллоёрда пича шоирлик бор-да, бу воқеадан ҳаминқадар таъсирланди, ҳаминқадар азобланди.

— Во дариғо, мен шундай одамми-а... — дея эзилди.

Оллоёр... тарки дунё қилди!

Юрди-юрди, Қоратикон қишлоғига келди. Ундан Қубодиён қишлоғига ўтди.

Тағин юрди-юрди, Вахшимор дея аталмиш макон сари дохил бўлди.

Гуноҳларидан форғ бўлиш учун тоат-ибодатга берилди.

Эл-юрт хизматини қилди.

●

ЭМИШКИ ОЛЛОЁР БУНДАЙ ҚАРАДИ. Вахшиморда сув бўлмади.

Шунда Оллоёр сой ёқалаб борди. Сой остига тушди.

Бир ер намланиб турди, сув йилтираб турди.

Оллоёр шу намни таёғи билан туртди.

Ердан сув сизиб-сизиб чиқди.

Оллоёр халфасига:

— Шу таёқ билан ер чизиб, Вахшиморга из қилиб бора бер, — деди.

Шунда халфаси:

— Сув пастда бўлса, Вахшимор юқорида бўлса, сув қандай қилиб чиқади? — деди.

— Сен илон изи қилиб юқорилаб бора бер, сув чиқмасдан қолмайди, — деди Оллоёр.

Чиндан-да, сув таёқ изидан юқорилаб борди, Вахшиморлаб борди.

Сув қуйидан юқорилаб оқди!

Оллоёр сувни элга кўз-кўз қилди

— Қара, булоқ! — деди.

Шу-шу, булоқ Қарабулоқ, дея аталди.

Қарабулоқ йиллар мобайнида ўзанини катта олди.

Мана, уч асрдирким, Қарабулоқ қуйидан юқорилаб оқди. Қишин-ёзин қуримади. Қишда илиқ бўлди, ёзда совуқ бўлди.

●

ВАХШИМОР — илонлар макони, демакдир.

Чиндан-да, ўтмишда Вахшимор илонлар макони бўлди.

Илонлар Вахшимор оралаб юрди.

Эл жонини ҳовучлаб-ҳовучлаб кун кўрди.

Ана шунда, Оллоёр эл жонига ора кирди.

●

ЭМИШКИ, ОЛЛОЁР ИЛОНЛАР ПОДШОСИ Оқ илон номига нома битди.

Номани юраклироқ бир халфасига берди.

— Бор, Оқ илон салтанатига бориб кел, — деди.

— Қўрқаман, тақсир, — деди халфа.

— Унда, салтанат қарибига ташлаб қайт, уёғига навкарлари етказади.

Халфа номани қўйнига солди. Оқ илон қароргоҳига равона бўлди.

Қароргоҳ Вахшимор қибласидаги Илонқара дегич сайхонликда бўлди.

Халфа манзилга етиб келди. Халфа сесканиб кетди.

Илонқара ғиж-ғиж илон бўлди! Бармоқдай илонлар, билакдай илонлар, одам йўғон сонидай илонлар!

Сариқ илон, кулранг илон, қора илон, айниқса, тошрангли чипорлари кўп бўлди!

Халфа аросатда қолди. Боришини-да билмади, қайтишини-да билмади.

Хуши бошидан учди, бадани жимирлади, пешонасидан терлар оқди.

Халфа эсон-омон қайтишига кўзи етмади! Изига-да қайтмади!

Қандай-да қайтади! Пирнинг гапини иккита қилиб бўладими?! Ё ўлим, ё пирим!

Халфа ана шундай қатъият билан Оқ илон қароргоҳига йўл олди. Илонлар тўлғанди, илонлар чийиллади, илонлар вишиллади!

Ердан гўдак бўйи кўтарилди, буқоғини ширди, қоп-қора бошларини чўзди!

Инсон, пешонасидан терлар қуйилиб бора берди.

Рангида ранг қолмади. Оёқлари ўзиникими ё бировникими, билмади.

Жиққа тер желаги елкаларига ёпишди.

Инсон қоматини тик тутиб бора берди!

Илонлар инсон кўриб, бундайини кўрмади!

Оқ илондай қудратли подшоҳи азим устига бостириб келяпти-я! Азалий салтанатни оёқ ости қиляпти-я! Дўқ-пўписаларга пинагини-да бузмайди-я!

Ўзи, бор-йўғи биров бўлса!

Илонлар чекинди! Илонлар қароргоҳларига қараб қочди!

Шунда, катта тош олдида ётмиш бир нимага кўзи тушди. Қолмиш ҳуши-да бошидан учди!

Ётмиш нима бор-йўғи қамчи ўримидай келди! Оппоқ, жундор бўлди!

Бу, подшоҳи азимнинг ўзлари бўлди!

Инсон тўхтади. Подшоҳдан кўз узмади. Қўйнига қўл солди. Номани ўзидан бир қадам олдин ташламоқчи бўлди. Аммо қўлини чўзишдан қўрқди. Панжаларини очди.

Шунда, нома ерга тушди.

Инсон изига қайрилди. Елкаларини қисди. Оҳиста-оҳиста одимлади. Назаримда, подшо изидан келаётгандай бўлди. Оғиз-кўзларини катта-катта очди. Кетига қаради. Йўқ, подшо қимирламай ётди.

Шунда, инсон кетига қарамади, ўқдай чопиб қўя берди!

Оқ илон ҳукмона чийиллади! Ўз салтанатидагиларни қароргоҳига йиғди!

Инсон бир келиб ўрганди, бўлди, энди кела беради, тинчлик бермайди, деди. Кетамиз, инсон қадам босмайдиган ерларга кетамиз, деди.

Жамики қавмларини эргаштирди, ўзини Хўжайпок дарё сувига ташлади.

Ундан Сурхондарё сувига ўтди. Сурхондарёдан сузиб чиқиб, Заҳартепага ўрлади.

Заҳартепа Оқ илон кўнглига ўтирмади!

Оқ илонлар тағин юриш қилди. Боботоққа йўл олди.

Боботоғнинг Говургон деган ерини макон этди.

Мана, уч асрким, Боботоғ илонлар макони бўлди!

Ана шундай, эмиш-эмишлар, Оллоёр отини илоҳийлаштирди. Оллоёр отини авлиёлаштирди.

Эл, Оллоёр мозори теварагини деворлаб олди.

Эл, мозорни зиёратгоҳ этди.

Эл, яхши-ёмон кунларда ана шу мозорга сиғинажак бўлди.

Оллоёр ўлаётиб, нима деб васият қилиб эди? Эй, фарзандсизлар, мозоримга сиғининглар, мен сизларга фарзанд бераман, деб эдими?

Оллоёр ўлими олдидан қавмларига мана бундай васият қилди:

Ман ўлсам, эй, жамъе маҳрами роз,
Мани ўзга ўликдек қилманг эъзоз.

Хасу хор устиға ташлаб, тутунг хор,
Қилиб мандек баҳодин жисмидин ор.

Бўсаға устиға ташланг танимни,[1]
Кафан айланг чурук пироҳанимни.

Манга ҳайф этмангизлар тутмоғон бўз,
Агарчандики мардум қилсалар сўз —

Юборинг тез боратурғон йўлимға,
Мабодо қолмағайсиз шумлиғимга.

Кўзингиздин чиқорманг қатраи ёш,
Жанозам орқасидан отингиз тош.

Оёғимни тутиб, судранг лаҳадга...

●

ОЙМОМО МОЗОР СИҒИНДИ. Тўлиб-тошиб сиғинди. Жони-тани билан сиғинди. Ёд бўлиб қолмиш ноласини нақорат қилди:

— Айланайин, Сўфи Оллоёр ҳазратим, садағангиз кетайин ҳазратим, бир умр қулингиз бўлайин, ҳазратим, менга шафқат қилинг... Кўпга берган тирноқни мендан-да аяманг. Мен сизга нима гуноҳ қилиб эдимки, мени мунчалик хору зор қиласиз? Билиб-билмай айб қилган бўлсам, айбимдан ўтинг, ҳазратим. Мен бечорага раҳмингиз келсин. Сўфи Оллоёр ҳазратим...

Зиёратдан мурод ҳосил бўлмади!

1980 йил, январ

- ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВ
- ЗАМОНАВИЙ ҲОТАМТОЙЛАР
- «БАҲРОМОБОД, ДЕБ ЁЗИНГ!»

Сайди УМР

ҲОТАМТОЙНИНГ ЎЗИ

ЎЛКАМИЗ БЎСТОН, ЖАННАТМАКОН ДЕЯ БЕТИНИМ МАҚТАНИБ, ёзиб-чизиб ўз-ўзимизни алдаб келдик. Бироқ боғ-роғлар камайиб, нарх-наво осмонга сапчигандагина ногаҳон ҳушёр тортдик, ерга-заминга кўз тикдик, боғнинг, боғбоннинг қадрига ета бошладик. Шахсий жамғармаси ҳисобига амбулатория, кутубхона қурдирган, энди санаторий қурдириш ҳаракатига тушган жангчи, ўқитувчи, боғбон, шифокор Баҳром Саматов сингари одамлар ҳам энди кўз ўнгимизда ҳақиқий фидокор инсон сифатида бўй кўрсата бошлади.

Дунё яхши одамлар кифтида туради, деган экан бир донишманд. Яхшилар, яхшиликлар эса кўп. Гапдон гапни дўндириб турганда деҳқон омборини дон-дунга тўлдириб қўйганига шукур қилайлик.

Таниқли шоир ва драматург Машраб Бобоевнинг туғилиб ўсган Қозоқхўжа қишлоғидаги ҳовлисида кекса, серҳосил балх тут бор. Бу тут ёзувчига «Чироқ ёниб турсин» деган пьеса ёзишга, эсда қоларли тийнатлар яратишга, авлодлар пойдорлиги, қадриятлар ҳақида дилида тугиб юрган гапларни айтишга илҳом, туртки берган. Пьеса қаҳрамони Яллабобо ҳовлисидаги тутни кесишга келган раис, бригадирга: «Ҳар йили барг оласиз. Ҳар йили барг етмайди. Нега тутни кўпайтирмайсиз? Ойтамғалида битта ўқитувчи тут кўчатини кўпайтираётган экан. Ҳамма жойдан келиб олиб кетишаётган эмиш. Андижон, Фарғоналардан. Нега бир районда турибсиз олиб келмайсиз. Кап-катта одам бўлиб битта бақироқ бобога ялиниб ўтиришга уялмайсизми?» — дея дашном беради. Ўша ўқитувчи Баҳром Саматов бўлади. Ўн тўрт йилдирки, тутнинг ўзидан ўн минг, юз минглаб етиштириб келаётибди, яқин-узоқ туманлардаги хўжаликларда қулф уриб ўсиб, теварак-атрофга ҳуснтароват бериб, атроф-муҳитни мусаффо қилиб турган ям-яшил тутзорларни кўрсангиз, билингки, булар Баҳром аканинг тутхонасидан келтирилган. Тутлар йилдан-йилга бўй чўзиб, эн тортиб, қурт тутганларга етиб турибди, хонадонлардаги тутларнинг анчаси энди дахлсиз, болачақага насиба, ризқ бўлаяпти.

Жамоа хўжаликлари, турли идоралар, мактаб-боғчалар ҳовлиларида, хонадонларда мавж уриб, муаттар ҳидлар таратиб ўсаётган ранг-баранг атиргулларга беихтиёр завқингиз келиб, булар қаердан келтирилган, деб сўрасангиз, «Баҳром аканинг гулхонасидан» деган жавобни эшитасиз. Тасаввур этинг: саратон. Ғир этган шабада йўқ. Кенг боғ, гулзор, бир эмас уч ҳовуз. Мажнунтол новдалари сувга теккудай. Турфа гуллардан кўзингиз қувнайди, муаттар ҳидлар димоғингизни қитиқлайди, дилингиз яйрайди. Шийпонда бирпас ўтирсангиз, бир зумда чарчоғингиз тарқаб кетади. Қушлар басма-басга сайрайди. Бир пайт булбул хониш қила кетади, бошқалари бир зум тўхтайди. Ажиб бир чахчах, оҳанграбо мусиқа. Яратган боғбонига қасидадир балки.

Баҳром аканинг инсоний ҳиммати, жасоратини тушуниб етишга ҳаракат қиламан. Бу одамга нима керак ўзи? Шон-шуҳратми, мол-дунёми? Шон-шуҳрат десак, аввал қандай бўлса шундай, ҳеч ўзгармаган, камтар, тортинчоқ, айни чоғда, самимий, дилкаш. Катта йиғин-мажлислар бўлса, кўпинча ҳайъатга сайлашади, тўрга чиқаришади, бу киши бўлса қисиниб-қимтиниб, ўзини ноқулай ҳис этиб ўтиради. Ўн беш йил муқаддам Баҳром аканинг чорбоғида вилоят миқёсида бир йиғин бўлганди. Самарқанд вилояти партия қўмитасининг ўша пайтдаги биринчи котиби, жойларда мана шундай йиғинлар ўтказиш ташаббускори Бектош Раҳимов Баҳром Саматов шаънига кўп илиқ сўзлар айтиб, қарсаклар остида тўрга чиқариб қўйди. Ушбу йиғилишда иштирок этиб гувоҳ бўлганман: Баҳром ака уч-тўрт соат давомида ўз уйи, чорбоғида қимир этмай, ўзини ноқулай сезиб ўтирди. («Менга бундай жойларда бир соат қийналиб ўтиргандан бир кун маза қилиб кетмон чопган афзал», — дейди кулиб Баҳром ака).

Баҳром ака ҳақидаги ярим соатлик фильм-хроника Тошкентда кўрикдан ўтказилган экан. Кимнингдир нигоҳи боғбоннинг эгнидаги билинар-билинмас бир йиртиққа тушибди-ю ҳушёрлик қилиб, дарҳол маслаҳат берибди: «ўша кадрни кесиб ташлаш керак, илғор совет кишиси ҳақида нотўғри тасаввур бериши мумкин». Фильм табиий, ҳаққоний бир кадрдан маҳрум бўлибди. Баъзиларга қолса, боғбонга чуст дўппи, янги тўн, оҳори кетмаган оппоқ кўйлак кийдириб, иложи бўлса, галстук тақдириб, қўлига кетмон тутқазиб суратга туширса. Ҳаётда бундоқ бўлмайди-да. Баҳром аканинг янги энгилбошлари ҳам бор, албатта. Лекин у доимо оддий, одми кийиниб юришни яхши кўради.

Икки кунлик суҳбатдан сўнг Баҳром ака нега бундай ҳимматга жазм этгани боисини тушундим. «Қайсиям йил экан, аёлим иккиқат бўлиб касаллик варақасини олиш учун район марказига уч-тўрт қатнади, деди у.—Ҳар куни боради, бир куни кетади, лекин иши битмай келади, биласиз, катта йўлга чиқиб олишнинг ўзи қанча машаққат, кейин Нариманова боргунча машина кутиш керак. Сўрасам, «бир аёл бор, тайинли гап айтмайди, нуқул уришади-ю, қоғозни тўғрилаб бермайди», — дейди. Бир куни, ишимни қўйиб, ўзим бордим. Хотин-халаж кўп, ичкаридан аёл кишининг қаттиқ-қаттиқ гаплари эшитилади, бир аёл йиғламсираб чиқди. Дўхтир дегани хушмуомала, юмшоқ бўлмайдими, қуш тилини қуш билади, дегандай, сўраб, ичидан гапини суғуриб олиб, ишини тўғрилаб бермайдими. Бу сафар ҳам қайтаришни ўзига эп кўрмадими, ё важоҳатимдан чўчидими, ишқилиб, қоғозини тўғрилаб берди. Хаёлимга бир ўй келди: мана шу ерда қанча шифоталаб одам, ҳар жойдан келган, ишини битказиш учун қанча вақти, сарфи кетади, харажат чекади. Тут, гул кўчатларингизга анча пул чиқади, дейишяпти. Ўз ҳисобимдан бир амбулатория қурдирсам, зора одамларимизнинг мушкули осон бўлса, бунча жойга қатнаб юришмаса. Шу ўй ҳеч тинчлик бермай қўйди. Кечаси билан ниятимни қоғозга тушириб, эртасига раисимизга маслаҳат солдим, кейин райкомга, Хайрулла Сайдиев ҳузурига йўл олдим. Кўп тушунган, доно одам эди раҳматли, жойи жаннатда бўлсин. Дала айлангани чиқиб кетган, қачон қайтиши номаълум, дейишди. Хатимни конвертга солдим-да, шу ердаги почта қутисига ташлаб кетавердим. Бир неча кун ўтгач, ўқитувчиларнинг август кенгашида райкомимиз биринчи бўлиб бу гапнинг учини чиқарди, шаънимга анча яхши гаплар айтди, қурилиш ташкилотига, бош врачга, колхозимиз раисига ва яна бошқаларга шу ернинг ўзида топшириқлар берди.

Ниятим ҳаммадан ҳам бош врачимиз Абдулла Бўрибоевга мойдай ёқиб тушди, дарҳол ҳаракатга тушиб қолди, кўп ўтмай бинонинг лойиҳасини чиздириб келди. Қурилиш бошланиб кетди десангиз, бир куни қум, цемент, шағал келади, эртаси куни ёғоч, тунука, дегандай. Хайрулла Сайдиев деярли ҳар куни бир келиб хабар олиб кетади, боладай хурсанд бўлади, ўзининг иморатига ҳам одам бунчалик қувонмайди, бир куни тагзамин устида таниқли раис Неъмат Азимовга нималарнидир уқтириб турган экан. Баҳром ака, асли каттароқ қурсак, аввалги лойиҳани қаттиқ ҳимоя қилсак бўларкан, раис, бундай ташаббусларни ҳамма жойда, ҳар доим қўллаб-қўлтиқлаш керак, деганини эшитиб қолдим».

КИМДИР, БАҲРОМ АКАНИНГ ЎЗИГА ОҒИРЛИК ҚИЛМАСИН, қурилишнинг бир қисмини колхоз кўтарсин, дебди. Бу гап кўпчиликка маъқул тушибди. Кейинроқ эшитиб қолибди-да, раҳбарларга учраб, «кўнгилдан чиқариб ният қилувдим, кўнгилдагидай бўлсин, харажатини охиригача ўзим кўтараман», — дебди. Колхоз раҳбарлари «ўз фойдасини билмаган» бу одамнинг гапига ҳайрон қолибди-ю рози бўлишибди.

Баҳром акани тушуниш мумкин. У ҳалол ростгўй, бир сўзли одам, табиати дабдабани, сохтагарчиликни мутлақо кўтармайди. Бир ишга қасд қилдими, бошқа нарсага чалғимайди, ҳалол пул топишидан қолмайди. Бу ишларни обрў орттириш, донг таратиш, ҳатто таташаббус кўтариш учун ҳам қилмади, дилига туккан ниятни амалга оширди, холос. Бир неча бор учрашиб, суҳбатлашиб шунга қатъий ишонч ҳосил қилдимки, табиатга, одамларга бўлган туганмас меҳр, шафқат Баҳром акани бу хайрли, савоб ишларга ундаётган экан.

Дилимиз дилимизга тўғри келгани учунми, ҳар қалай, Баҳром ака кулфи-дили очилиб, урушда кўрган-кечирганларидан ҳам икки-уч таъсирли ҳикоя айтиб берди. Унинг урушда кўрган-кечирганларининг ўзи алоҳида ибратли бир ҳикоя. Одер бўйидаги жангда оғир ярадор бўлиб, госпиталда шифтга қараб: «Худо деганинг бор экан, Баҳромбой, бир ўлимдан қолдинг, энди умрингнинг борини одамлар хизматига бағишлайсан, савобни излайсан» — дейди.

Уруш даҳшатлари онгида, руҳида инқилоб ясагани рост. Баҳром ака фақат эзгулик, меҳр-шафқат учун яратилган. У ҳақда фақат яхши гап эшитасиз, ўзи ҳам фақат яхшиликдан, одамларнинг фазилати, савоб ишларидан лутф этади. «Одамга бирор фойданг тегмаса, ҳеч кимга эл бўлмай, ўз гўрингни ўзинг кавлаб яшашдан нима фойда. Буғдой нонинг бўлмаса, буғдой сўзинг бўлсин».

Ўша суҳбатимизда Баҳром ака нимаям бўлиб офатга учраган жойларга юборган ёрдамларини эслаб қолди... Эзгулик, инсонпарварлик, одамларимиз, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларимиз қон-қонига сингиб кетган фазилат ўзи.

Биргина Саматовлардан учтаси халқимизга яхши маълум: каттақўрғонлик Ҳамид Саматов, урушдан қайтиб келиб, оиласи билан қаттиқчиликка қарамай, 22 болани тарбиялаб вояга етказди, бу ҳақда кўп ёзилди: писхентлик Мажид Саматов урушда қатнашган ватандошларимиз ҳақида қанчадан-қанча китоб, мақолалар ёзди, ҳарбий архивларда ишлаб, юзлаб номаълум жангчиларни элига, оила аъзоларига маълум қилди; пайариқлик Баҳром Саматов боғ яратаяпти, иморат қураяпти. Савобнинг тагида қоляпти.

Баҳром ака уруш йиллари, бир қанча мамлакат ҳудудида жанг қилди (9 майда Берлинда эди), инсон зоти бамисоли пашшадай қирилиб, беқадр бўлганини кўп кўрди. Дийдаси қотиб, бағри тош бўлмади. Аксинча, инсонни тиригида эъзозлаш, авайлаш лозимлигини кўнглига тугди. Уруш тугагандан сўнг ҳам уч йилча қолиб кетди. Кўп касал бўлди, даволанди. Қирқ саккизинчи йили қишлоғига қайтди. Келса, тирикчилик оғир. Икки-уч йил бурунгидай, орден, медалларни тақиб олиб, ғолиблик нашъасини сурадиган пайт эмас. Қоринни қайғусини қилиш керак. Кузакда уйлантириб қўйишди. «За отвагу» ва яна беш-олти медалини кейинчалик болалар ўйнаб йўқотиб юборишди. Тирикчилик гирдоби ёш жангчини ҳам комига тортди. Бошқалар қатори қийналиб яшади, ишлади ва ...ўқишини чала жойидан бошлади, Челакдаги 25-ўрта мактабга кириб, уч йил ўқиб аттестат олди. — «Эрталаб синфга кирган бўйи дарс тугагандан кейин чиқардим,—кулиб хотирлайди суҳбатдошим.—Узимдан-ўн-ўн икки ёш кичик йигит-қизлар танаффус бўлиши билан дув этиб ташқарига отилишар, мен бўлсам, уйланган, фарзандли одам, солдат шинелида охирги партада бирор нарса ўқиб ё ёзиб ўтирардим». Ёши катталиги учунми ё бардоши, интилиши маъқул келдими, ўқитувчиликка олиб қолишди, жисмоний тарбия, ҳарбий таълимдан дарс беришди. Рўзғор бир нав ўтадиган бўлди, лекин тагзамини бўшлиги, илми камлигини сезиб, кўнгли тўлмади, изн сўради. «Ўйлаган ўйим ўқиш бўлиб қолди. Бир уйчадан жавон ясаб, китоблар териб ташладим. Челак, баъзан Самарқандга бориб янги китоблар олиб келардим. Кечаю кундуз мук тушиб ўқийман. Тўй-маъракага ҳам бормай қўйдим. Ёзда ҳаётҳайт деб Тошкентга йўл олдим. Пединститутнинг тил ва адабиёт факультетига ҳужжат топширдим. У вақтларда, адашмасам, еттита имтиҳон топширишаркан. Олтита «4», битта «5» олибман. Бир соат ҳам дарс қолдирмаганман. Эллик тўққизинчи йили битириб чиқдик.

Баҳром Саматов ўттиз йилча ёш бўғинга сабоқ берди, кўп йил илмий мудирлик қилди. Ўзи яхши кўрадиган таъбир билан айтганда, юзлаб, минглаб ёш ниҳолларни парвариш қилди, улар ҳозир катта, мевали дарахт — олим, педагог, шифокор, ижодкор, агроном — бўлиб етишишди. Лекин боғбони ўша-ўша, оддий, камтар, заҳматкаш, ўз ишининг фидойиси; зеро, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвони ҳар кимга ҳам раво кўрилавермайди.

— Олтмишинчи йилларнинг охирига бориб соғлиқнинг мазаси қочди. Тез-тез докторларга учрайдиган касалхоналарда даволанадиган бўлдим. Бир қўл, бир оёғим яхши ишламай қолди. 2-гуруҳ ногиронлигига ўтказишди, икки ярим йилча касаллик варақаси бўйича ҳақ оладиган бўлиб турдим. Миянгиз қаттиқ чарчаган, кўпроқ жисмоний иш қилинг, дейишди. Колхозимиз раиси Тойир Маҳмудовга маслаҳат солдим: ота-бобомиздан қолган, эски қишлоғимиз ўрнидан ер ажратиб берсангиз. Раҳматли дарҳол рози бўлди, мажлисга солди: бунақа ташландиқ, чивинлар маскан қурган жойни обод қилганнинг савобига нима етсин. Ўттиз сотихдан кўп ер ажратиб беришди, кейин Сайдулла Бойзоқов раис вақтида яна анча қўшимча жой ажратилди. Қайси раҳбарга учрамай, барака топсин, райимни қайтаришгани йўқ. Сайдулла Бойзоқов, Ҳамзулла Бойзоқов, Тинчлик Азимов, Азим Ғаффоров, худо раҳмат қилгур Карим Ғаффоров... нима десам, бажонидил деб туришди. Бу ҳам одамга куч, илҳом бағишларкан. Ҳар куни, ишдан кейин, дам олиш кунлари чангал тозалайман, тўнгак ковлайман, ер чопаман, дарахт экаман, суғораман. Отамнинг арвоҳи шод бўлсин дейман-да. Тошкентдан, Ботаника боғидан катта чамадонга босиб атиргул кўчати олиб келдим, наъматакка пайванд қилувдик, антиқа бир гулчикди, кўп одам, кўп ташкилот олиб кетиб экди, сўровчи кўпайди. Қаровсиз жойга сон киргани сари, худонинг кароматини қаранг, соғлигим ҳам ўнгланиб борди. Касалликнинг кўпи, мен сизга айтсам, тер билан чиқиб кетар экан. Мен билан касалхонада ётганларнинг анчаси, худо раҳмат қилсин, оламдан ўтиб кетди. Шифокорлар баъзи беморларга ҳазиллашибми, ростданми, Баҳром акадан маслаҳат олинг, деб юборишар экан. Астойдил меҳнат қилинг, қора терга ботиб ишланг, кўп овқат, уйқу, қорин—кони зарар дейман. Амбулатория ҳовлисида ёғоч тахтачаларга «Беморга малҳам бағишла, чорасиз қолганда нажот бағишла» каби ҳикматлар чиройли битиб қўйилган. Ушбу битикларни танлашда Баҳром ака иштирок этганми-йўқми билмайман, лекин улар шифокорларнинг бурчи, вазифаси, жангчи, ўқитувчининг ботиний дунёсини аниқ-таниқ ифодалаб турибди.

Шифокорларнинг айтишича, Баҳром ака ҳар куни бир-икки марта хабар олиб турар, ўтин-чўпни ўзи етказиб берар (ҳали газ ўтганича йўқ), ремонт лозим бўлса, раҳбариятга учраб тезлаштирар, лекин бирор марта ҳам соғлигидан шикоят қилиб кирмаган экан. Мана, ёлғон бўлса, ўзларининг юзи. Баҳром аканинг ним табассумидан соғ одамга Суқротнинг кераги йўқ деган маъно ўқдик.

Бўлғуси санаторий ҳақида гап кетди. «Баҳаво, обод жойга шу нарса қурилиб қолса янаям обод бўлиб кетармиди, — дейди Баҳром ака. — Беморларнинг соғлиги тикланарди ҳам кўп киши ишли бўлиб қоларди. Районимиз бош врачи ҳатто лойиҳасини ҳам чиздириб қўйган, менга кўрсатди, икки қаватли, кўркам бино, ҳамма нарсаси бўларкан. Ҳатто анча-мунча пул ҳам топиб қўйганман, тархи, тагзамини биздан, кўтариши сиздан дейди ҳазиллашиб. Замон бунақа алғов-далғов бўлиб, нарх-наво сапчиб кетиб, сал сурилиб турибди-да. Мавриди келиб тезлашиб кетар. Бўғимиз кенгайиб, даромади ҳам кўпайиб бораяпти. Мана, ўн гектарли янги боғ ҳам ҳосилга кириб қолди. Харажатидан қийналмаймиз». «Амбулаторияни амакимиз қурганлару раҳматнинг кўпини биз эштамиз, — дейди Саодатхон. — Катта-кичик бу кишидан миннатдор». «Баҳром ака узоқни кўзлаб иш тутадиган, режали, пухта одам, — давом этади амбулатория бош врачи Валихон Акобиров. — Ҳалол меҳнат қилиб пул топган одам сарф қилишни ҳам билади. Ҳаром пули кўп одам боши қотади қандай яширишни, қандай алмаштиришни ўйлаб. Амбулаториямизни, кутубхонани эшитиб Тошкенту Москва, Самарқанду узоқ-яқин районлардан меҳмонлар келиб туришади. Айниқса, журналистлар кўп келишади. Довруғини эшитиб, ўзини танимаган баъзилар секингина «Бу одамнинг фарзанди борми?» — деб сўрашади. «Баҳром ака, Улжон аянинг тўққиз фарзанди, йигирмадан ортиқ невараси бор», — дейман тагдор саволга баралла жавоб қайтариб. Ўғиллари Акром — механизатор, Нурилла — доктор, Равшан Афғонистонда, Илҳом Екатеринбургда хизматда бўлди; қизлари Гулчеҳра, Ойболқи, Шоира келин бўлиб тушган, колхозчи, ўқитувчи, фельдшер, Ойдин — кутубхоначи, СамДУ филфагида сиртдан ўқийди, Дилдора бу йил ўнинчини тугатди. Эшитиб, ҳайратга тушишади, ихлоси ошади».

ОЛМАНИНГ ТАГИГА ОЛМА ТУШАДИ. Қуш уясида кўрганини қилади. Фарзандлари бари меҳнатсевар, камтар, бардошли бўлиб ўсди. Ўғиллари ер ҳайдаш, суғориш, қизлари ягана, ўтоқ, йиғиш-теришда ота-онасига ҳамкору ҳамдаст. Нурилла докторликка кўнгил қўйди. СамМИга боради — қайтиб келади, боради — қайтиб келади. Тайёрлов бўлимини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, саккизинчи марта ҳужжат топширгач, кирди, битириб чиқиб ишлаяпти. Меҳнатдан қочмайди. Бир сафар уйларида ишлаётиб, бошига ғишт тушиб кетиб икки ойча даволаниб ҳам чиқди. «Давлат қурилишидагина эмас, ўз уйингдаги ҳашарда ҳам техника хавфсизлигига риоя қилиш керак экан» — дея ҳазиллашиб юрди кейин. Телевизор Афғонистондан дилбузар, ваҳимали лавҳаларни кўрсатганда, эр-хотин, Равшанни ўйлаб, тескари ўгирилиб олишар, ая пиқ-пиқ йиғлар, ота кўзлари намланганини яширарди. Икки йигит Самарқанддан олиб келиб қолишганда суюнчига икки юз сўм пул беришди, машинасига қўй солишди, элга тўй қилиб беришди.

Уйлари оддий, беҳашам, лекин ораста, яшашга қулай... Асосий эътиборини уйига эмас, амбулатория, кутубхонага, меҳр-шафқат йўлига қаратган, сарф-харажатни ҳам шунга яраша тарқатган киши соддами ё ақлли, пишиқми ё сахий? Бу энди баҳо берувчининг феъли, дунёқараши, ўлчайдиган гази, кўмочига боғлиқ. Емай, ичмай, беҳисоб дунё орттириб, сўнгги дақиқаларда фарзандларига бир сўз демай, пойгакка тикилганча жон таслим қилган чол ҳақида эшитгандим. Аввалига ҳайрон бўлишади. Кейин пойгакни ковлашса, бир хум олтин чиққан экан. Ҳаром-ҳаришдан орттириб миллионлар йиққан бир одам ҳақида, умри узоқ бўлсину, лекин нафаси узилиши билан, жасади совимай фарзандлари мерос жанжалини бошлаб юборади, дейишади. Пайариқ, Челак районларида ҳам аввалларги пинҳона миллионерлар ҳақида панада шивир-шивир қилишарди, энди эса, кимнинг қанча пули, дунёси борлиги, қай йўл билан топганлиги, топаётганлиги ҳақида яширмай, ошкора айтишади, улар бир эмас, бир неча боғча, мактаб, касалхона, ҳаммом қуришлари мумкин, хоҳлашса, албатта. Лекин лоақал кўприк, сартарошхона қурганини эшитмадик....

Бир йили СамМИ талабалари Пайариққа пахта теришга келишди. Институт раҳбарлари бир-икки марта, кечқурунлари қўярда-қўймай Баҳром акани учрашувга олиб боришди, у ҳақдаги ярим соатлик кинони кўрсатишди, шаънига кўп илиқ гаплар айтишди. Боғбон таомилга кўра, қисқа нутқ ирод қилди, миннатдорчилик билдирди, режаларим — кинонинг охиридаги гап — бир кутубхона қурсам, кейинчалик, худо умр берса, санаторий қуришни мўлжаллаб турибман, деди. Дил тўридаги муддао тилга чиқди. Айтилган гап — отилган ўқ. Ишга киришилди. Энди бир кутубхонаки, кўрингу ҳавас қилинг, 53 минг сарф бўлган (ҳозирги ҳисобда ярим миллиондан ортиқ). Бошқа жойни айтолмаймизу, Пайариқ, Челак районларида бунақаси йўқ. Узоқдан салобатли бўлиб кўзга ташланади. Пештоқида Алишер Навоий расми, кираверишда, амбулаториядаги сингари, ёзув бор: «Ушбу кутубхона Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Саматов Баҳром аканинг шахсий жамғармаси ҳисобига қурилган». Киришингиз билан, чап томонда, кутубхонадан фойдаланиш қоидалари ёзилган. Уйга ҳам китоб бериш мумкин. Йўқ китобларни бошқа кутубхоналардан ҳам сўраб олиш мумкин. Ойнаванд тахтада янги китоблар териб қўйилган. Тўрда болалар бўлмаси. Амбулаториядаги келган аёлларнинг болалари ўйинчоқлар ўйнашади, рангли китоблар кўришади, расм чизишади. Боғчалардан болалар ҳам келиб туради. Ўқув залида истаган китоб, газета, журнални олиб ўқишингиз мумкин. Ўқувчилар дафтарчаси орасидан Баҳром Саматовникига кўзим тушди: қайси куни қайси газета ё журнални олгани, қачон топширгани ёзилиб, имзо чекилган. Ҳайрон бўлдим: ўзининг кутубхонаси бўлса, хоҳлаган нашрни олиб қўлтиқлаб кетаверса бўлади-ку, қизига айтса ҳам бўлади — уйга келтириб беради. Йўқ. Баҳром акадаги интизом, саристалик, бошқалар меҳнатига ҳурмат, томчида қўёш акс этгани сингари, ушбу деталда ҳам яққол кўриниб туради. Кутубхоначи қизлар — Лола Холбоева, Ойдин Саматованинг айтишича, ҳозирда 10.000 дан ортиқ китоб бор: бадиий асарлар, тиббиётга ва бошқа соҳаларга доир адабиётлар. Китобларни, асосан, Самарқанд китобсеварлар жамияти тақдим этган. Райондаги айрим кутубхоналар ҳам ўз улушини қўшган. Баҳром ака қирқ йил давомида йиққан китоблар, турган гапки, бу ерга ўтган. Кутубхонада тикувчилик тўгараги ҳам ишлаётган экан. Хотин-қизлардан ўн беш киши бичиш-тикишни биноийдек ўрганиб олишибди, буюртмалар кела бошлабди.

Бу ишлар, қурилишлар ҳаминдан қил суғургандек силлиқ бўлгани йўқ, албатта. Ғайирлик, кўролмаслик, ёзишмалар ҳам бўлди. «Бир хил одамлар бор, ўзлари қилолмайди, қилганни кўролмайди», — дейди куюниб Баҳром ака. — Бир йили, Қудрат Қўзиев район пиллачилик идорасининг бошлиғи бўлган кезларда, ундан беш кило тут уруғи олиб, ярим гектарча жойга эккандим. Кўп кўчат бўлиб кетди, бу жонивор тез ўсар экан. Келгуси йили бундан ҳам кўп бўлди. Тут тақчил эмасми, сўраб, суриштириб, олиб кетадиганлар кўпайди. Тийин-тийиндан ҳам пул кўпайиб кетар экан, колхоз чўнтаги анча қалпайиб қолди. Билмайман, шунда 60 сўм ойлик чиқармиди. «Нега, сиз шунча гул, кўчат етиштирасизу манфаат кўрмайсиз, — дашном берди кимдир, — қонуний ҳаққингизни талаб қилиб олмайсизми?». Облшёлкка бориб талаб қилмадиг-у, сўраган эдик, 37 фоизини олишга ҳаққи бор деб қоғоз беришди. Бошқарув мажлисига қўйишувди, даромаднинг катта қисмини ўпириб кетади, 22 фоизи бўлсин, дейишди. Майли дедик, индамадик. Ҳисобчимиз, худо раҳмат қилгур, Мажит ака Раҳмонов чўтга солувди, ўн мингдан кўп пул чиқди, у вақтда бу катта пул эди. Кимдир, Саматов бухгалтер билан тил бириктириб, кўп пул ўзлаштириб олди, деб ёзган экан. Бир куни идорага чақириб қолишди. Самарқанддан уч-тўрт киши келган экан, қўрқишлари жиддий, қовоқлари солиқ, Облпрокуратурадан дейишди, Мажит акадан ҳамма ҳужжатларни олиб, машинани багажига солиб қўйди. Қани, кўчатларингизни кўрсатинг дейишди.

Машинада икки кишини қўшиб юборди. Келдик. Тут ярим гектар жойда тиралиб ўсиб, одам бўйи бўлиб қолган эди. Келганлар аввал ҳайрон бўлишди, кейин чеҳраси очилди. Қайтдик. «Ким ёзган бўлса ғирт ёлғон, туҳмат, — дейишди. — Тут кутганимиздан ҳам кўп экан». Прокуратурага борганимизда узр сўраб, ҳужжатларни қайтариб беришди...

БАҲРОМ САМАТОВ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ХЎЖАЛИК аввал «Коммунизм» деб аталарди. Тубсиз хаёл, ширин алдовдан иборат бу тушунчада тарқидай жон бўладиган бўлса, Баҳром аканинг жаннатмакон маскани — коммунизм. Бу ерда меҳнат ҳаётий эҳтиёж ҳисобланади, егулик, озиқнинг деярлик ҳаммаси етиштирилади, сўлим боғда рангоранг гуллар муаттар ҳид таратган, дарахтларда булбуллар хониш қилган, ҳовузда балиқлар ғужғон ўйнаган. Йирик хўжалик иккига бўлиниб, бири «Янгиобод», иккинчиси «Навбаҳор» деб аталa бошлади. Ният қилган олим, ёзувчи, журналистлар китобларини, икки энлик дастхат битиб, Самарқанд вилояти, Пайариқ райони, «Навбаҳор» жамоа хўжалиги, йигирманчи сон кутубхонага деб юборишларини сўраймиз. «Навбаҳор» ўрнига адашиб «Баҳромобод» деб ёзилса ҳам, адашмай келишин тайин. Ўзи «Баҳромобод» деб ном қўйишса ҳам бўларди. Сизни билмадим-у мен юрт назари тушган, эл меҳрини қозонган, оддий, фидойи, Ҳазрати Инсонлар шаҳсига сиғиниш, кўзи тиригида номларн абадийлаштирилиши тарафдориман. Не-не улуғлар, доҳийлар оддийлик даражасига тушиб қолганда, оддийлар улуғлик шоҳсупасига чиқса нима қипти. Баҳром Саматов улуғликка номзод, лойиқ оддийлардан. Баҳром ака боғига агрономликка, деҳқончиликка ўқиётган талабалар бир кунлик экскурсияга, очиқ дарсга келишса ҳам аудиторияда ололмаган билимларини олиши тайин. Яна, Янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалик фанлари академиямизга янги бир фахрий академик тавсия этмоқчиман: Баҳром САМАТОВ.



СУРАТДА: Баҳром Саматов амбулатория шифокорлари билан.

МУАЛЛИФ сурати

МИЛЛАТГА ХИТОБ

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНИМИЗГА бор-йўғи бир йил бўлди. Унинг меваси энг аввало адабиётимиз руҳиятида кўриниб, у эркин, дадил, беҳавотир ва айниқса рост сўзлай бошлади. Ҳалима Худойбердиева бир журналист билан қилган суҳбатида «Биз ҳар доим айтиб келаётган гапларимизни илгаридай қимтиниб, йўл қидириб эмас, энди ошкор, баралла айтаяпмиз. Бу жуда катта гап. Бу тўлиқ маънода ростликка олиб бораётган йўл. Бу кўп кўнгилзадаликлар, тўғри гапнинг тўқмоғидан эзила-эзила гунг бўлиб, «ичимдагини топ» бўлиб қолган кўпчилик одамларимизнинг тилини чиқараётган, фикрлашга ўргатаётган фасл», дейди. Худди шу ҳаққонийликни ва мутафаккирликни Ҳалима Худойбердиеванинг сўнгги шеърлари ва публицистик мақолаларида равшан кўриш мумкин. Шоранинг «Ҳимоя сўзи» («Шарқ юлдузи», 1991 йил 6-сони) «Юрагида арслон қишлайди, Туркистоннинг оналарини...» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил, 10 июль) каби туркум шеърлари ва «Юрагимнинг оғриқ нуқталари» (1991) номли публицистик китобида бир қалбнинг икки шаклдаги ифодаси ётади.

Одатда сўз санъати улуғ тарихий бурилишлар, руҳий инқилоблар даврида халқнинг, миллатнинг тақдири, кетаётган йўли, маънавий камолоти ҳақида ва миллатнинг, жамиятнинг баркамоллигига монелик қилиб турган қусурлар тўғрисида куюниб, кескин ва очиқ-ойдин фикр юритади. Алишер Навоий даврини ёки асримизнинг бошидаги адабиётимизни — Беҳбудий, Ҳамза, Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар ижодини эслайлик. Бу йўналиш ҳозирги адабиётимизнинг бутун вужудини қамраб олган. Гулчеҳра Нуруллаева «Шеърим — ҳабибим» туркумидаги ҳаққоний ва жасур шеърларидан бирида «Кимман ўзи?» деган савол қўйиб, жавоб айтади. Ҳалима эса бир мақоласида «Биз киммиз ўзи, қаёққа кетаяпмиз?!» деган муаммога ўз муносабатини билдиради. Ҳалима халқимиз Беруний ёки Ибн Сино, Улуғбек ёки Навоийни берган, деб мақтанмайди. Бу — босиб ўтилган йўл. Шу ибора олинган «Туркистоннинг оналарини...» шеърида яна «Яссавийнинг оти ўстирар» деган мисра бор. Улуғ зотлар йўли фақат намуна, руҳи мададкор бўлиши мумкин, эндиги авлод улар йўл-йўриғини такомил эттириши, орзу-армонини рўёбга чиқариши лозим. «Тиловчиман...» шеърида «Амир Темур йўлларидан йўловчиман» ва «Умид» шеърида «Бобонгдан болангни бир қадам энди ўздирган кунингни кўрармиканман» деганида худди шу нуқтада туриб фикрлайди. Дарвоқе, Ҳалиманинг «Ўз соғинадиган шоирлари, қаъбалари бор», Шулардан бири, ҳозирги пайтга келганда шоира учун олдинги ўринга чиққани Яссавийдир. Шоранинг Яссавийга эътиқоди шеърларида, публицистик мақолаларида унинг номини тез-тез такрорланишида ёки қуйидагича кўчирмаларнинг учрашида эмас:

«Бой ҳам бўлдинг
бийдай-бийдай,
Фақат... юрт чироқсиз
уйдай»,
Деб тупроқда Яссавийдай
Қўнғироқлар йиғлагай!

Ҳатто Ҳалиманинг талайгина шеърларининг оҳанги Яссавий шеърияти пардасига солинган:

«Дунё меники» деб санаб
юрганлар,
Ўғрини қароқчи бўлиб
қирганлар,
Шароб омонат деб ўзин
урганлар,
Бошларин чангаллаб
карахт кетдилар.

(«Бу шаҳд»)

Йўқ, шоира шеърларидаги яссавийона руҳ катта, жиддий нуқталарда кўринади. У имон бутунлиги, маънавий поклик ва баркамоллик ҳақида, инсон ва жамият камолотига ҳалал берувчи иллатлар — ғафлат ва жаҳолат ҳақида, нафс ва бойлик қурбонлари, маҳаллийчилик ва бирлашиш, Турон тақдири ҳақида фикрлайди. «Биз халқни кўзлаган ёруғ мазилларимизга фақат шу маънавият йўли орқалигина олиб ўтишимиз мумкин», дейди шоира қайта-қайта. Шоира ўз «юрагининг оғриқ нуқталари» ҳақида — Ўзбекистоннинг талон-тарож этилиши, халқнинг қашшоқ ҳолга келиши, хотин-қизларнинг оғир қисмати, болалар ўлими, йигитлар ногиронлиги ва ҳоказолар тўғрисида ўртаниб, ёниб сўзлайди. Шоранинг бир суҳбатида «Бировнинг гамидан йиғлай оладиган одамдан умид қилса бўлади», «...аввало шу халқнинг ёзувчиси йиғлаши керак», «Фиғону фарёдларимиз билан халқнинг қотиб бораётган кўксини юмшатишимиз, жаҳолатнинг олдини олишимиз керак эди», «адабиёт оғоҳ этувчи куч»дир, деган

ЧИНГИЗ АҲМАРОВНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ЧЕҲРАДАГИ НУР

РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА



ЯҚИНДА КЎЧАДА КЕТАЁТИБ, тасодифан таниқли мусаввир Чингиз Аҳмаровни учратиб қолдим. У киши қулоқлари оғирлиги сабабли, овозларни кучайтириб берувчи асбобларини устага топшириб қайтаётган экан. Бироз суҳбатдан сўнг у киши мени устахоналарига таклиф қилдилар. Жон деб рози бўлдим. У киши мени театрда ишлашимни билиб, йўл-йўлакай театрдаги аҳвол, истеъдодли ёш актёрлар ҳақида сўрадилар. Суҳбат давомида, ўз вақтида у киши Шукур Бурҳон билан шифохонада бир вақтда даволанганлари, буюк актёр билан бўлган мароқли суҳбатлар ҳақида завқ билан сўзлаб бердилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, чеҳраларидан доимо нур ёғилиб турувчи ажойиб инсон, ўзбек мусаввирларининг отахони Чингиз ака Аҳмаров зиёлиларимиз орасида ва умуман халқимиз орасида алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор санъаткор. У киши камтар ҳамда ўта хоксор инсон. Ана шу ҳурмат-эътиборга у киши аввало ўзларининг ноёб истеъдодлари, санъатдаги хизматлари эвазига эришган. Гап билан бўлиб устахонага келиб қолганимизни ҳам сезмай қолибман. Бундай эсласам, бундан роппа-роса ўн йил олдин— бу ерга Чингиз акани олтмиш беш ёшлари билан муборакбод этиш учун келган эканман. Ҳозир эса, у киши етмиш беш ёшни қаршилаб турибдилар. Шу муносабат билан у кишининг шахсий кўргазмаларига тайёргарлик кетаётибди.

Ижодхонага қадам қўйдик. Ижодхона деганда мен шундай бир жойни тушунаманки, у ер турли нопокликлардан, нокасликлардан холи бўлиши билан бирга, эзгу-мақсадларнинг, гўзал ва дардчил фикрларнинг туғилиши ҳамда камол топиши билан муқаддасдир. Мўъжазгина бу хонанинг тўрт томонида расмлар. Улар орасида қиёмига етганлари билан бирга, эндигина сайқал топаётганлари ҳам бор. Хомаки расмлару, қораламалар тахлам-тахлам. Бу ерда чин маънодаги санъат, яъни сиёсат дахл қилмаган санъатнинг ҳақиқий нафаси уфуриб турибди. Рассомлар ҳаётига, турмушига аралашиб юрмаган киши бу ерга келиб қолса, кўзига бу манзара тўзиганочилган бўлиб кўриниши мумкин. Мен учун эса буларнинг ҳаммаси табиий, одатдаги ҳолдир. Дастгоҳда эндигина дунёга келган, тугалланиш арафасида турган Нодирабегим ва Умархонларнинг айни ёшлик пайтлари бутун бўйи билан тасвирланган. Ёнида эса, ана шу асарлар учун тайёрлов чизгилару, қўшимча суратлар териб қўйилган. Устахонадаги ҳар бир асарда ранг танлаш, композиция ечими, расмлар қурилмаси, ҳамма-ҳаммаси Аҳмаровчасига. У кишининг бирор бир асарини бошқа бировларники билан адаштириш мумкин эмас. Чингиз ака қадимий мўъжаз расмлар (миниатюра) услубидан бориб, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб анъаналаридан келиб чиқиб, ўша миллий, шарқона услубни маҳобатли санъат турида қўллаб, ўз йўлини, ўз услубини, ўз қўшиғини яратолган.

У Ўзбекистон тасвирий санъатида янги бир саҳифа очиб берган армонсиз, бахтли санъаткордир. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермас.

Чингиз ака Нодирабегим ва Умархон портретлари устида ишлаш жараёнида бир Қўқонга айланиб келиш нияти борлиги, аммо кексалик, бугунги шароит ҳаммасига тўғаноқ бўлаётганлигини ачиниш билан гапириб бердилар. Гап орасида деворда осиғлиқ, қаламда ишланган расмга ишора қиламан (унинг кимлигини билсам ҳам). Чингиз ака маъюс тортиб, жавоб бердилар: «Бу Эркин Назаров, рассом, энг яхши шогирдларимдан бири, худо раҳмат қилсин, шу йили янги йил кечасида Оқтош тоғида эру хотин икковлари қорда қолиб, совуқдан ҳалок бўлдилар. Эҳ, ёмон бўлди-да. Жуда ажойиб йигит эди...». Ҳа, ҳақиқатан ҳам, у ажойиб йигит эди. Ажойиб рассом ҳам эди, мен уни талабалик йилларидан билардим. Бахтсиз тасодиф туфайли орамиздан ёш кетди. Афсус, минг афсус! Ундан ёдгорлик бўлиб биргина фарзанд — ўн уч яшар қизалоқ ва қанчадан-қанча санъат асарлари қолди. Ижарама-ижара кўчиб юриб, эндигина ўз кулбасига эга бўлганда... Кўп жойларда бирга ишлаган эдик. Унинг ишлари бошқа шаҳарлардаги иморатларда ҳам бор. Энди ҳаёт шунақа экан-да, илож қанча, фалокат. Ажал.

МЕНГА БИР НАРСА АЕНКИ, кўпгина санъаткорларнинг кўнгли ўта нозик, бўш, содда ва таъсирчан бўлади. Уларнинг қалби турли қитмирликлардан, қувликлардан холи, шунинг учун ҳам бўлса керакки, улар жиндай нарсадан хафа бўлишлари, турли нохушликлардан, айниқса бевақт ўлимлардан қаттиқ изтироб чекишлари мумкин.

Чингиз ҳозирланганимда устод қўярда-қўймай: «Бир пиёла чой ичиб кетинг», деб уйларига, учинчи қаватга таклиф қилдилар. Чиқдик, ўзлари чой қўйдилар, мен қўяй десам унамадилар. Атрофга разм соламан, меҳмонхоналарида китоблар бир текисда териб қўйилган, расмлар ҳам бор. Ойнаванд айвонда эса, рўзномаю ойномалар пастдан шифтгача тахлаб ташланган. Ортиқча ҳашам, дабдаба йўқ. Чой қайнагунча суҳбатни давом эттириб, орада қоғоз-қалам олиб у кишининг расмларини чиздим. Чой қайнагани эшитилди, ўрнимдан туриб, чой дамлаб келдим. Бирга чойхўрлик қилдик. Бир қараганда Чингиз ака олами мутлақо кемтиксиз оламга ўхшайди. Худо берган истеъдод, меҳнатсеварлик, нуронийлик, унвон, ҳурмат-эътибор, бир сўз билан айтганда, у кишининг ҳаёти бошқаларга ибрат бўла оладиган энг бахтиёр инсон деган гап. Аммо ана шу энг бахтиёр инсон хонадонида, беихтиёр битта етишмовчиликни аниқ ҳис қилгандай бўлдим, у ҳам бўлса аёл ўрни. Шу пайтгача эркак бор жойда аёл ўрнининг нақадар зарурлигини бунчалик теран идрок этмаган эканман. Тақдир тақозоси билан Чингиз ака айни қирчиллаган йигитлик чоғларида ўз жуфти ҳалоллари, бебаҳо истеъдод эгаси бўлмиш Шамсирўй Ҳасановани тупроққа топшириб, ўшандан бери танҳоликда умргузаронлик қилиб, бутун қалб қўрини санъатга, гўзалликка, ижодга бахшида этиб келадилар. Ёшликда билинмайди, умр ўтиб кетаверади. Худди ана шу пайтларда, яъни инсон кексаликни бўйнига олгандан кейингина, меҳру-муҳаббат аталмиш муқаддас суянчиққа чинакамига эҳтиёж сезади. Улуғ Навоийнинг «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб тупроққаму кетгумдир охир» деган бебаҳо сатрларини ўз умрининг бош мазмуни ҳисоблаган мусаввир, ўз вақтида қанчадан-қанча ёш санъаткорларга меҳр улашиб, улардан бебаҳо вақтларини аямаган зотнинг бугунги аҳволи кўнглимни ўртаб юборди. Бунга, биз ёшлар ҳам айбдормиз. Ваҳоланки, у киши шунча гурунг давомида чеҳраларидан кексаларга хос табассум балқиб, бирор нарсадан нолимадилар ҳам, шикоят ҳам қилмадилар.

Бу ерда мен устоднинг ижодий фаолияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмадим. Ўйлайманки, бунга ҳожат ҳам йўқ. Чунки у кишининг қанчадан-қанча асарлари ҳеч қандай тарғиботташвиқотсиз ҳам шуҳрат топган. Аллақачон халқ мулкига айланиб бўлган. Биргина «Етти гўзал» («Ҳафт пайкар») туркум суратлари миллий маданиятимизга бебаҳо хазина бўлиб қўшилганлигини эслашнинг ўзи кифоя. У кишига бағишлаб шеърлар битилган, шоир Абдулла Ориф акамиз Чингиз акани учар юлдуз (комета)га ўхшатган эканлар. Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтишим керак: бизда санъат ва маданият тарғиботининг аҳволи яхши эмас. Бунинг асосий сабаби бу соҳа назариётчилари орасида миллий мутахассисларнинг етишмаслигидир. Ахир, Чингиз оға Ахмаровнинг биргина Сочи шаҳридаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ишлаган деворий суратлари, Тошкентдаги метронинг Алишер Навоий шоҳбекати безаги, яна қанчадан-қанча маъмурий ва маиший бинолар деворларидаги маҳобатли суратлар ҳақида алоҳида-алоҳида бир китоб ёзиш мумкин.

Ўйлайманки, уволу-савобни ўз умрининг бош мезони ҳисобламиш аҳли мусулмон орасида бир-бирларидан меҳру-муҳаббатни дариғ тутиш ёки ундан бенасиб қолиш ярашмайдиган ҳолдир. Аччиқ бўлса ҳам айтишим керакки, кўпчилигимиз бўш вақтларимизда турли-туман кўнгилочар гўшаларга боришга, тўй-ҳашамларгаю, расмий тадбирларга иштирок этишга вақт топамиз. Ўз устозларимизни ҳеч бўлмаганда бир мартагина бўлса-да зиёрат қилишга вақт тополмаймиз. Шуни унутмаслик керакки, бу дунёда мансаб ҳам, унвону нишонлар ҳам инсоний меҳр-оқибат туйғулари олдида ўткинчидир. Менинг ушбу сатрларимни санъатдаги дўстларим, айниқса Чингиз аканинг шогирдлари зинҳор танқид, панду насиҳат ва танбеҳ ўрнида қабул қилмасликларини истардим, зеро, диёнат юзасидан ҳар ким тегишли хулосага келар...

ЯРАТГАН ҲАММАМИЗНИ Чингиз аканинг ёшларига етказсин. У кишидаги барча бебаҳо хислатлар ҳаммамизга насиб этиб, бахту саодатимизнинг асосига айлансин! Бебаҳо инсон ва бетакрор санъаткор Чингиз Аҳмаровга қутлуғ ёшлари муборак бўлсин!

Бобониёз ҚУРБОН,
рассом



— Ўзбек дўпписи — дўстлик рамзи, — дейди Ўзбекистон республикаси Давлат кинокомпанияси ранси Хайрулла Жўраев. **Є. МАҲКАМОВ суратга олган**

ИЖОДКОР ДАРДИ

Республика рус ёш томошабинлар театри қошидаги «Дард» ўзбек театр труппаси Наби Абдураҳмонов раҳбарлигида Қоҳирада ўтган IV Ҳалқаро экспериментал театрлар фестивалида иштирок этиб қайтди. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз режиссёр ҳузурида бўлиб, у билан суҳбатлашди.

— Наби ака, фестивалга бориш сизлар учун тасодиф бўлдими ёки аввалдан режалаштирилган эдими?

Н. А: — Очиғи шундай фестивалда қатнашишни биз анчадан буён орзу қилардик. Шуни айтиш керакки, бунга биз фақат меҳнатимиз орқали эришдик.

— Фестивалнинг номланишига қараганда, унда фақат экспериментал театрлар, қатнашган, шундайми?

Н. А: — Йўқ, бундай эмас. Масалан, Арабистондан 6 театр қатнашган бўлса, уларнинг тилида «тажриб», яъни тажриба экспериментал театрларидан ташқари, профессионал театрлар ҳам бор эди.

— Айтинг-чи, Қоҳира томошабинлари спектакларингизни қандай қабул қилишди?

Н. А: — Биз фестивалда «Зўраки табиб» ва «Юлдуз тўла осмонда» деб номланган иккита спектакл билан қатнашдик. Аввало, улар билан динимиз бир бўлгани учун, бизни «муслимлар» деб жуда сийладилар. Қолаверса, томошабинлар билан янада яқинлашиш мақсадида актёрларимиз баъзи жумлаларни араб тилида айтдилар. Хуллас, бизни яхши қабул қилишди.

— Қоҳирада театрга муносабат қандай экан?

Н. А: — Тўғриси, уларга қараганда, бизда театрга муҳаббат катта. Бу борада улардан олдинроқдамиз, десам хато қилмайман.

— Режиссёр сифатида фестивалда кимларнинг спектакллари сизга маъқул бўлди?

Н. А: — Менга венгерлар билан французларнинг спектакллари жуда ёқди. Венгерлар мусиқа ва чироқлар орқали, французлар эса буюмлар орқали ўз ғояларини ифодалашга муваффақ бўлганлар. Саҳнада бирорта актёр кўринмайди. Кучли эстетик тарбия оладиган спектакллар.

Умуман, фестивалдан жуда катта таассурот билан қайтдик. Бир нарса менга бироз оғир ботди. Мустақилликка эришган Ўзбекистонни жаҳон мамлакатларидан кўпчиликлари билмас экан. Бизнинг бу фестивалга қатнашишимиз Ўзбекистонни кўп мамлакатларга танитганидан ҳурсанд бўлдик. Улар ҳатто ўз юртларига таклиф қилдилар. Масалан, швейцариялик фанлар доктори Фатдил Жафар, мисрлик доктор Яҳё театримизни ўз шаҳарларига гастролга таклиф этишди.

— Ижодкор дард билан яшамаса, унинг ижоди самарали бўлиши қийин. Мен сизни дардли ижодкорлардан деб биламан. Буни сиз раҳбарлик қилаётган театрнинг «Дард» деб аталиши ҳам айтиб турибди. Айтингчи, ҳозирда сизни қийнаётган нарса нима?

Н. А: — Бизнинг ўзбек санъатимизда ҳозир катта ижодий куч бор. Уларга эркинлик бериш керак. Агар шу эркинлик сиқиб қўйилса, миллий санъат ҳам йўқолиши мумкин. Айниқса, жанрларни кескин ажратиш керак эмас, деб ўйлайман. Санъат ривожига иқтисодий қийинчиликлар таъсир этмаслиги зарур. Театр фестивалларини кўпайтириш лозим. Яқин кунларда пойтахтимизда «Араб ва Осиё мамлакатларининг ҳалқаро Истиқлол фестивали» ўтиши мени жуда қувонтирди.

Матлуба КОМИЛОВА
суҳбатлашди

Ўз авлодларини, ўз қадриятларини унутган халқ ўзлигини йўқотади. Ҳукмронликка ўрганганлари эса қўл остидагиларнинг фақат моддий бойликларигагина эмас, маънавий бойликларига ҳам ёвузларча чанг соладилар. Давримизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов «Асрга татигулик кун» асарида бу ёвузликни манқуртизм деб атади. Ва уни қораради. Бу айниқса урушқоқликка ўрганган, бировлар ҳисобига яшашга одатланган ва албатта, ҳарбий қудратга эга бўлган халқлар тарафидан содир бўлади. Халқнинг маданияти унинг катта-кичиклигига қараб белгиланмайди. Шундай кичик халқлар борки, ўзининг буюк зотлари билан дунё маданиятида тилга олинадилар. Аввало, биз кичик халқ ҳам эмасмиз, маданиятимиз ҳам кичик эмас. Аммо бизни ўз маданиятимиздан четлаштиришмоқчи бўлишди. Фақат моддий бойликларимиздан эмас, маънавий бойликларимиздан ҳам маҳрум қилишга уриниб кўришди.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ

РУҲ ВА ҚУВВАТ ШУЪЛАСИ

БОБУР АВЛОДЛАРИ ТАЪРИФИНИ БИРИНЧИ БОР Ҳиндистонда эшитганман. Амур Темур ҳақида Европада аллақачонлар зўр санъат асарлари яратилган.

Совет тузуми бизни нафақат улуғ зотларимиздан, ўз туғишган авлодларимиз ва ҳатто ота-оналаримиздан ҳам тонишга мажбур қилди. Шундай даврлар бўлдики, таржимаи ҳолимизни айтишда ё ёзишда фахрланса арзийдиган ота-боболаримиз касбкорларини яширишга тўғри келди. Хон, бек, ҳожи, хўжа қўшимчаларини айтиш хавотирли бўлди. Эндиликда ўзлигимизни аён этиш даври келган экан, мен бор имкониятдан фойдаланиб авлодларим ҳақида қисқа қилмоқчиман.

Мен сўз юритмоқчи бўлган кимсам яхшиният билан чет элга ўқишга кетиб, бир умр Ватан тупроғи ва қавму қариндошларига зор бўлиб ўтган амакимдир. Аслини олганда, икки амаким 1922 йили ҳукумат йўлномаси билан Олмонияда илм олиш учун бир неча тенгқурлари билан жўнатилган. Бу ҳақда 1990 йили «Ёш куч» журналида қисқа маълумот берилган эди. Унгача баъзи маълумотларни академик Обидхўжа Акромхўжаевдан эшитган эдим. Бу олимимиз 70-йиллари Туркияда бўлиб ўтган нефтчилар анжуманида бу мамлакатда асли тошкентлик, кўмир соҳасининг таниқли мутахассиси истиқомат қилишини эшитади. Аммо танишишга журъат этмайди. Чунки у пайтлари чет элликлар билан гаплашиш фақат рухсат билангина бўлур эди. Бунинг устига биздан кетганлар «сотқин» деб ҳисобланиб, Шунга қарамай, нефтчи олимимиз кўмирчи олим билан учрашишни орзу қилади, пойтахтга қайтгач, Москвадаги раҳбарлари билан маслаҳатлашади. Аммо осмонимиздаги булутлар тарқала бошлаган сари улар ҳақидаги маълумотлар кўпая борди. Бу-лардан бири 90-йиллар атрофида Туркияда таҳсил кўрган Жўра қори билан учрашдик. Ул зот иккинчи амакимиз билан яқиндан таниш-ган. Ўша Мажид амакимизнинг ўғли тиббиёт олими Вали Мажидовдир. Ул амакимиз Мажид Иброҳим ҳожи ўғли эса Туркияда ўсимлик соҳаси олими.

Амакимларимиздан яна бири чет элдаги туғишганларидан хат олиб турганлиги учун қамалиб чиққанини ҳам билардим. Ўзим эса партияга киришда бул ҳақда сўроқ беришга мажбур бўлганман. Улар нега қайтиб келишмади экан, деган савол туғилса, бу саволга фақат қатағон йиллари азоб-уқубатлари эсга олинса кифоя деб биламан. Афсус, энди ўша бекилган темир дарвозалар очилганида ул амакиларимиз марҳум бўлиб кетишгани аниқланди. Ўтган йили Ўзбекистон ҳукумати делегацияси билан икки кун Туркияда бўлганимда авлодларимни излашга ҳаракат қилиб кўрдим. Фақатгина Истанбул дорилфунунида Нафосат кафедрасида мудира бўлиб ишлайдиган Гулшанхоним, яъни Вали Мажидовнинг у ердаги оналаридан сингиллари ҳақида хабар топдим. Афсус, худди шу кунларда ул жиянимиз ҳам чет эл сафарида бўлганлиги сабабли учраша олмадим. Лекин тиббиёт фанлари доктори, ўғлим Насрулло Муҳаммаджонов ва ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов Туркияга борганларида амакиларим ҳақида кўпгина маълумотлар олиб қайтишди. Айниқса, катта амакимиз Аҳмаджон қори (у ердаги номлари Аҳмаджон Оқай)нинг Туркиядаги уч ўғли ва уларнинг оналари билан учрашишди. Энг муҳими, турли расмлар билан бир қаторда амакимиз ёзиб қолдирган хатни олиб қайтишган.

Мазкур хатдаги гапларнинг кўпи изоҳга муҳтож эканини, шу боис ўзим билган воқеаларни қўшимча қилиб изоҳлашга ҳаракат қилдим. Бу хат уруш арафасида ёзилган, яъни 15 июн 1941 йилга мансуб. У киши қолдирган маълумотларнинг кўпини кўришга ва эшитишга муяссар бўлганман. Амакимиз Аҳмаджон қори «паспортимда ўнинчи октябр 1897 йилда туғилдим», деганлар. Мени дадам Муҳаммаджон қори 1892 йилда туғилган эканлар. Демак, укам деб таърифлашларида жон бор. Бувамиз Иброҳим ҳожи ўз замонасининг кўзга кўринган давлатмандларидан бўлиб, ул кишининг оталари боғбон ўтган, Аммо бувамиз ишбилармонлигидан аста-секин бойий бошлайди ва тезда Тошкентда тери фабрикасига эга бўлади. Амакимиз хатда: «Дадамнинг фирмаси чор Русияси замонидаги савдо-сотиқ палатасида Иброҳим ҳожи Каримов деб ёзилган», дейди. Шунинг давомида «Дадам жуда хайрли ишларни суйган, атрофини яхши билган, ишларини яхши идора қила олган, демократ одам эди», деб қўшимча қилади. Эсимда, бувамиз вафот этганларида фотиҳа ўқигани келганларнинг кўплари бўйниларида қолган қарзларини олиб келиб беришган эди. Ул киши жуда кўп зиёфат ташкил этиб, бўл йиғилишларда миллий ва ижтимоий масалалар ҳал этилганлиги айтилади. Ҳар йили ҳайит байрамларида муҳтож бўлган оилаларга кийим-кечак, озиқ-овқат улашганлар. Мусулмончиликда камбағалга раҳмшафқат қилишнинг қоидалари ниҳоятда мустаҳкам эканлигини кўрамиз. Ҳозир киши билмас шундай пулдорларимиз борки, ўзи ҳам емайди, бировга ҳам инъом қилишдан қизғанади. Ёки шундайлар ҳам борки, ҳузурини фақат ўзи кўради. Бу бойликлар ҳалоллик билан топилса майли эди...

АМАКИМНИНГ ЁЗИШИЧА, «Дадам ишлашни жуда яхши кўрар эди. Болаларни ҳам ишлашга мажбур қиларди. Ишламаганни суймас эди». Дарҳақиқат, у киши қулоқ қилиш йилларида ҳам на ўзлари, на болалари ҳукумат томонидан ҳеч қандай таъқиб остига олинмаган. Мулклари мусодара ҳам қилинмаган. У кишининг ўғил-қизларига, оилаларига шикаст ҳам етмаган. Фарзандлари давлат корхоналарига ишга кириб кетишганлигини биламан. Икки ўғиллари Улуғ Ватан уруши йиллари фронтда жанг қилиб бири қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Шул амакимизнинг ўғли ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовдир. Менинг падари бузрукворим Муҳаммаджон Иброҳим ҳожи ўғиллари эса эски мактабда таълим кўрган, ҳалол, пок, художўй одам эдилар. «Ҳеч кимга муте бўлма, болам. Сенга худодан бошқа меҳрибон йўқ», дердилар. Бувамиз Иброҳим ҳожи ниҳоятда диндор бўлганлар.

Мен 1991 йил май ойида бир неча юртдошларим билан АҚШга дин масаласида чақирилган эдим. У ерда яқин бир ҳафта умуман инсоният учун дин зарурлиги муҳокама этилди. Христиан мазҳабида бўлган корейс Мун жаноблари XXI асрда барча динлар ёрдамида одамларни ваҳшийликдан сақлаб қолиш мумкинлигини уқдирди. Шуниси ҳам борки, унинг таълимотида дин билан адабиёт ва санъат ҳам одам руҳига катта таъсир кўрсатиши керак. Айниқса шу таъсирчан дин ўз мавқеини топиши керак экан. Буларнинг ичида мусулмон дини энг пухта ишланган, энг таъсирчан ва одамзотга таъсир кўрсата олиш қудратига эга экан.

Амакимнинг ёзишича: «Дадам диндор бўлганлари учун мени эски усул мактабга бердилар. Мактабни битиргач, мадрасага ўқишга жойладилар. Савдо-сотиқ ишларида русчага эҳтиёж кўрилиб, муллаларнинг фотиҳаси билан рус мактабига, русско-туземное билим юртига кириб ўқишга ижозат бердилар». Амакимиз Аҳмаджон қори шу мактабда ўқиб юрганида рус адабиётига қизиққан. У кишининг укалари Исмоил бир суҳбатда: «Акам рус адабиётига кўп қизиққан. Менга Толстой асарларини ўқиб берган эди» дегани ёдимда. Аҳмаджон қори амаким ўз хатида давом этиб, «Лекин дадам рус таъсирига берилиб кетишимизни кузатиб турар эди», деган эди. «Шул боис савдо-сотиқ таҳонасида ўзига ёрдамчи қилиб Русия саёҳатига олиб кетди. 1920 йил янги очилган совет мактабининг охирги синфини битириб, 1921 йилда Тошкент Давлат дорилфунунига кирдим. 1922 йилда эса Германияга ўқишга жўнадим. Шу даврда миллий истиқлол зиёлилар орасида кучайган эди. Шунинг учун улар рус таъсиридан қутулиш ниятида чет элга ўқишга кетишга мажбур бўлишди».

Ҳамма халқлар сингари ўзбек халқи ҳам Октябрь инқилобидан катта истиқлол бўлишини кутган эди. Афсуски, бундай бўлмади. Бу ғоянани зиёлилар олдинроқ сезишган эди. Аммо уларнинг ҳаракати миллатчилик деб қораланди. Гарчи рус ҳукмдорлари очиқ кураш олиб бормасалар ҳам зимдан турк таъсирида бўлган, улар миллатчилар деб атаган кишиларни турли йўллар билан йўқ қилишга ҳаракат қилардилар. Шу хатнинг бир жойида шундай жумлалар бор: «Истиқлол йўлида берилган кўп қурбонларнинг натижасиз қолиши ўқиган кишиларга эҳтиёж ҳиссини қувватлантирди». Шундан маълумки, ўзбек зиёлилари жим турмадилар. Балки миллий кадрларни тайёрлашга бел боғладилар. Бу орада кураш шу даражага бориб етадики, зиёлилар рус таъсиридан қутулмоқ учун Германия ва Туркияга ўқишга кетмоқчи бўлсалар, давлат тепасидаги корчалонлар уларни Москвага юборишга мажбур қиладилар. У даврда бизнинг ўлкада Туркистон, Хева ва Бухоро жумҳориятлари мавжуд эди. Чет элга талабаларни юборишда Бухоро жумҳурияти ташаббускорликни ўз қўлига олди. Туркистонда эса талаба юборишга тўсқинлик бўлгани учун газеталарда чиқишлар бошланди. Бундан хабар топган халқ ўз фарзандларини ўқишга юбориш учун маблағ тўплашга киришди. Фақат шаҳарлардан эмас, балки қишлоқлардан ҳам талабалар йиғила бошлади. Шундай қилиб, 25 талаба Туркияга, 25 таси Озарбойжон, 50 таси Москвага, 74 талаба Германияга юборилган эди. Улар учун чет элларда ўқишга кириш ҳам осон бўлмади. «Юқори мактабга кирмоқ учун Тошкентда рус мактабидан олган шаҳодатномам қабул қилинмади. Берлинда хусусий мактабда икки йил ўқидим ва техник олий даргоҳига кирдим», деб ёзади у. Бу олий мактабни имтиёз билан битирган амакимиз Берлин дорилфунунида машҳур профессор Шумахер ёнида ишлашга муваффақ бўлади. Шу даврда дорилфунунга чет эллардан келган талабаларга ёрдам қўлини чўзадилар. Айниқса Туркистондан келган талабаларни қўллаб-қувватлашга бел боғлайдилар. Туркистондан келганларнинг тинч ишлаши ва ўқиши учун тўсқинликлар бошланади. Бу ҳақда шундай деб ёзади: «1925 йилдан бошлаб Бухоро, Туркистон, Хева ҳукуматларидаги ўзгаришлар ва тобора большевиклашиш сиёсати ва рус тазйиқи сабаби билан Германиядаги Туркистон талабаларини қайтариб олиш ҳаракати бошланади». Русларнинг бу сиёсатини яхши билган миллий талабалар бирлашиб қаршилик кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг мақсадлари Германияда таҳсилни давом эттириш эди. «1926 йили дўстим Аҳмад Наим раҳбарлигида олтита талаба Туркияга юборилди. Аммо баъзилар турли баҳоналар билан юртга қайтишга мажбур бўладилар. Кундан-кун аҳволимиз оғирлаша бошлади», дейди амакимиз. Хатидаги гаплардан шу нарса маълум бўлдики, у киши Германия ва Туркияда яшаб ўқиган вақтларида кўп машаққатларни бошидан кечирганлар. Бу ҳаёт машаққатларида иқтисодий қийинчиликлар бўлгани муқаррар, Аҳмаджон қори ака Германияда ва Туркияда яшаган даврларида капитализм ва социализм ўз бошидан оғир кунларни кечираётган эди. Капитализм ҳамма вақт ҳам худди ҳозиргидай тараққиётга юз тутган эмас. То ҳозирги тараққиётга етиб келгунча пасту баланд ва қийин йўлларни босиб ўтган. Мен жуда кўп капиталистик мамлакатларда сафарда бўлганимдан биламанки, ўша жаннатмакон деб ўйлаган мамлакатларимизда ҳам ишлаган тиллайди, деган йўриқ барқарор. Биз Туркияда бўлганимизда ишлаб чиқариш муассасаларида кўп оддий кишилар аҳволи билан таниш-дик. Шундай учрашувларнинг бирида Ўзбекистон ва Туркия президентлари ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтди.

Ислом КАРИМОВ: «Нега Сизга ишчи ўз ҳаётидан шикоят қилмайди?»

Турғут ЎЗОЛ: «Калтакнинг иккинчи учи ўзига тегишини билади. У мени нима деб жавоб беришимни, яъни яхши ишласанг — яхши яшайсан деб айтишимни билади», деб кулимсираб жавоб қилди.

ЭШИТИШИМЧА, ЯПОНИЯДЕК БОЙ МАМЛАКАТДА ишчи ишлаб турган соатида чекишга кўпроқ вақтини сарф этса, у албатта ишсиз қолади. Кипрдек кичик бир мамлакатда ишчининг маҳсулоти бозорда ўтишига қараб ҳақ тўланади. Шундай экан, биз ҳавас қилаётган жамият одамзотни қовуриб ташлаши муқаррарлигини тушуниб, ишбилармонлик сирларини тезроқ эгаллашимиз керак, Фақат манфаатли меҳнатгина инсонни юксакларга кўтариши мумкин.

Туркия биздан олдинроқ Европага қўл чўзган. Европанинг энг илғор тараққиётидан фойдалана билган, Шул боис, бугунги кунда Туркия дунёдаги энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин ола билди. У бир қўлида иймон, бир қўлида тараққиёт сиёсати билан олга боради. Амаким ўз хатида шундай деб ёзади: «Берлинда ўтирган замонларимда Шарқ ва айниқса туркчилик масалалари билан алоқадор кишилар билан учрашиб қолганимда, доимо Туркистоннинг мустақил бўлишини, русларнинг кўп масалаларда биздан орқада эканлигини, Туркистоннинг турк эканлигини, туркиялик туркларга кўнгилдан боғлиқ эканлигини, Анвар пошшо китобида ёзилган фикрларни гапириб, англатар эдим».

Айтишларига қараганда, амакимизнинг сўнгги йилларда ёзиб қолдирган хатлари ҳам мавжуд. Иншоолло, ўртамиздаги муносабатлар тикланса, яна янги маълумотлар олурмиз.

ОНА ЗАМИНДА ДИЙДОРЛАШАМИЗ

Шу йилнинг 2—6 ноябрида жумҳуриятимизда ёш ватандошларимизнинг халқаро анжумани бўлиб ўтади. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Адҳамжон Орзиматов билан мулоқоти шу ҳақдадир.

— Ўтган етмиш йил мобайнида хориждаги ватандошларимиздан омадлилари ўзлари туғилиб ўсган ёки аждодларининг киндик қони тўкилган тупроққа қадам босишлари учун минг чиғириқдан ўтишга мажбур эдилар. Улар доимо халқимизга «ватан душмани», «ватан хоини» деб ташвиқ қилинарди. Биз ҳам ўшандай ташвиқ ва тарғиботларни тинглаб улғайган авлодмиз. Гапнинг очиғи, ёш ватандошларимизнинг халқаро анжумани ўтказилиши ҳақидаги хабарни қувонч билан қаршиладим. Ахир томирларида бир хил қон оқаётган туркий жигарбандларимизнинг дийдорлашувига нима етсин!

— Чиндан ҳам, ўтказилажак бу анжуманнинг жумҳурият ҳаёти учун аҳамияти катта бўлиши шубҳасиз. Бу анжуман жумҳуриятимиз мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан ташкил қилиняпти. Уни ўтказишдан олдимизга қўйган қатор мақсадларимиз бор. Биринчидан, она тупроғимиз озод бўлди. Бу чет элдаги ватандошларимизнинг ҳам узоқ йиллик армони эди. Улардан кўпчилиги бундай қутлуғ кунга етолмай дунёдан ўтдилар. Аммо уларнинг томирлари— набиралари, фарзандлари ҳаёт. Ота-боболари кўрмаган она тупроқни улар келиб кўрса деймиз. Мустақил жумҳуриятимизнинг илк қадамларини, ўзбек халқининг турмуш ва маданиятини, кузатишса, ёшларимизнинг аҳволи билан яқиндан танишишса, Ўзбекистонда яшаётган ўз қариндош-уруғлари билан учрашса...

Иккинчидан, ҳеч кимга сир эмас, иқтисодий қийинчиликлар ҳамма соҳада тезроқ қадам ташлашимизга жиддий тўсиқлардан бири бўлиб турибди. Уни бартараф қилиш учун бизда ҳали механизм ишлаб чиқилмаган. Анжуманда иштирок этадиган ватандошларимизнинг аксарияти ишбилармонлар, тужжорлар ва бошқа соҳадаги ўттиз беш ёшгача бўлган қобилиятли ёшлардир. Улар келишса, биз биргаликда фикрлашамиз, меҳмонхоналар, полиграфия комбинатларини қуриш масалалари ҳам ўртага ташланади. Халқимизда «кенгашли тўй тарқамас» деган мақол бор. Жумҳуриятимиз мустақиллигини биз фойдали амалий тадбирлар ила мустаҳкамлаб боришимизни фарзандлик бурчимиз, деб ўйлайман. Бу масалада ёш ватандош дўстларимиздан жўяли фикрлар ва ёрдам бўлса, нур устига аъло нур бўлади.

Учинчидан, ҳали айтганимдек, мустақиллигимизнинг бир йиллигини бирга байрам қилсак, деган ниятдамиз. Биз дунё ёшларини, дунё ёшлари бизни танисалар... Чунки, мустақиллик муносабати билан орамизда узоқ йиллар мавжуд бўлган «хитой девори» олиб ташланди. Кўнгиллар ва кўзларга рост дунёни кўриш ҳамиша насиб этсин.

— Хориждаги ватандошларни топишнинг ўзи бўлмагандир. Бундай пайтда сизлар кўпроқ кимларнинг ёрдамига суяндингизлар?

— Бизга шу пайтгача хориждаги дўстларимиз Абдурауф Мақсудий, Ёқуб Турон, Рўзи Назар ва Туркистон жамиятлари ёрдам қўлини чўзишди. Улар хорижда яшаётган ёшларимизнинг рўйхатларини тавсия қилишди. Яшаш жойларини аниқлашда катта ёрдам кўрсатдилар. Аммо ҳали ҳам бу масалада қийналяпмиз. Ватандошларимизнинг кўпини билмаймиз. Улар орасида ўз юртига интиқлари қанчадир. Бу анжуман ҳақида эшитолмай қолганлари ҳам кўп бўлиши мумкин. Аммо шунга қарамай ҳозирча иш катта тайёргарлиқ билан кетаяпти.

Ёш ватандошлар Халқаро анжуманини ўтказиш бўйича ўз дастуримизга эгамиз. Ташкилий қўмита раиси бош вазир ўринбосари М. Қорабоев.

— Кечирасиз, анжуман қатнашчиларининг йўл харажатлари: умуман харажатлар кимнинг зиммасида бўлади?

— Анжуманда иштирок этмоқчи бўлганлар ўзи яшаётган давлатдан Тошкентгача ва Тошкентдан яшаш жойигача йўл харажатларини ўзлари тўлайдилар. Бироқ, анжуман даврида меҳмонларнинг Ўзбекистон ҳудудида бўлиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлари анжуман жамғармаси ҳисобидан бўлади. Анжуман жамғармасини қайдан олаяпсизлар деб сўрашингиз мумкин? Бу ўринда бизга Ўзбекистон—Америка савдо корпорациясидан бир миллион, Москвадаги Умуминсоний қадриятлар Халқ Академиясидан 1 миллион пул ўтказилди. Шунингдек, йирик корхоналар, ёшлар

марказлари бажонидил ёрдам кўрсатишга тайёр. Иттифоқимиз аъзоларининг ўзи бир сўмдан йиғишяпти. Анжуман учун умумий сарф-ҳаражат 7—10 миллионни ташкил этади. Бундан ташқари шахсий ёрдамлар бўлиб қолиши мумкин.

— Ҳукуматимиз ҳам четда турмаётган бўлса керак.

— Ўзингизга маълум, ҳозирги иқтисодий танглик жумҳуриятимизнинг бирор жабҳасини четлаб ўтган эмас. Ҳукуматимиз гарчи маблағ ажратмаса-да, маънавий жиҳатдан, ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибди. Бизга шунинг ўзи ҳам кифоя.

— Ёш ватандошларимизнинг жумҳурият бўйлаб сафарлари ҳам ташкил этилса керак...

— Албатта. Иккинчи ноябрь куни меҳмонларни кутиб олиб, уларни меҳмонхоналарга жойлаштириб, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиргани-миздан сўнг ўзимизда расмий қабул маросими бўлиб ўтгач, кечга томон Халқлар дўстлиги майдонида анжуманнинг тантанали очилиши бўлади. Кейинги кунлари Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларига саёҳатни режалаштирганмиз. Шунингдек, меҳмонларда ушбу вилоятлардан ташқари яна бошқа жойларни кўриш истаги бўлса, дастурда белгиланган ҳужжатлари билан бирга бемалол бориб келишлари мумкин.

Уларнинг кўнглини олиш учун иложи борича барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари меҳмонлар турли табақадаги ёшлар, ишбилармон ва тадбиркорлар, олимлар, ижодкорлар, адиблар, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, умуман олганда уларни қизиқтирган одамлар билан учрашиш имкониятига эга бўладилар. Келаётган ватандошларимиз орасида бизга аллақачон таниш бўлиб қолганлари бор: шоирлардан Тилак Бобоқурбон, Орхун — сиёсатчи, турколог, Америкада миллий алифбо муаллифи Эркин Назар, Муҳаммад Аюб, Усмонхўжа ва Туркиядан ҳам қатор дўстларимиз таклиф қилинган. Бу анжуманда юздан ортиқ хорижий ватандошларимиз билан қўшиб ҳисоблаганда, қатнашчиларнинг умумий сони 230 дан ошиб кетади.

— Ўзбекистонни дунёга танитиш йўлидаги бу хайрли анжуманнинг муваффақиятли ўтиши ҳаммамизнинг бирдан-бир тилагимиз. Аммо, сизга яна бир саволим бор. Айни шу пайтда, Ўзбекистон ёшларининг биринчи котиби сифатида нимадан ташвишдасиз?

— Бу ҳаммамизнинг юрагимиздаги оғриқли савол. Мени қўшни Тожикистондаги аҳвол бениҳоя изтиробга солади. Бегуноҳ қон тўкишлар, тожик халқининг қонли кўз ёшлари ҳамон тўхтамаяпти, ҳамон бағримизни ўртаяпти. Халқимизда «қушнинг ҳам уяси бузилмасин», деган нақл бор. Ахир у ерда бутун бошли халқ мусибат чекаяпти-ку. Гўдаклар, оналар, кексалар ҳаётдан кўз юмаяпти. Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Тожикистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши, Қозоғистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Туркманистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши раҳбарларининг учрашувида Тожикистонда юзага келган бундай фожиали вазият ҳақида, унинг оқибатлари ҳақида жумҳурият Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Маҳамад Муҳаммадаминов сўзларини юракда оғриқ билан тинглаган эдик. Сўнгра ҳаммамиз биргаликда Тожикистон ёшларига мурожаатнома қабул қилган эдик. **«Бўлиб ўтаётган тўқнашувларда ёшлар асосий ҳарбий кучни гашкил этаётганликлари бизни беҳад ташвишга солмоқда. Ахир ота-оналар ўз ўғилларининг ширин жонлари кимларнингдир тизгинсиз эҳтиросларига қурбони бўлиши учун фарзанд ўстирганмиди? Йўқ, албатта! Бу дунёда инсон зотидан азизроқ нарса йўқ! Зотан ҳеч нарса ва ҳеч ким инсон ҳаётини, унинг сиёсий қарашлари, дини, миллати қандай бўлишидан қатъий назар ажал тарозусига қўйишга ҳақли эмас»,** деб мурожаат қилган эдик.

Ҳали ҳам ҳар тонг дилимда армон ила Тожикистонда кечаётган воқеалар тезроқ яхшилиқ билан барҳам топишини сўрайман. Чунки, биз Афғонистонда нақадар ажойиб ўғлонларимизни йўқотдик. Агар улар бугун ҳаёт бўлганларида, истиқлолни кўрганларида бағримизнинг кемтиги бут бўлармиди? «Ноумид— шайтон» дейдилар. Ишончимиз комилки, тез фурсатда у ердаги биродаркушлик тўқнашувларига батамом чек қўйилади. Анжуманда Тожикистон ёшларидан ҳам вакиллар бўлади, деган ниятдамиз. Чунки Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидан ўттизга яқин вакил анжуманга таклиф этилган.

— Келажакда Ўзбекистон ёшларини қандай кўришни орзу қиласиз?

— Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аждодларимиз ўсмирлигидаёқ Абу Али ибн Сино бўлиб дунёга довруқ таратган, шоҳ Бобур бўлиб ўн икки ёшида давлатни бошқарган. Улуғбекка ўхшаб юлдузлар илмини дунёга фан сифатида асослаб берган. Ҳамма соҳада мукаммал бўлганлар. Анжуманнинг яна бир асосий мақсадларидан бири ҳам ёшларимизнинг ўзига бўлган ишончларини ўстириш, мустаҳкамлаш. Бола ёшлигидан кўнгли чўкмай, қўрқмай ўсса, у жасур, мард бўлади. Дунё ёшлари бир-бирларини кўрса, диллар диллардан сув ичса, вақтлар келиб бизда ҳам давлатни ёшлар бошқарсалар, ҳамма тармоқларда ёшлик қони гупуриб турса...

Мен Ўзбекистон тупроғини ана шундай гуллаган ҳолда кўришни орзу қиламан.

— Ниятларингизга тилакдошмиз. Сўзларингизга фаришта омин дейсин...

— Саломат бўлинг...

Суҳбатдош
Шарифа САЛИМОВА

КИНОАНЖУМАН МУКОФОТЛАРИ

Илгари хабар берганимиздек, бир ҳафта қизғин давом этган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI халқаро Тошкент кинофестивали муваффақиятли якунланди. Киночилар уйида бўлиб ўтган йиғинда фестивал қатнашчиларига жамоат ташкилотларининг совринлари топширилди.

Алишер Навоий номидаги Санъат саройида фестивалнинг тантанали ёпилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни очган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, фестивал ташкилий қўмитаси раиси Э. Самандаров ушбу анжуман ҳар томонлама ажойиб ўтганлигини, унинг умумжаҳон тусини олиб, халқларни тинчлик ва биродарликка даъват этишини алоҳида таъкидлади. Сўнг ҳакамлар ҳайъати раиси, туркманистонлик машҳур кинорежиссёр Ҳожиқули Норлиев сўз олиб, мукофотланганларни маълум қилди.

Бош соврин — **«Олтин Семурғ»** Австралиянинг **«Споствуд»** филмига берилди.

Кино санъатида **миллий анъаналарни сақлаш** учун бериладиган мукофотга **«Севги косаси»** (Япония) филми сазовор бўлди.

Энг яхши эркаклар роли ижроси учун бериладиган **«Олтин арча»** мукофоти билан мексикалик актёр Эдуардо Лопес Рохас **«Бенхаминлик аёл»** фильмидаги роли учун тақдирланди. Энг яхши аёл роли ижроси учун ҳиндистонлик актриса Опарна Сен **«Биз яшаётган дунё»** фильмида яратган роли учун **«Олтин лола»** мукофотини қўлга киритди.

Энг талантли ёш режиссёрларга бериладиган **«Кумуш Семурғ»** мукофоти туркиялик Мехмед Тангрисеварга **«Сургун»** филми учун берилди.

Фестивалда янги жорий қилинган **Раж Капур номидаги соврин «Хинна»** (Ҳиндистон) филмига топширилди.

Бош ҳомий — Маданият ва умуминсоний қадриятлари халқ академияси мукофотига **«Севги косаси»** филми учун япониялик режиссёр Кацуми Нисикова сазовор бўлди.

ЧИНДЎСТ

СУРАТДА: Чапдан Усмон Шамсимуҳамедов, Эркин Носиров, Хайрулла Эргашев, Мирзиёд Мирзоидов, Озод Искандаров. Олтмишинчи йиллар. Давлат бадиий адабиёт нашриёти.

Бу йил матбуот саҳифаларида босилаётган қутлов мақолаларини, хотираларни ўқий туриб, ҳар гал Усмон Шамсимуҳамедовни эслаб кетаман. Ҳаёт бўлганда уни шу кунларда олтмиш ёши билан табрик қилардик. Усмонни, унинг оиласини болалигимдан яхши биламан. Сабаби мен, Усмон, Латиф Маҳмудов ҳаммаҳалла, бир мактаб, бир синф ўқувчилари эдик.

Усмон босиқтабиат, синчков, ниҳоятда одобли бола эди. Бола деяпман. Лекин у болалик нима эканлигини билмай ўсди. Икки акаси урушга кетиб, катта оила ташвишлари унинг елкасига тушди. Ўша йиллари бизнинг бир қ ə нча тенгқурларимиз мактабни ташлаб кетишди. Аммо оғир турмуш синовлари Усмоннинг ўқишга бўлган ҳавасини сўндиролмади. У ҳам ишлади, ҳам ўқиди. Уруш йиллари кўпчилик шундай қилишга мажбур бўлган эди.

Усмон, Латиф учовимизнинг ёшликдан санъат, адабиётга қизиқишимиз катта эди. Бу қизиқиш Усмонни театр ва рассомлик институтига етаклади. Лекин кўп вақт ўтмай, у САГУ (ҳозирги ТошДУ)нинг филология факультетига ўтиб олди. Адабиёт, назм ва насрнинг поёнсиз сирлари назаримда унга тинчлик бермади, ўзига тортди.

1957 йилда ўқишни битириб, Усмон Давлат бадиий адабиёт нашриётида (кейинчалик Ғ. Ғулом номи берилган) ишлай бошлади.

Ўша йили нашриётда мусиқа бўлими очилиб ўзбек мусиқаси, мусиқадонлари ҳақида адабиётлар туркуми чоп қилина бошланган эди. Усмон худди ўз оқимига тушгандек бу соҳага жиддий киришиб кетди. Академик Юнус Ражабий, Матниёз Юсупов, Икром Акбаров, Илёс Акбаров билан баравар жон куйдириб, «Шашмақом» сериясини, «Ўзбек халқ музикаси» кўп жилдлик капитал нашрларни дунёга келишига кўп жиҳатдан ўзининг катта улушини қўшди. У умрининг охирги дамларигача, қарийб йигирма бир йил нашриётда хизмат қилди. Бўлимга раҳбар бўлди. Бевақт ўлим, оғир хасталик уни 1977 йили орамиздан олиб кетди.

ЁДНОМА

Усмон Шамсимуҳамедов қалами ўткир, чуқур мушоҳадали, дили пок, камтар адабиётчилардан эди. Адабиётчи деб, мен унинг кўп қиррали ижодкор эканлигини айтиб ўтмоқчиман. У насрда ҳам, драматургияда ҳам ишлади. «Оҳу кўзлар», «Тўй ҳангомаси» китоблари бунинг гувоҳи.

Усмон ўз ижодий фаолияти давомида жуда кўп иш қилиб улгурди. Чоп бўлган китоблари, муҳаррирлик меҳнати самаралари, таржимонлик ишларини саръ-ҳисоб қилсак, улар 50 дан ошиқ.

Усмон Шамсимуҳамедов ўзбек китобхонининг истак ва қизиқишларини биладиган моҳир таржимон эди. Марк Твен ҳикоялари, Нодар Думбадзенинг «Қуёшни кўраяпман» қиссаси; Юхан Смуулнинг «Музнома» романи... Шу номларнинг ўзиёқ таржимоннинг қандай асарларни ўзбек китобхонларига тортиқ қилганини яққол кўрсатиб турибди. Булардан ташқари Осиё ва Африка ёзувчиларининг талайгина роман ва қиссалари, ҳикоя ва эртаклари Усмон қалами остида ўзбек китобхонига маълум бўлди. У рус классиклари асарлари таржимасига ҳам қўл урган эди. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак» китобини таржима қилди. Лекин Л. Толстойнинг «Ўруш ва тинчлик» асари бошланган жойида қолди, умр етмади.

46 ёш ижодкорнинг куч, ғайратга, катта ҳаёт тажрибасига етишган даври. Усмондан эса шу ёшга етганида ажраб қолдик. Қанчадан-қанча ғоялар, режалар амалга ошмай, қоғозга тушмай кетди. Бу майли. Лекин Усмоннинг ўзи йўқлигига кўникиш қийин. Унинг олтмиш ёшга тўлганини ҳаётда ўз йўлини топиб олган, ҳудди оталари каби камтар, меҳнаткаш фарзандлари, ошна-оғайнилари, ўқувчилари нишонлашаяпти.

Узоқ ўтмишга эга бўлган, илм-маърифатда, маданиятда жаҳонга донғи кетган халқимиз ҳар доим ўз зиёлиларини эъзозлаб келган. Ҳозирги бошимизга тушган қийинчиликлар ўтиб кетади. Одамнинг қадри фақат моддий бойлик, ёши билан белгиланмаслигини яхши билган халқимиз Усмон Шамсимуҳамедов сингари ўзининг заҳматкаш фарзандини ҳам унутмайди, унинг чироғини ёқиб ўтирганларга узоқ умр тилайди, бахт тилайди.

Ўлмас УМАРБЕКОВ

янги томоша

«ИЛТИЖО»

Юсуфжонқизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театрида драматург Маматқул Ҳазратқуловнинг «Илтижо» драмаси саҳналаштирилди. Асарни театрнинг иқтидорли режиссёри Маҳмуджон Ғуломов саҳнага қўйди. Саҳна безакларини театрнинг бош рассоми Виктор Михайличенко ишлаган.

Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбекистон халқ артисти Ёркиной Ҳотамова, актёрлардан Каромат Аҳмедова, Исроилхон Султонов, Мавлуда Абдураҳимова ва бошқалар маҳорат билан ижро этганлар.

Асар воқеаси ота-она ва фарзандларнинг инсоний муносабатларига бағишланган бўлиб, онасини қариялар уйига эптиб қўйган ношуд фарзандининг фожеаси ҳақида ҳикоя қилади. Ҳаётий мавзуни кўтарган ушбу асар кўригида Фарғона давлат дорилфунуни талабалари илк томошабинлар бўлдилар.

ЎзАС ахборотлари

«НАСАФ»НИНГ ТОРТИҒИ

Қаршидаги «Насаф» нашриёти атоқли адиб, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб, ёзувчи Орол Мўминов ва журналист Мусо Каромов қаламига мансуб «Табаррук излар» рисоласини босмадан чиқарди. 20 минг нусхада чоп этилган бу китобда Ш. Рашидовнинг инсоний фазилатлари, унинг Қарши чўлларини ўзлаштиришдаги, вилоят халқ хўжалиги ва маданиятини юксалтиришдаги катта хизматлари ҳақида ҳикоя қилинади.

●

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигида «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» лойиҳасининг муҳокамаси ва республика президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи Зафар Ҳакимов Конституция лойиҳаси, рисола ҳақида қисқача ўз фикрларини билдириб, йиғилишни очди. Маданият ишлари вазири ўринбосари Насиба Иброҳимова Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари устида тўхталиб, «рисола бизларга истиқлол моҳиятини англашга ёрдам беради, мустақиллик йўлида иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда ката бурилишлар қилишга ундайди», — деди.

Йиғилишда сўзга чиққан вазирлик ходимлари Рустам Хўжаев, Ганк Дереник, Ҳаёт Солиҳов, Пўлат Зоҳидов, Анатолий Столповский ҳам ўз фикрларини билдирдилар.

●

Қувасой маданият уйи қошидаги «Қувасой» халқ ансамбли жамоаси «Кулги ҳамроҳингиз бўлсин» деб номланган театрлаштирилган томошани мухлислар эътиборига ҳавола этди. Саид Аҳмад, Ҳайитмат Расул, Неъмат Аминовнинг ҳажвия, интермедия, ҳангомаларидан тузилган бу дастур томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Ичкузди театр саҳналари қувноқ куй ва қўшиқлар билан уйғунлашиб, ажойиб кечага айланди. Айниқса, ҳаваскор актёрлардан Ойсулув Ортиқова, Наргиза Ражабова, Дилмурод Йўлдошев, Маъруфжон Қўлдошев, Матлуба Ҳалилова ижролари ҳаётийлиги, юморга бойлиги билан кўпчиликка манзур бўлди. Мазкур томошани истеъдодли режиссёр Баҳодир Ҳасанов саҳналаштирган. Мусиқа раҳбари Муҳиддин Эркабоев.

Илк мухлислар кўригидан муваффақиятли ўтган бу томоша дала шийпонларида пахтакорлар ҳузурида намойиш этилади.

●

Фарғона вилояти Қува район маданият уйида фаолият кўрсатаётган «Шумтака» ҳаваскорлик қўғирчоқ театри гуруҳи ўзбек халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган «Мақтанчоқ чумчуқ» спектаклини томошабинларга туҳфа қилди. Мазкур қувноқ спектакл болалар боғчаси тарбиячилари, мактаб ўқувчилари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Ҳаваскор артистлардан Расулжон Латипов, Назирахон Маматова, Ойбек Тошпўлатов, Дилором Юсупова, Баҳодир Мадраҳимов ижросидаги роллар болалар олқишига сазовор бўлмоқда. Асарни ёш режиссёр Акромжон Мадраҳимов саҳналаштирган. Эртак руҳига мос мусиқаларни Абдураҳим Комилов басталаган.

Айни кунларда театр жамоаси Худойберди Тўхтабоев қаламига мансуб «Сариқ девни миниб» асари устида иш олиб бормоқда.

●

Марғилон шаҳар Нурхон номидаги халқ театри бу йил ўзининг 40 йиллик тўйини нишонлайди. Мазкур жамоани нафақат Марғилонда, республикада ҳам яхши биладилар. Кўплаб ажойиб асарлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келаётган театр жамоаси айни кунларда бу қутлуғ санага қизғин тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Куни кеча жамоа Мўминжон Иброҳимовнинг «Ўқилмаган никоҳ» асари асосидаги спектаклни мухлислар эътиборига ҳавола этди. Асар иқтидорли режиссёр Ҳотамжон Тешабоев томонидан саҳнага қўйилди. Мусиқаларни Яҳёхон Ғиёсов танлаган. Оила, бурч, болалар тарбияси ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу асардаги ролларни ҳаваскор артистлардан Роҳила Мўминова, Раҳмонали Умаров, Ҳотамжон Ҳакимжонов, Шаробиддин Ҳалилов, Тамарахон Шарипова ижро этганлар.

Театр жамоаси йил охирига қадар юбилейга бағишланган катта театрлаштирилган томоша билан бирга, Мутал Қодировнинг «Тергов давом этади» спектаклини томошабинларга ҳавола этишни режалаштириб қўйган.

«УМИД КУРТАКЛАРИ»

Абдусаид Кўчимов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театрида драматург Маматқул Ҳазратқуловнинг «Илтижо» драмаси саҳналаштирилди. Асарни театрнинг иқтидорли режиссёри Маҳмуджон Ғуломов саҳнага қўйди. Саҳна безакларини театрнинг бош рассоми Виктор Михайличенко ишлаган.

Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбекистон халқ артисти Ёркиной Ҳотамова, актёрлардан Каромат Аҳмедова, Исроилхон Султонов, Мавлуда Абдураҳимова ва бошқалар маҳорат билан ижро этганлар.

Асар воқеаси ота-она ва фарзандларнинг инсоний муносабатларига бағишланган бўлиб, онасини қариялар уйига эптиб қўйган ношуд фарзандининг фожеаси ҳақида ҳикоя қилади. Ҳаётий мавзуни кўтарган ушбу асар кўригида Фарғона давлат дорилфунуни талабалари илк томошабинлар бўлдилар.

РАЁСАТ МАЖЛИСИ

16 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Адиблари иттифоқи раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Раёсат ташкилий масалани кўрди. ЎзРАИ биринчи котиби бўлиб ишлаган С. Раҳмон ўрнига қурултойга қадар, бир овоздан шоир Ҳуршид Даврони қўйишга қарор қилинди.

АЖРАЛМАС ЙЎЛДОШ

ОБУНА—93

Ахрор ота маҳалламиздаги табаррук отахонлардан. У киши олам янгиликларидан, сиёсий ва ижтимоий ҳаёт ўзгаришларидан доимо бохабар.

Куни кеча ота туман алоқа бўлимига кирса, почтачи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг обуна пули неча сўм, ота, деб сўрабди. Қачонгача шунақа лоқайд, бепарво ишлайдилар, — дейди ота. Бир қаришда арзимаган гинахонликка ўхшайди, бу гап, бир қаришда...

Ахрор ота ҳақ. Ҳозирги обуна қизғин давом этаётган кунларда бирорта алоқа бўлими ходими, почта ташувчи обуна ишига бефарқ қолишга ҳаққи борми? Обуначиларга йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш, тавсия этиш почта ходимининг биринчи галдаги вазифаси.

Биз ойномаю-жаридаларга обуна қилиш учун жон куйдириб, елиб-югуриб юрган бир пайтда обуначи почтадан иши битмай, қўпол муомала ва саводсизликка учраб қайтар экан, шу куни бир обуначини йўқотган бўламиз.

Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиётининг биринчи курс ўқитувчи ва талабалари билан обуна ҳақида суҳбатлашдик.

— Биз бажонидил ёзилар эдик, аммо ҳафталик бизга етиб келмайди, вақтида олиб ўқимагандан кейин ёзилиб нима ҳам қилдик, — деб қолишди талабалар. Биз пул тўлаб ёзилганимиз билан рўзнома кимнинг қўлига тушса, ўша ўқийди. Нега? Саволга жавоб излаб, журналистика куллиёти талабаларининг иккинчи ётоқхонасида бўлдик. Ётоқхона раҳбари Н. Ҳайдаровнинг айтишича, кўча эшикдан кираверишда йўлакдаги махсус курси хатхабарлар учун экан. Жаридаю-ойномаларни ҳам почтачи шу ерга ташлаб кетади. Ҳозир рўзномалар қимматлашиб, келган газета-журналлар кимнинг қўлига тушса, ўша олиб кетаверади. Мен эртадан кечгача назорат қилиб ўтириш имконига эга эмасман. Ётоқда 104 та хона бор, дейди комендант. Почта ходими ҳар бир обуначининг рўзномасини хонама-хона олиб кириб, ўз эгасига топширса-чи? Бунинг ҳам иложи йўқ. Агар шу йўлакка махсус қулфланадиган қутичалар ўрнатилса-чи? Бу оддий қулайлик устида ҳеч ким жон куйдиришни истамайди. Натижада дорилфунун талабаси ўқишни хоҳлаган рўзномасидан ҳам воз кечишига тўғри келади. Талабалар шаҳарчасидаги 95-почта хонасида пишиқ ва режали ишланган, ҳар бир хонаси қулфланадиган шкаф ўрнатилган.

— Бу хориждан келган талабалар учун,— деди почта ходими.

Наҳотки хорижлик ёшларга қурилган шунақа шкафдан ўзимизнинг ҳам ўғил-қизларга қилиб беришнинг иложи бўлмаса? Озгина бош қотириш шунча қийинми?

Тўғри, қимматчилик, ҳозир ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Лекин... ҳозир тўйларнинг авжига чиққан маврриди. Истаган бир тўйга бориб разм солиб ўтиринг, тасира-тусур, дидсиз сакраб ўйинга тушаётганлар устидан даста-даста пул сочаётганларни кўриб «тавба» дейсиз, ёқа ушлайсиз. Эсизгина пуллар. Меҳнатсиз келди-ю, меҳнатсиз совурилди, кетди. Гўёки тўй эгаси бир гуруҳ йигит-қизларни икки-уч соат давомида мириқиб сакрашга, ўйинга тушиб кетишга чақиргандек. Майли, ҳозир бор бу ҳақда эмас. Аммо баъзилар ўзини кўз-кўз қилиб, даста-даста пулни сочишдан қизғанмайди-ю, 180 сўмни обуна учун ажратинг, деса сакраб тушади. Нега шундай?

Обунани яхши ўтказишда ташкилотлар, идора ва корхоналар, алоқа бўлими ходимларининг кўмагига, хайрихоҳлигига муҳтожмиз. Обуна учун оғизда кўп гапириб, ташвишлансанг-у, амалда ҳеч ким қўлни қўлга урмаса, бундай ишдан фойда йўқ. Шайхонтовур туманидаги 11-алоқа бўлимида ушбу ҳафталик обунаси билан қизиққанимизда, бир ойда икки-уч киши ёзилмоқда, деган жавобни эшитдик.

180 сўмни тўлаб бир йилга обуна бўлган муштарий йил давомида адабиёт, санъат, маданият янгиликлари, баҳс, мусоҳаба, мунозаралар, ижтимоий ҳаёт муаммолари ҳақидаги қизиқарли чиқишларни ўқиб, жуда катта маънавий ҳазинага эга бўлади. Онг ва тафаккурини чархлайди. Бир сўз билан айтганда, адабиёт ва санъат унинг ажралмас йўлдошига айланади.

Муҳаббат ТУРОБ,
ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ

ШОИРНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Бозор иқтисодига ўтиш даврининг қийинчиликлари, қоғоз нархи ва босмахона харажатларининг ошиб кетганлиги боисидан шеърий китоблар нашр этиш бугунги кунда муаммо бўлиб қолди. Шунга қарамасдан, «Ёзувчи» нашриёти бу муаммони ўзига хос йўсинда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Мўъжазгина «Назм гулшани» серияси бир йил давомида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Муҳаммад Юсуф каби шоирларнинг китоблари нашр этилди.

Нашриёт шу кунларда андижонлик шоир Тўлан Низомнинг «Шеър айтгим келяпти, онажон» деб номланган тўпламини босмадан чиқарди. Бу тўплам ҳам «Назм гулшани» серияси чоп этилди. Маълумки, Тўлан Низом ўз ўқувчиларига мухлисларига эга ижодкор. Шоирнинг ушбу китобига онанинг мунис қиёфасини мадҳ этувчи, муҳаббат, садоқат, ростгўйлик туйғуларини улуғловчи, Усмон Носир, Чўлпон каби шоирлар хотирасини ёдга олувчи шеърлари киритилди. Шунингдек, Навоий, Саъдий, Хусайн Бойқаро, Бобур ғазалларига мухаммаслар ҳам тўпламдан жой олган.

Шоир бир шеърида:

Армонларим, аламларим
жамланди,
Зўр юк бўлиб руҳим ичра
ғамланди,
Бугун бехос улар жонга
ҳамланди,
Киприкларим ҳар битгаси
шаъмланди,
Юрак садо қилди, кўзим
намланди, —

деб ёзади. «Шоирнинг «юрак садоларни» жамланган бу китоб ўз ўқувчиларини топишига ишончимиз бор.

Ф. КАМОЛОВА,
нашриёт муҳаррири

ЖАҒСИЗ ТЕЛЕФОН

САИД АНВАР ЧОЙХОНАМИЗ МЕҲМОНИ



ХОТИН ЗОТИ ЭРКАКНИНГ ЕТТИНЧИ умуртқасидан яратилган, дейишади. Бу гапга унча ишонмай қўйдим. Хотинлар аслида эркакнинг жағидан яратилган бўлса керак. Ёки жағига яқинроқ умуртқасидан...

Саҳарлаб бошлайди-да, дийдиёсини:

— Бўлди-э! Кавшанаверманг, жўнанг ишингизга! Ҳа, мен тайинлаган нарсаларни олиб келиш эсингиздан чиқмасин-а? Яна самоварпамоварда адашиб қолиб кетманг.

Адашмасдан уйни топиб келсам ҳам жағи тинмайди:

— Келдингизми? Ҳа, ётиб қолавермабсизда! Ўзи сизни иш деб яратган. Бирор кун эртароқ келсангиз нима қиларкан-а? Нега миқ этмай турибсиз, гапиринг!?

Оғиз очиб кўринг— қулоғингиз эрталабгача жағнинг тагида қолиб кетади.

Уйдаги бундай қулоқғриқларга баҳолиқудрат чидаб юрардим. Ишхона деган жойнинг борлигига шукроналар айтиб, қулоғимни дам олдириб келардим. Уйга телефон туширимиз, ишхонадаги оромим ҳам осмонга учди. Хотиннинг тонги дийдиёси қулоғим остидан кетмай туриб, телефондагиси бошланади.

— Ҳм, энди етиб бордингизми? Мунча иммиллаб йўл босмасангиз — икки марта қўнғироқ қилибман, йўқсиз. Ўтиравермасдан ёнингиздаги дўконга кириб, палон нарса олиб чиқинг.

Дўконга кириб чиқмасимдан яна қўнғироқ.

— Эснаб ўтирибсизми? Ҳалиги мен айтган нарсани олиб чиқдингизми? Э, бекор қилибсиз, палон нарса омборда бор экан. Яхшиси, ўша нарсага алмаштириб чиқа қолинг.

Буйруқларини адо этаман, телефон дод деб мени чақираётган бўлади.

— Ухлаб қолдингизми, дастакни олмайсиз? Мен айтган иш нима бўлди? Алмаштириб чиқдингизми?! Сизга айтаман деб қаёлимдан кўтарилибди, пистон нарсани кеча олган эканмиз. Дарров кириб пулини олиб чиқа қолинг.

Тўйиб кетдим. Уйдаги телефоннинг микрофонини, яъни жағини олиб томга отиб юбордим. Ҳе-ҳе, юрган эканман, тинчидим қолдим! Телефон жиринглайди, дастакни кўтараман, аммо ҳеч қандай буйруқ эшитмайман.

— Гапирасизми, хотинбой, ё жим турасизми? Ўйда нима янгиликлар бор, нима керак, айтинг, бажарамиз. Гапирмаяпсиз демак ҳозирча бизга топшириқ йўқ. Унда хайр!— деб хотиннинг жиғига ҳам тегиб қўяман. Гапларимни эшитиб қанчалаб жони чиқаётганини кўз олдимга келтириб, куламан.

Осуда кунларимнинг бирида бошлиғимиз қулиб кириб келди.

— Оббо, Қосимбой-ей!.. Бало экансиз-ку!— деди елкамга қоқиб. — Ажойиб ихтиро қилибсиз, бизни ҳабардор ҳам қилмайсиз. Биласизми...

Билсам, бошлиғимизнинг хотинлари ҳам жағдан яратилганлардан экан. У кишининг ҳам ҳожатларини чиқардим — телефонларини жағсиз қилиб бердим. У хурсанд, мен хурсанд... Аммо касбдошларимнинг қовоқлари кундан кунга осилиб кета бошлади. Ҳатто менга ғазаб билан қарашиб, ғудирлаб қўядиган бўлишди. Зимдан суриштирдим нима гаплигини. Ҳе-ҳе! Бошлиғимиз ихтирочиликда мендан ҳам ўзиб кетиб, ходимларнинг жамики телефонларини жағсиз қилиб ташлабди.

Телефоннинг жағсизлигидан хабарсиз унга Олимбой рўпара бўлибди.

— Олимбой!— дастакдан бошлиқнинг овози эшитилибди.— Ойлик ҳисобот бугун менинг қўлимда бўлсин!

Олимбой жавоб қилибди:

— Ойни энди бошладик, қанақа қилиб унинг якуни тўғрисида ҳисобот тайёрлайман?

Дастакдан эса:

— Нимага индамайсиз? Айтадиган гапингиз бўлса айтинг, жим тураверишингиз билан иш битмайди,— деган овоз эшитилибди.

— Гапиряпман-ку, гапимни!— Олимбойнинг жаҳли чиқибди.— Ойни энди бошладик, қанақасига якуни ҳақида ҳисобот ёзаман?!— деб юз хил баҳонани рўкач қилибди.

— Бир оғиз ҳам айтадиган гапингиз йўқми? — дебди дастак.

— Э! — Олимбой баралла бақира кетибди.— Ойни энди бошлаган бўлсак, унинг якуни ҳақида қанақа қилиб ҳисобот ёзаман, ўйлаб гапиринг!

Дастак ҳам бўш келмабди:

— Гапингиз йўқ, демак сизга ҳаммаси тушунарли, ишга киришаверинг!

Олимбой анқайиб қолибди. Бошлиқнинг хонасига чопибди. Дардини достон қилмоқчи бўлиб оғиз жафтлаган экан, бошлиқ, «Вақтни беҳудага сарфлаб хонамга келишингиз шартми? Бундан кейин қанақа дардингиз бўлса телефонда айтинг», дебди. Телефонда қайтадан дардини айтаётса, дастакдан, «Гапирасизми, ё жим тураверасизми?» деган овоз эшитилибди. Олимбойи тушмагур тахта бўлиб қотиб қолибди. «Ё бошлиғимиз ақлдан озган, ёки мен», деб ўйланиб дастакка қараса... жағи йўқ эмиш!

Бошлиқнинг иши фақат буйруқ беришдан иборат бўлиб қолди. Биз бечоралар эса мингта дардимизни жағсиз телефонга айтиб ишлаяпмиз. Аммо жуда қаттиқ ишлаб юборибмиз: кўрсаткичларимиз вилоятда биринчи бўлиб кетди.

Ногаҳон бошлиғимизнинг қовоғидан ҳам қор ёғиб қолди. Биз билан фақат телефон орқали гаплашарди, хонасига тўплаб йиғилиш ҳам қилди. Менга ҳамиша жилмайиб боқарди, еб қўйгудай бақрайиб қаради. Ҳайрон бўлдим. Секин суриштирсам... Юқоридан бошлиқлари келган экан. Муваффақиятларимизнинг сирини суриштирибди. Бошлиғимиз «сир»ини айтиб қўйибди-ю Олимбойнинг куни бошига тушибди.

ИШХОНАМДАН ПАТТАМНИ ҚЎЛИМГА тутқазишди. Аммо тушкунликка тушганим йўқ. Яна ихтиролар билан шуғулланяпман. Мана, янгиси,— жағи бор қулоғи йўқ телефон. Яъни дардингизни уч кун достон қилсангиз ҳам, эшитишаверади. Фақат дардингизга малҳам бўладиган бирорта товуш эшитмайсиз. Чунки жағи бору қулоғи йўқ телефон-да! Аммо ҳозирча ихтиромизга харидор чиқмай турибди. Хотинбой:

— Кутаверманг, деб сизга юз марта айтяпман, кутманг! Кутиб овора бўласиз! Бунақа аппарат ҳамма идорани босиб кетган. Ишонмасангиз, бирорта ташкилотга, ё амалдорга қўнғироқ қилиб кўринг: дардингизни достон қилаверасиз, қилаверасиз. Аммо биронта эшитадиган одам топилмайди!— дегани деган.

Рассом Н. БЕРДИЕВ

ҲАЖВИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

ХАЖВИЯЧАЛИК ОСОН ЯРАТИЛАДИГАН нарса йўқ экан дунёда. Мана бир мисол.

Ёшлигимда қисиб нашриётга тўплам қўлтиқлаб бордим.

— Бизда тўпламларни аввал директоримиз ўқиб чиқади. У кишига маъқул бўлса, кейин қабул қиламиз! — деди тилидан болтомиб чиройли лабларига чирой бериб ўтирган чиройли қиз.

Директор акам катта хонада катта столнинг юқорисида, катта кўзойнакни тақиб, катта газетни ўқиб ўтирган экан.

— Ҳм, тўплам олиб келибсиз-да! — дедилар донадона қилиб. — Бўпти. Бир ҳафтадан кейин хабар олинг, ўқиб қўяман! — гап тамом дегандай яна диққатларини газетга қаратдилар.

Бир ҳафта қандай ўтди, билмадим. Катта акамнинг қабулларида пайдо бўлдим. Яна ўша холатда ўтирган эканлар.

— Келдингизми? — дедилар. — Ўзи сизни кутиб ўтиргандим.

Негадир қалтироқ тутиб кетди. Ахир шундай одам менинг қаёқдаги ҳикояларимни ўқиб, уни устига кутиб ўтирган бўлса, қалтироқ тутмайдими?!

— Тўпламингизни ўқиб қўйдим, — директор акам салобат билан гап бошладилар. — Мен ёлғон гапни ёмон кўраман, ука. Ҳамиша рост гапираман. Сизгаям тўғрисини айтаман: Шеърларингиз жуда бўш!

Тилим танглайимга ёпишиб қолди. «Шеърларингиз» дейишяптими? Мен чамамда ҳажвиялар, ҳикоялар, қиссаларни тўплам қилгандим... Ё директорлар (юқори табақадаги адабиёт аҳли) шеърни «ҳикоя», ҳикояни «шеър» деб аташармикин? Қиссани «достон»-а?

— Сиз менинг гапларимдан ҳафа бўлманг, — директор давом этди. — Ҳақиқат аччиқ бўлади, ука. Шеърларингиз ҳали хом. Қайта-қайта ишлаш керак. Бу — бир. Иккинчидан шеърларингизнинг асосий қисми муҳаббат ҳақида. Бу ҳақда ёзавермаслик керак, ука. Ўлдим-куйдим деб Пушкин ҳам шеърлар ёзган, Лермонтов ҳам...

— Чехов ҳам, — қитмирлигим тутиб луқма ташладим.

— Ҳа, яшанг, Чехов ҳам, — у киши илҳомланиб давом этди. — Аммо ўқувчи бу шеърларни ўқиб ўлмайдиган, куймайдиган бўлиб қолдими? Йўқ! Ҳалиям куймоқда, ҳалиям ўлмоқда. Ундан кўра сиз ижтимоий темаларда шеърлар ёзинг. Масалан, колхозчилар ҳаётидан, қурувчиларнинг яратувчилигини ёритинг, ёзинг.

— Шоликорлар ҳақида ёзса ҳам бўлади, — қитмирлигим яна тутди. — Ўт ўчирувчилар ҳаёти ва фаолияти ҳам қўл урилмаган соҳа! Хаваскор қуёнбоқарлар ҳақида ҳам бирорта достон ёзиш мумкин.

— Бор экансиз-ку, укам, — директор акам завқланиб кетди. — Мана булар қўл урилмаган мавзулар. Сиз ёзинг, биз китоб қилиб чиқарайлик. Бекорга ўтиргганимиз йўқ бу ерда, сизга ўхшаган ёш ижодкорларни тарбиялаш, китобини чиқариш энг биринчи вазифамиз.

— Акамлар виқор билан сигарет тутатдилар. Тутунини юзимга пуфлаб, давом этдилар. — Энди мундоқ қилсак, укагинам, тўпламингизни ёзувчилар уюшмасига олиб борсангиз. Поэзия деган кенгаш бор. Ўшаларга ўқитинг, муҳокама қилдиринг, фикрларини олинг. Ана шу фикрлар асосида шеърларингизни қайта ишланг. Яна муҳокама қилдиринг. Муҳокамадан яхши ўтса олиб келинг, чиқарамиз! Иложи бўлса, бирор варақ қоғоз ёздириб келинг, маъқулми?

— Маъқул-у... — дедим чайналиб. — Муҳокама ҳам бўлганди, тавсия ҳам қилишганди, тавсиянома ҳам ёзиб беришганди...

— А? — директор тўпламининг ипини ечиб варақлай кетди. — Ие, ановини қаранг, бор экан-ку, айтмайсиз ҳам. Ҳм, ҳа, ҳм... — тавсияномани ўқий бошлашди. Бирдан ранглари оқариб эшикка бақиришди. — Гў-залхон! Гў-зал-хон!

Эшикда чиройли лабларига чирой бериб ўтирган, чиройли қиз кириб келди.

— Бу кишининг тўпламини ёзувчилар уюшмаси тавсия қилган экан-ку! Қарасаларинг бўлмайдими?! Тавсияномаси борларни олиб қолаверинглар деб сизга юз марта айтаманми! Мана, олинг! — тўпламимни отиб юборишди десам лоф бўлар, узатишди десам камлик қилади, шуларга яқинроқ бир воқеа содир бўлди.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлиб ташриётдан чиқдим.

Олти ой ўтиб чиройли лабларига чирой бераётган чиройли қизга яна йўлиқдим.

— Тўпламингиз муҳаррирда экан. Ўша кишига учранг! — дедилар аллақандай дафтарга кўз ташлаган бўлиб.

Муҳаррири тушмагур жуда гапга чечан экан, ўзимни таништиришим билан, сайрай кетди:

— Сенмисан ўша!? Тўпламинг тақриздан жуда яхши чиқди. Ўзим ҳам ўқиб чиқдим (ҳатто) — беш! Сенинг олдингда таъзим қиламан! Ёзавер, ука! Тўпламингдан кўнглинг тинч бўлсин, алоҳида китоб қилиб чиқариб бераман! Олти ойда китоб қўлингда бўлади!

Олти ой ўтди, етти ой ўтди... Саккизинчи ойга ўтганда сабрим чидамай, яна муҳаррирга йўлиқдим.

— Э, бормисан?! — узоқдан хитоб қилди. — Ижодлар қалай, ёзяпсанми? Ёзавер! Китобинг чиқиб қолса керак. Фақат икки кишилик бўлиб қолди. Сен хафа бўлма ука, янгиларидан олиб келасан, алоҳида китоб қилиб бераман!

Ойлар ўтиб, муҳарририм бироз ўгирилиб қабул қилди.

— Замонни кўриб турибсан, ука, — дедилар ғижиниб. — Қоғоз йўқ. Китоблар сурилиб кетяпти. Аммо сенинг сурилмади. Фақат коллектив тўпламда чиқади. Чиққани фойда, ука. Ҳали ёшсан, алоҳида бўлиб ҳам китоб чиқаришга умринг етади!

НИҲОЯТ ТЎПЛАМ ЧИҚДИ. Мундарижасидан исму-шарифимни тополмадим. Варақлаб, ҳар бир сатрини ўқиб, ҳатто ҳидлаб ҳам кўрдим — ҳидим келмади. Шуни устига почтачи ёстиқдай келадиган конверт келтириб берди. Очиб қарасам, шеърий роман турибди! Ичида кафтдай номаси ҳам бор: «Ҳурматли Саид Анвар. Асарингизни босишга тахт қилиб қўйдик, яқин фурсатда чоп қилинади. Фақат бир-икки жойига жиддий ўзгартиришлар киритдик. Ўзгартиришлар сизга маъқул бўлса, тезда жавобини айтинг. Салом билан Палон Писмадончи».

Ҳажвия ёзиш осон демаганмидим сизга. Мана, у қўлингизда — пайдо бўлиб турибди.

ТЕЛЕГРАММА

Саид Аҳмад домлага!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг шу йил 28 август сонида босилган Шароф Бошбековнинг қатраларини ўқидик. Унда «Ҳозир кўча-ҳиёбонларни ўрисча номларини ўзгартириб, ўзимизнинг ўтиб кетган слим, ёзувчиларимизнинг номини қўяпмиз» деган ташкилотчига:

— Жа унақа қиворманглар, ҳали ўладиганлар бор... — деб жавоб қилибсиз.

Роса мириқиб кулишдик.

Домла! Ёзёвон районининг фахрий фуқаросисиз, элнимизнинг ардоқли ёзувчисисиз. Сизга узоқ умр тилаб районимиздаги «Победа» номли 14-мактабга сизнинг номингизни бердик.

Ҳайдарали ИЎЛДОШЕВ,
Ёзёвон район ХДП саркотиби

Мели БОБОҚУЛОВ

ОЛМАХОНМИ, ЁНҒОҚХОН?

Баланд дарахт шохидан,
Сакраб тушди Олмахон.
Уни кўриб Шоҳида,
— Вой, бу не? —
дер ойижон.

— Унинг исми Олмахон,
Яшар дарахтзор боғда.—
Деди ойиси Норжон,
Аммо кўзи ёнғоқда.

— Олма берсам боқмади,
Нечун Олмахон,— дейди?
— Олма унга ёқмайди,
У фақат ёнғоқ ейди.
— Бу ном унга ёқмаса,
Нафсини тийиш керак.
Олмага у боқмаса,
Ёнғоқхон, — дейиш
керак.

ДАЗМОЛ

Биласанми,
Дўстим Холман.
Кўк чироқли
Зўр дазмолман.

Розеткага
Тиқ куракчам.
Ёнар бирдан,
Кўк чироқчам.

Олиб бўлгач,
Керакли нур.
Ўчар шу он,
Чироқчам, кўр!

Сўнг дазмолла
Кийимингни.
Ярақлатгум,
Кастюм-шимни.

Кўйлакми у,
Шоҳи газмол.
Текислайман,
Қилиб дазмол.

Рассом Ш. СУБҲОНОВ

«ВИНЗАВОД—ҲУШЁРХОНА» АВТОБУСИДАГИ ҲАНГОМАЛАР

— Тунов куни ичаверибмиз, ичаверибмиз, Наполеон Бонапартга айланиб кетибман-эй! Бир вақт Московни босиб олиб қўяқолай, деб қўшин тортиб қолибман...

— О-о-о! Московни босиб олдингми, ишқилиб?

— Э, қаёқда! Кутузовнинг аскарлари пистирмада туришган экан. Йўлимни тўсишиб, ўн беш кунликка сургун қилиб юборишди.

●

«Қадамингга гуллар очилсин»ни баралла айтиб, ярим кечаси уйга қайтаётсам, бир хотинга кўзим тушди. Вей, катта кўчанинг бошида ечинтириб кетишибди. Бечора совуқда қотиб, турган жойида музлаб қолибди. Одамгарчилигим тутиб костюмимни ечдим. «Музлаб қолибсиз-ку, сингил», деб елкасига энди ёпгандим, бегона қўллар тирсагимдан тутди. Қарасам, иккита барзанги турибди-да, шапкани қийшайтириб.

— Ҳов, оғайнилар, мени маст деб ўйлаяпсизларми? Мен маст эмасман. Манови синглимиз музлаб ҳайкалга айланиб қолибди. Шунга... — дедим.

— Йўқ, сизни маст деб ўйлаб ўлибмизми? Фақат «синглингиз»ни ҳайкал деб ўйлаяпмиз, — дейишди кулиб.

●

— Э, бўғилиб кетаманда, бўғилиб!

— Нимадан, уста?

— Анови пул топиб ақл топмаганни қара. Ўн беш минг сўмга сигир олибди-я! Сигир «пақ!» этиб ўлиб қолса, нима бўлади? Зорини қозиққа айтиб қолаверади-да, куйиб-ёниб. Ҳа, ундан кўра ўн беш яшик ароқ олмайдими, бир йил маза қилиб ичарди. Яна шишаси фойдага қоларди. Ҳа, нодон-а, нодон!

●

— Шу газит-жўрналларингга ҳам тан бермай қўйдим-да, ука.

— Нега энди, устоз?

— Қаёқдаги бачкана нарсаларни ёзишади-да. Ширин кайф қилиб уйга қайтсанг, ўғлинг бир томондан, қизинг иккинчи томондан **газит ё жўрнал кўтариб** тепангга келишади: «Ўқиб беркансиз», «Ёшлатиб қўяркансиз!» Қўлингга олсанг, кайфни учирадиган сарлавҳаларга дуч келасан: «Болаларингизга ўқиб беринг», «Фарзандларга аталган саҳифа»...

Ўзимиз ўқимаймизу, болаларга ўқиб берамизми? Ҳа, ундан кўра, «Дадаларингизга ўқиб беринг», «Отангизга аталган саҳифа» деб ёзишсин. Ашулани ванг қўйиб келганингда, «Ароқнинг шифобахшлиги», ёки «Соғлиқ — ароққа боғлиқ», деган мақолаларни ўқиб бериб туришса, қандай яхши бўларди. Ҳар замонда онасига ҳам ўқиб бериб қўйса: «Ширин сўз — маст озғи!»

Ҳали етилмаган — ёш ичувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиб «Ўзингизга содиқ улфатлар топинг», «Кўп ичишнинг йўллари ва усуллари» деган мавзуларда чиқишлар қилиб турардик.

Энг асосийси, «Обуна, обуна!» дейишиб югуриб юришмасди. Ҳар қанча газит-жўрнали бўлса, ўзимизнинг ўртамизда талаш бўлиб кетарди.

●

— Шу ароққа ҳам обуна қилишса, қандай бўларкан-а? Йилнинг бошида ёзилиб қўйсанг... Почтачи кечга томон тарқатиб юрса: «Убайдилложон ака, обуна бўлган экансиз, ароғингизни олиб қўйинг!»

Бирорта заруррроқ ишинг чиқиб қолса, хотинга тайинлаб қўйсанг, «Мен палончиникадаман. Почта келса олиб кираверсин ўша ерга!»

Ўн йиллигига олдиндан обуна бўлиб қўярдим-эй!

ЧОЙХОНА ХАБАРЛАРИ

АЛМАШТИРАМАН

«Иттопмас» туманидаги бир хонали уйимни шаҳар марказидаги тўрт ёки беш хонали уйга алмаштираман. Уй замон талабига тўлиқ жавоб бериши: телефони, гази, ювиниш хонаси бўлиши шарт. Ҳовли, боғи, гаражи ва бошқа қулайликларга эга бўлса яна яхши.

ҚИДИРИЛМОҚДА

«Ўпқон» кичик корхонасининг бошлиғи Очофат Ебтўймасов қидирилмоқда. У корхонанинг бор сармояси — беш юз минг сўм пулни олиб, корхонага қарашли «Тойота» машинасини миниб чиқиб кетганича қайтиб келмаган. Унинг эгнида чет эл фирмаларида тикилган устбош бўлган. Очофат Ебтўймасовни кўрганлар бўлса, яқин атрофдаги мелиса бўлимига ёки «02» номерига телефон қилиб, хабар беришларини сўраймиз.

ТАНИШУВ

Ёши эндигина эллик бирга кирган, еттитагина эрга тегиб ажрашган олтинсоч соҳибжамол ўз тенгини изламоқда. Етти мучаси соғ бўлган, ёши қирқдан ошмаган, ҳовли-жойли, машинали, ёғлиққина жойда ишлайдиган, босиқ, мўмин-қобил, миллатидан қатъий назар, ҳар қандай йигит унинг умр йўлдоши бўлиши мумкин.

СОҲИБЖАМОЛНИНГ МАНЗИЛГОҲИ: Ҳозирча тайини йўқ. 99-99-99 номерли телефонга вақтивақти билан қўнғироқ қилинсин. Эркак эмас, аёлнинг овози эшитилса, гапирилсин.

СОТИЛАДИ

Попда ишланган, сирти янгилик бўёғини йўқотмаган, фақат таги озгина тешилган бир пой калиш сотилади.
МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: Камчатка вилоятн, Чукотка тумани

БОҚИВОЙНИ КУРГАНЛАР БОРМИ?

«Ишдан қайтаётсам, ёнимга «Жигули» келиб тўхтади. Кетворган бир йигит машина эшигини очди. Чиқдим. Уйимга элтиб қўйишди. Танишиб олдик: отлари Боқивой экан. Боқивой акам кечқурун «бир пиёла чой ичгани» келдилар. Чой ичдик, гаплашиб ўтирдик. Боқивой акам жуда ширинсўз эканлар. «Сиз гўзалларнинг гўзали экансиз. Мен сизга дунёни кўрсатаман. Парижга олиб бораман, Лондон боғларида сайр қилдираман», дедилар. Мен, «Вой! Чеварга кўйлак буюртирганман, битсин, кейин олиб борарсиз», дедим. «Майли», дедилар. Эрталаб турсам, тилла тақинчоқларим, йиғиб юрган йигирма минг сўм пулим, олтин ва кумуш қошиқчаларим йўқ бўлиб қолибди. Уни устига Боқивой акамлар ҳам йўқлар. Боқивой акамни кўрганлар бўлса, «Мунинг кўйлаги битибди», деб қўйинглар, ўзлари тушуниб оладилар».



Рассом И. ЖИЯНОВ

Рассом И. ЗОИРОВ

СИЗ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?



МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир ўринбосари: Иброҳим ҒАФУРОВ

Таҳрир ҳайъати: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо ҚЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИЎЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Беққул ЭГАМҚУЛ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.10
210 минг 723 нусхада чоп этилди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64593. Буюртма № Г-402